

Музо. 2 83. (5y) 89

C-66

Санжар Соғиқ

РОМАН ВА ТАНҚИД

TOSHDO TAU



0000000622

УЗ 2012
89
С-66

Санжар СОДИҚ

O'zbekiston Respublikasi
FAN VA TA'LIM VIZIRLIGI
FOND VA BILIM MARKAZI

РОМАН ВА ТАНҚИД

Адабий-танқидий мақолалар

5/11

O'zbekiston Respublikasi
FAN VA TA'LIM VIZIRLIGI
KUTUBXONASI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSKENT-DO'RTA
ILMOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2008

Ушбу китобга муаллифнинг сўнгги йилларда ёзилган еттита адабий-танқидий мақоласи киритилган бўлиб, уларда ҳозирги ўзбек романчилиги ва танқидчилиги тараққиётининг асосий муаммолари, тамойиллари, хусусиятлари ҳамда ривожига ҳалақит бераётган айрим иллатлари устида мушоҳада юритилган. Мақолалардаги кузатишлар, қарашлар ва хулосаларнинг деярли барчаси бадиий ҳамда танқидий асарлар таҳлили воситасида асосланган. Улардан олий ўқув юртларида янги ўзбек адабиёти тарихи ва адабий танқид фанларини ўқишда фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир

Филология фанлари доктори,
проф. **Ф. Мўминов.**

Тақризчилар:

Филология фанлари номзодлари,
доц. **Б. Дўстқораев, С. Умиров.**

ISBN 978-9943-09-612-7

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2008.

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

(2005 йил романлари)

Ўзбек адабиётида 2005 йил чинакам романлар йили бўлди. Бунинг сабаби шундаки, худди 2005 йилда ўндан ортиқ “роман” деб аталган асар эълон қилинган бўлиб, улар орасида пичоққа илинадиганлари, яъни кўп жиҳатдан китобхон қалбини ларзага келтирувчи, маънавиятини бойитувчи намуналар борлиги кишини беҳад мамнун қилади. 2005 йили нашр этилган ўзбек романларига назар ташлар эканмиз, бу жанр тараққиётида фақат миқдор жиҳатидангина эмас, балки сифат эътибори билан ҳам ўсиш борлигини, ёлғиз мавзулар-у ғоялар эмас, балки шакл, услуб соҳасида ҳам ранг-баранглик ортганлигини пайқаш мумкин бўлади. Бир йил давомида босилиб чиққан бу жанр намуналари орасида тарихий асарларни ҳам, замонавий мавзудаги изланиш самараларини ҳам, трилогия-ю тетрологияларни ҳам учратишимиз мумкинлигини эсласак, илгарилари бундай ранг-баранглик ҳеч бир йилда кузатилмаганлиги яққол англашилади. 2005 йили чоп этилган тарихий романлар гуруҳини ёзувчи Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетрологияси иккинчи китоби, “Абадий соғинчлар” номли хроника намунаси ва Тўлқин Ҳайитнинг “Вафо маликаси” сингари асарлари ташкил этади. Замонавий мавзудаги романлар сифатида тақдим этилган китоблар жумласига эса ёзувчи Луқмон Бурихоннинг “Жазирамадаги одамлар”, Абдуқаюм Сиддиқнинг “Хиёнат ёхуд” “Эзгуликка умид”, Нуриддин Исмоиловнинг “Улимга маҳкум қилинганлар”, “Бургут тоғда улғаяди”, Фулом Алининг “Иблис қиёфаси” ва Т.Жўраевнинг “Бозор дунё” каби асарлари киради. Қизиғи шундаки, илгарилари ўзбек адабиётида кўп жилдлик романлар аҳён-аҳёнда пайдо бўлган бўлса, 2005 йилда бирданига икки трилогиянинг, яъни Жумакул Қурбоновнинг “Сардоба” ва Исмоил Шомуродовнинг “Мағлубият” деб аталган қенгуламли асарларининг дастлабки китоблари босилиб чиқди. Улар устида уйга толар эканман, хаёлимда нуқул бир ёш танқидчи Т.Жўраевнинг “Бозор дунё” асари ҳақидаги тақризига қўйган “Роман ўқиб,

романни соғиндим” деган қизиқ сарлавҳаси жонланаверди. Чиндан ҳам “роман” деб эълон қилингани билан юқоридаги асарларнинг кўпчилигини мазкур жанрнинг ҳақиқий намуналари ҳисоблаш қийинга ўхшайди. Бунинг сабаби шундаки, мазкур асарлар турлича услубда ва энг муҳими, ҳар хил савияда ёзилган. Жумладан, “Жазирамадаги одамлар” романи эзгу инсонпарварлик ғояларини кишилар табиатидаги фавқулодда ўзгаришлар ва воқеалар ривожига кутилмаган, кескин бурилишлар воситасида ифодалаганлиги билан китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Асарнинг қизиқарли чиқишига муаллиф воқеаларни ҳаётдагидан бошқачароқ тартибда жойлаштириш, кишиларнинг табиий майлларига эҳтиёткорлик билан ёндошиш ва деярли ҳар бир бобда диққатимизни турмушдаги сон-саноксиз муаммоларга қаратиш орқали эришган. Романга сунгсиз ёзган танқидчи Қ.Йулдошев асар юзасидан одамни ҳайратга соладиган қуйидаги икки хулосани ўртага ташлайди: “Бугун бадиий асар қизиқарли воқеалар тасвиридан эмас, балки инсон кўнглининг микротаҳлилидан иборатдир...

Қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўқувчилар эътиборини қозонган ёзувчи Луқмон Бурихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи ана шу йўналишда битилган асардир... Ёзувчининг илк романида ижтимоий муаммолар эмас, алоҳида одамларнинг кечинма-ю сезимларини тасвирлаш етакчилик қилади” (Луқмон Бурихон. Жазирамадаги одамлар. Роман. Т., Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005, 323-бет).

Кўрамызки, бу сўзларда романдаги узаро мутлақо ажратиб бўлмайдиган унсурлар бир-бирига қарама-қарши, зид қўйилган. Аслида деярли ҳар доим воқеалар давомида инсоннинг руҳий ҳолати очиб борилади. Одамнинг маънавиятидаги уйлари-ю, ҳис-туйғулари, хотиралари оқимида эса турмуш ҳодисалари ҳам, чексиз муаммолари ҳам гоҳ тўлиқ, гоҳ узук-юлуқ, баъзан шунчаки кўринар-кўринмас чизги ёки излар шаклида қалқиб юзага чиқади. Танқидчи романда “ижтимоий муаммолар” етакчилик қилмаслиги ҳақида хулоса чиқаришига шу нарса сабаб бўлганки, ёзувчи асарининг ҳеч ерида қандайдир муаммони кўтарганлиги ёки қаламга олинган қишлоқда муайян ҳал қилинмаган масала мавжудлиги тўғрисида кўкрагига уриб гапирмайди. Ҳақиқий ёзувчи ундай қилмаслиги табиий, чунки у кўзда тутган долзарб муаммолар романнинг ҳар бир ҳужайрасидан, бутун тўқимасидан келиб чиқишини яхши билади. Чунончи, романда бошқа персонажлардан ажралиброқ турувчи ва гўё марказий қаҳрамонлардек туюлувчи Ўроқ ҳамда Лолахоннинг ҳаётига,

тақдирига, фожеасига боғлиқ воқеалар жараёнида ХХ аср охирларидаги ҳаётимизнинг деярли ҳаммани ўйлантирган, ларзага солган кўплаб муаммолари назарда тутилгани аниқ-равшан сезилади. Уроқ ҳам, Лолахон ҳам моҳият-эътибори билан афғон урушининг қурбонлари ҳисобланади. Фақат ёзувчи ҳеч жойда “афғон уруши” деган бирикмани тилга олмайди. У фақат Уроқнинг қайсидир жангда ҳалок бўлганини, жасади темир тобутда келтирилиб, қопқоғи очилмасдан кумиб юборилганини маълум қилади. Ахир худди шулар афғон уруши оқибатида туғилган ва кишиларга чексиз руҳий азоб-уқубатлар келтирган ижтимоий муаммолар эмасми? Лолахоннинг кутилмаган ўлими воситасида эса муаллиф узоқ вақтлар мобайнида инсон “ижтимоий муносабатларнинг мажмуи” сифатида тушунилиб, табиий эҳтиёжлари, майллари инobatга олинмаганлигидек ниҳоятда муҳим муаммонинг барчани ўйга толдирувчи ечимини таклиф қилгандек бўлади. Худди шу ечимда баъзи танқидчилар Луқмон Бўрихон романи билан шоир Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри орасида зиддият кўргандек бўдилар. Чиндан ҳам Луқмон Бўрихон романда шеърдан парчалар келтириб, аёл садоқати масаласини бошқача талқин қилишга урингандек кўринади. Романнывис шоир билан мазкур муаммо юзасидан мунозарага киришиб, аёл садоқати турли вазиятларда ҳар хил намоён бўлиши мумкинлигига ишонтиришга интилган. Унинг талқинидан англашилишича, кўпчилик ёки бутун жамоатчилик ҳаддан ташқари тазйиқ ўтказганда, аёлнинг севганига муносабати садоқат тимсолидан кўра кутилмаган салбий оқибатлар билан ҳам хотималаниши мумкин. Ёзувчи талқинига кўра садоқат сунъий равишда яратилмасдан, аёл иродасининг табиий маҳсули бўлгандагина, катта ибрат ва тарбия қудрати касб этади. Фақат у ўз ғоясига санъаткорлик истеъдоди ва роман воситалари орқали ишонтиришга муваффақ бўлган. Ўз навбатида романдаги ечим “Аёл” шеъридаги ҳаётбахш ғоявий фалсафага мутлақо соя солмайди. Шеърда ҳам гўё романдагига зид туюлувчи ғоя ўзгача таъсирчан воситалар ёрдамида инсон руҳига зилзила соладиган бадий ҳақиқат даражасига кўтарилган. Демак, чинакам истеъдод ва катта санъаткорлик чатишганда, гўё бир-бирига зиддек кўринувчи ғоялар ҳам китобхон борлигини жумбушга келтирадиган, онгини бойитадиган шаклда ҳаққоний талқин қилиниши мумкин экан.

Ёзувчи фақат афғон урушидек катта ижтимоий воқеалар билан боғлиқ ўринлардагина эмас, балки қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбатлари-ю ичкиликбозлик авжига чиққан зиёфатлари чоғида ҳам ҳаётимиздаги оғриқли муаммоларга ишора қилиш йўлларини

топган. Чунончи, Ўроқ қишлоқ хўжалиги институтидаги ўқишини сиртқиға ўтказиб, совхозда ишлаш ниятида уйига қайтганда, у билан суҳбатда Чинор “шурнинг шурини” ювадиган янги дори ҳақида нима эшитганини сўрайди. Қишлоқ хўжалиги институтида ўқиганига қарамай, Ўроқ ундай нарсадан беҳабар эканлигини билдиради. Мана шундай кундалик ҳаётий суҳбат воситасида муаллиф юртимиздаги таълим савиясининг пасайиб бораётганлиги муаммосига ишора қилади. Шунда ҳам “муаммо” сўзини мутлақо ишлатмагани ҳолда, муаллиф худди мазкур масалага ишора қилаётганини англатиш учун Чинорнинг ёшларимиз ёмон билим олаётганлиги ҳақидаги уйлари келтиради. Чинакам образли тасвир ёки бадиий маҳорат деб шуни айтсалар керак-да.

Романда қайта-қайта қаламга олинган зиёфатлар давомида эса, ёзувчи узоқ йиллар мобайнида жамиятимизда тилдан тушмаган, лекин ҳал қилишнинг йўли топилмаган масалага, яъни қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут, одамларнинг чулдан қочиб, Тошкентга талпиниши муаммосига ишора қилади. Ҳар гал масъул бўлганларида Сафармурод Чавандоз билан Улаш агроном қаттиқ тўполон қилиб, шаҳарда яшаш яхшилигини гапириб, қишлоқдан кетишга отланиб қоладилар. Бундай ўринларда ҳам муаллиф “муаммо” сўзини тилга олмагани ҳолда, шуро замонида колхоз-совхозлардаги одамлар қулдан баттар қашшоқ ва жирканч ҳаёт кечирганлиги манзараларини жонли ҳамда таъсирчан шаклда гавдалантиришга муваффақ бўлган.

Шу тариқа романда деярли ҳар бир персонаж ҳаёти, тақдири, қувончи ёки фожиаси воситасида жамиятдаги куплаб муаммоларга эътибор қаратилган. Асардаги персонажлар сони эса элликка яқиндир. Албатта, улар воситасида романнавис бирин-кетин ҳаётдаги муаммоларни иллюстрация қилишга берилиб кетмайди. Улар яккам-дуккам тасвирлангандек куринса-да, ўзаро жамланган ҳолда чулға кўчирилган ва саратон жазирамасида қулдек меҳнат қилишга маҳкум кишиларнинг, аниқроғи, муайян қишлоқдаги халқнинг ташвишга тўлиқ ҳаёти панорамасига айланади. Бу кенг кўламли манзарада ёзувчи уша халқнинг турмуш тарзини, маънавий дунёсининг миқёсларини, онги ривожининг ута юксак чуққилари-ю ҳаддан ташқари тубан нуқталаригача намойиш қилишнинг уддасидан чиққан. Масалан, Сафармурод Чавандознинг куппа-кундузи далаларда от бўлиб, устига одам миндириб юриши мазкур посёлка кишиларининг ҳали болалик палласидан узоқлашмаганлигини кўрсатса, Шунқор Ҳобилнинг адабиётда уруш тасвири ҳақидаги

сузлари ниҳоятда юксак савияли, шу билан бир пайтда ўта кулгили, масхарабон, ҳажибон қаламкашлар ҳам етишиб чиққанидан далолат беради. Бунга иқрор бўлмоқ учун Шунқор Ҳобилнинг қуйидаги сузларини эслаш урикли бўлади: “Адабиётимизда уруш психологияси яратилди. Умуман дунё адабиётида уруш психологиясини ярата олган учта адиб бор Хемингуэй, Толстой ва мен”.

Бу сузлар жуда кулгилидек кўриниши ва шоирнинг ҳаддан ташқари манманлигини намойиш қилишига қарамай, жиддийроқ бошқа маънога ҳам эга, чунки Шунқор Ҳобил “уруш психологияси”, Хемингуэй, Толстойларни билишининг ўзидаёқ бор буй-басти билан кўрсатилаётган халқнинг истеъдодларга бойлиги, савияси юксаклигига рамзий ишора яққол сезилиб туради. Ахир қанчалик сохта, мақтанчоқ бўлмасин, Шунқор Ҳобилнинг юқоридаги каби унча-мунча адабиётшунос билмайдиган масалалар устида муҳокама юритишининг ўзи ҳам катта гап-да?

Шу тариқа жазирамадаги одамлар тимсоли воситасида бутун бир халқнинг ташвишлари-ю қувончларини, фожиалари-ю улкан галабаларини қизиқарли ва таъсирчан тарзда, узига хос йусинда кўрсатиб берганлиги сабабли Луқмон Бурихоннинг асари 2005 йилнинг энг яхши романи сифатида эътироф этилса, муболага бўлмаса керак. Шунга кўра Қ.Йўлдошев: “Жазирамадаги одамлар” асари тулиғича “одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар” ва қаҳрамонларга эргаштишга шай турган оломон қисматини кўрсатишга бағишланган” (ўша китоб, 329-бет), – деганида кўп жиҳатдан ҳақдир. Фақат бу кўчирмадаги “оломон” сузи “халқ” деб ўзгартирилса, романнинг ғоявий-бадиий моҳияти ва қадр-қиймати яхшироқ очилгандек бўлади. Асарда айрим воқеаларнинг ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган тартибдан бошқачароқ кетма-кетликда жойлаштирилганлиги, яъни модернистик тасвирни эслатовчи қандайдир унсурлар мавжудлигига қарамай, “Жазирамадаги одамлар” романи тулиғича реалистик методнинг энг яхши анаъаналари асосида яратилган. Унинг қизиқарли ва таъсирчан чиққанлиги реализмнинг ҳануз барҳаёт, самарадор ва имкониятлари чексиз метод булиб қолаётганлигини исботлайди. Айрим ғайритабиийроқ, сеҳрлидек туюлувчи тафсилотларидан қатъи назар, ёзувчи Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” номли тарихий романи дастлабки икки китоби ҳам худди шу хулосани тасдиқлайди, чунки улар ҳам деярли бошдан-оёқ реализм тамойилларига мос ҳолда ёзилган. Шунга қарамай, адабиётшунос И.Ёкубов “Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик талқин” китобида (Т., “Фан”, 2007)

“Улуғ салтанат”нинг дастлабки икки жилди лиро-романтик услубда ёки методда ёзилганлиги ҳақидаги қарашни илгари сурибди. Бу қарашнинг асосизлигини исботламоқ учун асарда амир Темур тимсоли нақадар табиий, ҳаққоний ва тарихий, яъни изчил реализм тамойиллари асосида тасвирланганлигини куриб чиқиш етарли булади. 2005 йили “Шарқ юлдузи” журналида бу купжилдли асарнинг иккинчи китоби эълон қилинди. У ҳам узининг қатор фазилатларига кура адабиётимизда муайян ҳодиса сифатида эътироф этилди. “Умаршайх” деб номланган бу роман муаллифнинг узоқ йиллик эзгу мақсадини, яъни амир Темурнинг ҳар томонлама ҳаққоний, мукамал ва ёрқин тимсолини яратишдек ниятини амалга ошириш йулидаги навбатдаги жиддий қадами ҳисобланади. Унда, биринчи навбатда, муаллифнинг романга хос кенг қуламли ва ҳаяжонга тўлиқ манзаралар чизиш санъати ортанлиги яққол намоён бўлди. Романни ўқий бошлашимиз билан Ҳожитархонда Ўрисхон томонидан чақирилган муғул саркардаларининг маҳобатли қурултойи манзараси жонланади. Манзарада Ўрисхонга қарши гапирган бир амалдорнинг ўша заҳоти ўлдирилишидек ҳаяжонли воқеа кўрсатилиб, Тўхтамишнинг Темур томон йўлга отланишидек қизиқ ҳодиса, яъни муғуллар орасидаги парчаланиш жараёни очиб берилади. Ўлдирилган мансабдор Тўхтамишнинг отаси бўлгани учун унинг Ўрисхондан юз ўгириб, Темурга яқинлашиши ғоятда табиий ва ишонарли чиққан. Уз навбатида бу ҳодиса Амир Темурнинг романга ниҳоятда табиий равишда кириб келиши учун йўл очади. Муаллиф романда Амир Темурнинг 1376 йилдан 1391 йилгача бўлган 15 йиллик ҳаёт йули, фаолияти, жанглари ва руҳидаги узгаришларни узаро боғлиқликда қамраб олади. Китоб бошларида амир Темур Жаҳонгир Мирзодек тўнғич ўғли ўлиmidан кейин руҳи тушган, ҳамма нарсадан қўл силтаган бир ҳолда куринади. Устози Мир Саййид Бараканинг доно сузлари ва Куръон тиловати унинг руҳига кучли таъсир курсатади. Оқибатда Темур яна қудратли Туркистон амири, моҳир саркарда ва меҳрибон оила бошлиғи сифатида жушқин фаолиятга киришади. Шу фаолият жараёнида Амир Темур характерининг кўплаб фазилатлари ва айрим заиф томонлари бирин-кетин очила боради. Хусусан, итоатдан чиққан Хоразм ҳукмдори Юсуф Суфига қарши юришида соҳибқироннинг ниҳоятда тадбиркор, сулҳпарвар ва инсонпарвар саркарда эканлиги ярқираб куринади. Қаҳрамоннинг худди шу фазилатини ярқиратиб курсатиш учун муаллиф китобхонни ҳайратда қолдирадиган фавқуллодда гузал деталлар, тафсилотлар топа олган. Уларнинг энг ёрқин чиққани, ҳеч шубҳасиз,

янги пишган қовун деталли ҳисобланади. Ширинликни кўриб, Юсуф Сўфинини кўнгли бушашувини ва урушсиз сулҳга рози булишини кўптан амир Темур Хоразм ҳукмдорига янги пишган қовун юборади. Маниҳур тарихий асарлардан олинган бу деталь амир Темур имкон борича сон тукилишининг олдини олишга интилганини, яъни ўта инсонпарвар, узоқни уйлайдиган ҳарбий қўмондон эканлигини аниқ равшан тасаввур қилишимизга замин ҳозирлайди. Қовун юборилиши Хоразмшоҳга “гуё ит олдига сунгак ташлагандай туюл”са-да, бу тафсилот ёзувчининг қаҳрамон руҳиятини таҳлил қилишда бадиий деталлардан фойдаланиш маҳорати ортиб бораётганлигидан гувоҳлик беради.

Муаллиф Амир Темур руҳияти ва фаолиятини деярли бутун китоб давомида оилавий муносабатлари билан боғлиқликда талқин этиб боради. Асарнинг биринчи китобида Темурнинг оилавий муносабатлари бирмунча силлиқ кечган жараён сифатида ёритилган эди. Иккинчи китобнинг бошларида ҳам бу жараён анча осойишта давом этгандек туюлади. Лекин кейинроқ муаллиф Темурнинг оилавий муносабатларини ҳам таъсирчан ва қизиқарли қилиб курсатиш йўлларини топган. Бунинг учун у китобхон эътиборини мазкур муносабатлардаги кескин ва мураккаб томонларга, аниқроғи, амир Темурнинг куёви Муҳаммад Мирак хиёнати билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан конфликтга қаратади. Конфликт ҳалқаларини ташкил этувчи қатор воқеалар, хусусан, Миракнинг Тухтамишхон тарафига ўтиши, Султон Бахт бегимни бугиши ва оқибатда Умаршайх томонидан маҳв этилиши соҳибқироннинг оилавий муносабатлари ҳам ниҳоятда даҳшатли тарангликларга, инсон характери қирраларини бутун мураккабликлари билан намоён қилувчи драматизмга бойлигини яққол тасаввур қилишга имкон беради. Мазкур конфликтда кўпроқ Умаршайхнинг аён кўришиб турган душманларга шафқатсизлиги, борлиги жасоратга тулиқлиги ва Темур қатори иккинчи китобда асосий қаҳрамонлардан бири даражасига кўтарилгани сабаблари очилади. Тухтамишхонга муносабатларида эса, Умаршайхнинг отасига нисбатан ҳам зийракроқ ва баъзи масалаларда ундан-да теранроқ фикрлайдиган қаҳрамон эканлиги аён бўлади. Умуман, Тухтамишга муносабат ва унга қарши кураш воқеалари деярли китобнинг бошидан охиригача марказий ўринда туриб, қаҳрамонларнинг турли-туман хусусиятларини яққол курсатувчи лакмус қоғози вазифасини ўтайди. Ўрисхондан юз ўгириб, соҳибқирон олдига бош эгиб келганда, Тухтамишни амир Темур ўз ўғли деб эълон қилади ва совғаларга кўмиб ташлайди. Тухтамишнинг

баъзи хатти-ҳаракатлари-ю сўзларини кузатган Умаршайх эса бошданоқ унга шубҳа билан қарайди. Оқибатда муносабатлар урушга бориб тақалганида, амир Темурнинг Тўхтамишга доим ишониб адашганлиги, Умаршайхнинг эса ҳақлиги аён бўлади. Ўз навбатида бу далил ёзувчи амир Темурнинг қанчалик ёрқин, губорсиз тимсолини яратишга интиломасин, тарих ҳақиқатидан чекинолмаганлигини, уни идеаллаштириш йулидан бормаганлигини курсатади. Фақат у амир Темурнинг хато қилгани, адашгани ёки қандайдир нуқсони борлиги ҳақида бир оғиз ҳам гапирмагани ҳолда, соф адабий воситалар ёрдамида китобхонни соҳибқироннинг Тўхтамишга ишонавериши фаолиятининг, характерининг кемтикрок томони эканлигига тўлиқ ишонтиради. Бунга Муҳаммад Али сон-саноқсиз китоблардан мисқоллаб йиғилган тарихий фактларга ҳаёлотнинг чексиз парвозлари тўғдирган бадиий тўқимани худди жисмга жондек пайвандлаш орқали эришган. Амир Темурнинг Ҳиротдаги, Нишопурдаги шафқатсизликларини, қатли омларини тарихий фактлар асосида жонлантирганда ҳам ёзувчи худди шундай йулдан боришга, яъни уларни ҳеч бир қораламасдан, омиллари-ю сабабларини муфассал очиб, ушандай вазиятларда соҳибқироннинг бошқача ҳаракат қилиши мумкин эмаслигига ишонтиришга интилади.

Демак, Муҳаммад Али “Улуғ салтанат” романининг иккинчи китобида амир Темурнинг ҳеч бир нуқсонсиз, фариштадек тимсолини яратиш йулидан бормай, унинг ҳам барча каби оқ сут эмган инсонлигини, адашишга, хато қилишга ҳақлилигини, шу билан бирга ўта донишманд давлат раҳбари, тенгсиз ҳарбий саркарда ва нозик қалбли оила бошлиғи эканлигини очиб беришга муваффақ бўлган. Албатта, китобдаги баъзи ўринлар, хусусан, Ахий Жабборнинг ўн биринчи бобда такяхонага бориши ва Темурга қарши гапирганларни уриши воқеаси, шунингдек, соҳибқироннинг Тўхтамишга совға қилинган Хонўғлон деган оти пировардида эгасига қочиб келишига оид тафсилотларнинг айримлари романнинг асосий сюжет чизигига яхши боғланмагандек таассурот қолдиради. Фақат ҳозирча ундай бобларнинг романда ортиқчалиги тўғрисида гапириш ножоиз кўринади, чунки кейинги китобларда мазкур туртиб чиққан ўринларни асарнинг узвий ҳужайрасига айлантириб юбориш имкониятлари топилиши мумкин. Шундай жипслашув, яхлитлашув жараёни бошланганлигини тетрологиянинг дастлабки икки китобидаёқ кузатса бўлади. Чунончи, Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романида амир Темур ёшлигида кучада бир гўзал қизни учратгани, унга чексиз муҳаббат қуйгани, кейин эса қайта топа олмагани ҳикоя қилинган эди. Романда уша қиз

Тўғрисида деряли бошқа ҳеч нарса дейилмагани сабабли мазкур персонаж асарда муаллақдек, яъни воқеалар оқимидан узилиб қолгандек кўринган эди. “Улуғ салтанат” романининг биринчи китобида Шаҳрисабз ҳокими амир Мусонинг Орзимулк оқа деган чиройда тенгсиз хотини борлиги ва улар қизларига Туман оқа исмини кўйганликлари тасвирлаб ўтилган эди. Фақат биринчи китобнинг ҳеч ерида Орзимулк оқа Темур ёшлигида учраган, лекин унга етолмай қолган гўзал эканлиги айтилмай кетилган эди. Шунга кўра “Улуғ салтанат” романининг биринчи китобида бу аёл ҳақида келтирилган тафсилотлар ҳам ортиқчага ухшаб қолган эди. Романнинг иккинчи китобида эса амир Темур кейинги гал Шаҳрисабзга борганда, энди ун беш-ун олтиларга кирган Туман оқани учратиб, ўзининг 25 йил аввалги муҳаббатини эслайди. Мана шу ҳаяжонга тулиқ воқеада Темурнинг илк муҳаббатини қозонган, лекин изсиз йўқолиб кетган қиз Орзимулк оқа эканлиги аён булади. Амир Темурнинг Туман оқага уйланиши воқеаси эса, унинг чексиз армонларидан бири ушалганлигини аён қилади ва “Сарбадорлар” романи билан “Улуғ салтанат”нинг дастлабки икки китобини ўзаро боғловчи бир кўприкка айланади.

Худди шунга яқин мулоҳазани тетрологиянинг биринчи китобидаги Зиндачашм Опардийга тааллуқли воқеалар юзасидан ҳам билдириш мумкин. Биринчи китобда унинг тақдири нима бўлганлиги, яъни Темурдан қасос олишга шайлангани ҳолда, қаёққа йўқолгани мавҳумроқлигича қолган эди. Иккинчи китобда эса бу персонажга тааллуқли сюжет чизиғи жуда қизиқарли шаклда давом эттирилиб, унинг Темурга пичоқ билан ташланишгача бориб етиши ва муқаррар ўлим топиши тасвирланади. Шу вазиятда ҳам Темур унинг беҳуда ўлдирилганлигини ва жосус ким томонидан юборилганлигини аниқлаш зарурлигини айтади. Шу тариқа мазкур воқеа Зиндачашм Опардийга боғлиқ сюжет ҳалқаларини ўзаро бирлаштирувчи омилга айланади ва соҳибқирон характерининг бир муҳим қиррасини, яъни ниҳоятда адолатли, тадбиркор ҳамда узоқни кўрадиган теран ақл соҳиби эканлигини ярқиратиб очиб беришга хизмат қилади. Демак, сюжет чизиқларининг бу хилдаги ўзаро пайвандланиш тадрижи “Улуғ салтанат” романининг китобдан китобга сайқал топиб бораётганлигидан далолат беради.

Гарчанд, “Улуғ салтанат” романининг иккинчи китоби унда тасвирланган қовундек ширин чиққан экан, яъни асарнинг биринчи қисмидан фарқли ҳолда, кейингисида амир Темурнинг айрим нуқсонлари ҳам адабиёт воситалари ёрдамида очилиб, соҳибқироннинг кўп жиҳатдан ҳаққоний ва мукамал, ёрқин

образини яратиш маррасида навбатдаги хайрли қадам ташланган экан, ёзувчига бу масъулиятли ҳамда шарафли йўлнинг давомида муваффақият тилашдан бошқа иложимиз қолмайди.

Амир Темурнинг жушқин ижтимоий фаолиятини, жангу жадалларини оилавий ҳаётига боғлиқликда қамраб олганига қўра ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг “Вафо маликаси” романи Муҳаммад Али асарларига анча яқин туради. Унда ҳам амир Темурнинг саркарда ва давлат раҳбари сифатида шаклланиш жараёни, ёшлик йиллари худди “Сарбадорлар” ҳамда “Улуғ салтанат” романларида қаламга олинган воқеаларга, яъни муғул ҳукмдори Қазаганнинг сўнгги кўнларидан 1364 йилгача юз берган тарихий ҳодисаларга алоқадорликда жонлантирилади. Фақат Тўлқин Ҳайит ўз романида ўша воқеаларни такрорий гавдалантириш йўлидан бормайди, балки тарихий ҳодисалар-у Темур оилавий муносабатларининг, руҳий ҳолатининг Муҳаммад Али нигоҳидан четда қолган қирраларини ундан бошқачароқ тарзда намоён қилишга интиланган. Бунинг учун у Қазаганнинг невараси Камолой, яъни Улжой Турқон оқа билан амир Темур орасидаги муҳаббат ва оилавий муносабатлар тарихини роман марказига чиқарган. Бу тимсолни Муҳаммад Али ҳам ўз романларида тилга олган бўлиб, умрининг охирида унинг “лаппосдек” бўлиб кетганини ва Темурнинг жонига тега бошлаганини қайд қилган, яъни кўпроқ “қора” бўёқларда тасвирлаган эди. Ундан фарқли ҳолда Тўлқин Ҳайит Улжой Турқон оқа сиймосини бутунича ёрқин бўёқларда гавдалантириш йўлидан борган. Ёрқинликни Улжойнинг роман бошларида тақдим этилган кўйидаги портретиданоқ пайқаш мумкин: “Улжой бу кўнларда ҳилол ой каби тусга кирган, гўеки ойга чиққан-у унинг заррин ёғдуларига ўраниб қайтгандек, ҳар қарашини, мулоим табассумлари-ю, кўз қорачиқларида ўша нур — ҳилол ой нури ярқ этиб бот-бот порлайди”.

Бундай тиниқ тасвир романда бутунича Улжойни Темурга нисбатан бир умрлик садоқат рамзи сифатида кўрсатишга хизмат қилади. Улжойнинг чинакам вафо маликаси эканлиги асарда фақат унинг тиниқ қарашларидагина эмас, балки севгилисини хавфлардан қўтқариш йўлидаги фавқуллодда хатти-ҳаракатларида, жасоратларида ва тўлиб-тошиб айтган сўзларида ҳам яққол намоён бўлади. Бунга иқрор бўлмоқ учун Улжойнинг шикорда кийик қўвлаб, отдан йиқилган Темурни суяб турғазганини, камондан ўқ узиб, шерни ўлдириши оқибатида соҳибқиронни ўлимдан қўтқарганини, унинг билан биргаликда туркманлар қўлига асирликка тушганини ҳамда кўп жангу жадалларда, сафарларда жуфти ҳалоли ёнида сарсон-

саргардонликда юрганини эслаш кифоя. Улжой характеридаги садоқату вафодорликнинг илдизлари, сабаблари аёлнинг Темурбекка нисбатан чексиз ҳурматига, унинг шахсида жаҳоншумул улуғворлик мужасамланганлигини теран англашига бориб тақалади. Унинг маъкур фазилати аёлнинг мана бу сўзларида аниқ-равшан юзага чиқади: “Амиримиз минг йилда бир оламга келадиган зоти олийлардан. Мунажжимлар шундай деб айтмишлар. Ул кишида олийлик сифатлари кўпдур: озга қаноат қилурлар, ҳар ишни адолат тарозусига солиб адо этадурлар, бирни топсалар, мингга бермоқни афзал билурлар, мартабали бўлганларида ҳам ҳарам тутган эмаслар. Тангри мендек ожизани бул зоти шарифга маҳрам этиб яратган эмас бекачилик вазифамни адо этмоқ бурчимдур”.

Улжойнинг ҳақиқий вафо маликаси эканлиги романнинг сўнги ноқеаларида, айниқса, таъсирчан, эсда қоладиган тарзда рўёбга чиқади. Улар давомида аёлнинг оғаси амир Ҳусайн билан Темурбек орасидаги муносабатлар кескинлашиб бораётганлиги аён бўлгач, Улжой икки саркардани яраштириш учун қариндошининг олдига боради. Фақат кугилмаганда, Улжой оғасидан амир Темурни заҳарлаб ўлдириш ҳақидаги буйруқни эшитиб, лолу ҳайрон қолади. Ушанда Улжойнинг акасига қайтарган жавоби ва энг сўнги хатти-ҳаракатлари унинг ўз севганига нисбатан чексиз содиқлик тимсоли эканлигини ярқиратиб жонлантиради. Акасининг таклифига Улжой: “Мендек ожизани қийнаманг, бу иш кўлимдан келмайдур. Синглингиз шунчалик манфур эмасдур”, — деб жавоб қайтаради. Темурбекка қарши суиқасд йўлига ўтган одамга бундай жавоб қайтариш Улжой Туркон оқа учун муқаррар ўлимни буйнига олиш билан баробар эди, чунки ўз режасининг рақибига маълум бўлишидан хавотирланган амир Ҳусайн синглисини тирик қолдирмаслиги шубҳасиз эди. Чиндан ҳам амир Ҳусайн томонидан берилган секин-аста таъсир қилувчи заҳар туфайли Улжой ҳалок бўлади. Амир Ҳусайннинг ўз синглисини сира ўйлаб ўтирмай, иккиланмай ўлимга маҳкум этиши воқеаси ёзувчининг романдаги деярли ҳар бир тафсилотни кишилик табиатининг азалий қонуниятларига мувофиқ тарзда кўрсатишга интилганлигидан гувоҳлик беради. Бу тафсилот амир Ҳусайндек одамлар табиатидаги бир қонуниятни, яъни ундай кимсалар ўз манфаати, нафси йўлида ҳеч нарсани ва ҳеч кимни, ҳатто битта қориндан таллашиб тушган синглисини ҳам аямаслигини яна бир карра тасдиқлайди. Одамзод табиати мантиқига мос ҳолда тасвирланганлиги сабабли юқоридаги тафсилот роман сюжетининг энг ишонарли халқаларидан бирига айланган. Улжойнинг ҳалокати унинг севгилиси учун ҳар нарсага,

ҳатто жонидан кечишга ҳам тайёрлигини, яъни тенгсиз муҳаббат мужассаами эканлигини ғоятда ишонарли тарзда намоён қилади. Аёл садоқатини шу қадар таъсирчан очиб берган ёзувчининг ёшлигида Камолой деб аталган қиз қай сабабларга кура Улжой Туркон оқага айланиб қолганлигини ва бу сўз маъносини романнинг ҳеч ерида изоҳлаб ўтмаганлиги китобхонда қандайдир қониқмаслик ҳиссини уйғотади.

Улжой деярли асарнинг бошидан охиригача меҳру оқибат рамзи сифатида курсатилган бўлса-да, Темурбек романнинг асосий ёки марказий қаҳрамони тарзида гавдалантирилгандек таассурот туғилади. Бунинг сабаби шундаки, муаллиф роман сюжетини ташкил этувчи юқоридаги каби кўплаб жонли, яъни бадиий тўқиманинг маҳсули бўлган воқеалар орасида Темурбек тахтга чиққунча бошидан кечирган аксарият тарихий ҳодисаларни, хусусан, айрим ҳудудларни қўлга киритиши, туркманлар қўлидаги икки ойлик асирликдан усталик билан қутулиши, бир неча бор Илёсхўжага қарши жанг қилиши ва ғалаба қозониши, халқ орасида обрўси ортиб бориши сингари ҳақиқатларни Муҳаммад Али ёки С.Бородин романларидагидан бошқачароқ тарзда акс эттиради. Ундай тарихий далиллар орасида юқоридаги ёзувчиларнинг асарларида учрамайдиганлари, яъни Тўлқин Ҳайит илк марта бадиий адабиётга олиб кирганлари ҳам борлиги муаллифнинг қизиқарли ва ишонарли тарихий роман яратиш йулида самарадор изланишлар олиб борганлигидан гувоҳлик беради. Ушундай қизиқарли тарихий далиллардан бири сифатида романда амир Темурнинг Турон тахтига қонуний меросхўр эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат ниҳоятда ишонарли исботланлигини алоҳида ажратиб курсатиш уринли бўлади. Тўлқин Ҳайит тарихий ва бадиий адабиётда биринчи бўлиб, мўғул ҳукмдори Қазағаниннинг: “Хат бердик ва аҳд қилдик: Биздан сўнг Турон хиттаси Темурга тааллуқ топгай”, — деган ёрлигини жонлантирган кўринади.

Бундай далилни тўқиб чиқариш қийин. Демак, уни Тўлқин Ҳайит Темур замонига оид манбалардан қидириб топгани ва бадиий тилга кучиргани шубҳасиздир. Шундай экан, бу ёзувчи ўз романи билан бизнинг амир Темур ҳақидаги тасаввурларимизни бойитган. Хусусан, у амир Темур Туркистоннинг қонуний ҳукмдори бўлганлиги тўғрисидаги қарашларимизни равшанлаштирган ва қатъийлаштирган адиб ҳисобланади. Унинг талқинидан маълум бўлишича, кенг халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши Темурнинг Туркистонда қонуний ва энг буюк ҳукмдор даражасига кўтарилишида асосий омиллик вазифасини ўтаган. Ўзининг бу ғоясини ёзувчи романдаги кўплаб тўқима образлар воситасида ифодалаган. Улар ичида

мехнатдан халқ орасидан чиққан, муғул босқинчиларидан беҳад зулм курган қаҳрамон йигит — Мамат тимсоли алоҳида ажралиб туради. У ўз ихтиёри билан Темурбек лашкарига келиб қўшилиб, соҳибдиронга қарши тайёрланган фитналарни фoш этади, зарур вазитларда танасини қалқон қилиб, уни улимлардан қутқаради. Ниҳоят, Мамат асар охирида Темурнинг топшириғи билан Улжойни Жаидундан утказиб, амир Ҳусайн олдига олиб бориб келади. Йулда у амир Ҳусайн гумашталарининг катта бойлик ваъда қилиб: “Ана у ойимтиллани Амунинг наҳангларига ем қилиш керак”, — деган таклифларини рад этиб, яъни жонини гаровга қуйган ҳолда маликани дарёдан тирик олиб қайтади. Шу тариқа Мамат тимсоли романнинг асосий муаммосига ва Темурбек билан Улжойнинг оилавий муносабатларига алоқадор сюжет чизигига узвий боғланиб кетади. Фақат бундай хулосани романдаги барча персонажларга тааллуқли дейиш анча қийин туюлади. Масалан, асардаги кичик Мамат тимсоли ортиқчароқ бўлиб қолганга ўхшайди. Тўғри, у Мамат акасидан ўрганиб, Самад каби қароқчиларга қарши курашади, ҳатто қишлоғига келган Темурбек билан учрашиб, ундай талончиларнинг йўқотилишига эришади. Фақат кичик Мамат қишлоғи доирасидан четга чиқмай, Темурбек билан Улжой орасидаги муносабатлару воқеалар оқимидан буткул четда қолган. Афтидан, бундай персонажлар хатти-ҳаракатларини романнинг асосий сюжет чизигига ажралмас қилиб пайвандлашда ёзувчи маҳорати етишмай қолгандек куринади. Маҳоратнинг етишмаслигини асарнинг тилида ҳам пайқаш мумкин. Чунончи, муаллиф дарёдан сузиб ўтишга ёрдам берадиган мосламани англатувчи тулуп сўзини илк бор адабиётимизга олиб киргани ҳолда, гуноҳкорларни жазолашда қўлланиладиган даррани ҳамма жойда дурра деб аташи китобхонни ҳайратга солади.


Бундай жузъий нуқсонлар осонлик билан тузатилиши мумкинлиги инобатга олинса, Тулқин Ҳайит “Вафо маликаси” асари билан темурийлар салтанати шаклланишининг унутилган бир саҳифасини янгича жонлантириб, тарихий романчиликда муайян ютуққа эришганлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Афсуски, бундай ширин гапларни Муҳаммад Алининг 2005 йили роман-хроника сарлавҳаси остида нашр этилган китоби, яъни “Абадий соғинчлар” асари тўғрисида айтиш анча қийинга ўхшайди. Умуман, унда муаллиф ўз олдига “шириндир ватаннинг аччиқ тутуни” деган машҳур ғояни яна бир карра тасдиқлашдек, юртидан жудо бўлган кишиларнинг орзу-армонларини, она тупроққа талпиниш туйғусига тўлиқ руҳий оламларини таҳлилдан ўтказишдек

ва фожиавий қисматларини курсатишдек эзгу мақсад қўйган. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун ёзувчи она Туркистондан айрилиб, Афғонистонга бориб қолган ва бир умр юртига қайтолмаган Саид Акрамхон тура ҳамда Саид Маҳмудхон тура сингари ўзбек халқи вакилларини гўё бир-бирини давом эттирувчи марказий қаҳрамонлардек тасвирлашга муваффақ бўлган. Мазкур қаҳрамонларнинг ватандан ажралиш тарихи, турли улкаларда сарсон-саргардон кезишлари, тортган азоб-уқубатлари, баъзи уй-кечинмалари, бегона элларда ҳам ҳаётларининг қувончли онлари бўлганлиги анча муфассал ёритилган. Бироқ уларнинг қалбидаги ватан соғинчи туйғусининг шиддатли тадрижини акс эттиришда муаллиф муфассалликдан, яъни кенг куламли психологик таҳлилдан бир мунча чекиниб, купроқ таъкидлаш, қайд қилиш, ахборот бериш йулидан боргандек туюлади. Жумладан, жуда куп уринларда юрт соғинчи туйғуси қаҳрамонларни қандай изтиробларга, қийноқларга солганлигини, чексиз хаёллар-у хотиралар жонлантирганлигини теран таҳлил қилиш урнига ёзувчи: “Шуни таъкидлаш жоизки, то Саид Маҳмудхон тура 1952 йилда туқсон уч ўзбек оиласига бош бўлиб, такрор-такрор муҳожирлик жабрини тортиб Туркияга кўчиб кетгунга қадар Ҳиндистондан ёки Покистондан мана шундоқ бирон оқим, сохта диннинг Афғонистонга кириб келганини биров эслай олмайди” ёхуд “Узилгиси келмаган кўнгиллар чеҳраларга ғамгинлик кулкасини солиб, кўзлардан ногаҳон томчи-томчи ёшларни оқизар эди” ёки “француз маърифатпарвари Шарл Луи Монтескьенинг: “Ватанини севган отагина она юрт меҳрини фарзандлари қалбига жо эта олади” деган сузлари гўё Саид Маҳмудхон тура ҳақида айтилгандек туюлади”, — қабилидаги ғоя баёнига берилиб кетади. Муфассал психологик таҳлилга асосланган ғоянинг образли талқини урнини эса асарнинг куп бобларида деярли ҳаммага маълум далилу тафсилотларнинг қайта баёни эгаллайди. Масалан, XII бобда Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Форобий, Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Қафқол аш-Шоший, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари олимларнинг ҳаёти, қайси чет мамлакатларда бўлганлиги, асарлари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар турли манбалардан, китоблардан тўпланган ҳолда такрорланади, энциклопедиялардан узун-узун парчалар келтирилади. Улар асарнинг асосий воқеаларига деярли мутлақо боғланмайди. Бордию муаллиф Саид Маҳмудхон туранинг шу алломаларни яхши билганига ва улар каби ватан соғинчини туйганига урғу бермоқчи бўлса, бутун боб давомида эмас, балки қаҳрамон ҳаёлида қисқача жонлантириши ҳам китобхонни қаноатлантириши шубҳасиз эди. Худди шунингдек,

асарининг XXII ва XXIII боблари ҳам асосий сюжет чизигига мутлақо боғланмаганидек туюлади. Уларда муаллифнинг шажараси, аждодларининг сургун қилинганлиги ва бундан тўрт-беш аср аввал яшаган Лутфуллоҳ Чустий деган тасаввуф олими ҳамда Саид Маҳмудхон туранинг етти пушти тўғрисида муфассал маълумот берилади. Уларни ҳам Саид Маҳмудхон Тўра хаёлида жуда қисқа шаклда жонлантириш етарли бўларди. Ҳаммадан ҳам мазкур тафсилотлар орасида Муҳаммад Аҳининг аввалги романи “Сарбадорлар”дан катта парча келтирилиши китобхонга жуда эриш туюлади. Бу парчани қаҳрамон хаёллари орқали жонлантиришнинг ҳам иложи йўқ, чунки “Сарбадорлар” романи Саид Маҳмудхон тўра улимидан анча кейин ёзилган. Шу хилдаги ортиқча боблар “Абадий соғинчлар” асарининг сюжети ва композицияси анча номукамал чиқишига ҳамда китобнинг ўринсиз семириб кетишига олиб келган. Асарда персонажларнинг ниҳоятда кўплиги ҳам китобнинг ҳаддан ташқари дўппайиб кетишига сабаб бўлган ва ватан соғинчи ғоясининг иллюстрациясига ўхшаб қолган. Ушша персонажларнинг баъзиларидан бутунлай воз кечиш ва уларга таллуқли айрим воқеаларни асосий қаҳрамонлар ҳаётига, фаолиятига кучириш сюжетнинг маълум даражада мукаммаллашувига йўл очиши мумкин эди. Масалан, шўролар ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Норбўтаҳон тўра деган ватандошимиз асарда Афғонистонга қочиб келади. У Қўқон мухторияти томонида туриб большевикларга қарши курашгани учун шўролар Маҳмудхон ва Исмоил деган қотилларни Афғонистонга юбориб, Нурбўтаҳон турани ўлдиришни топширадилар. Аммо Исмоил тунда адашиб, Норбўтаҳон тўра ўрнига унинг меҳмонини ўлдириб қўяди. Кейинги воқеалар давомида Норбўтаҳон тўра деярли мутлақо иштирок этмайди ва қумга синган сувдек йўқолиб кетади. Шундай бўлгач, юқоридаги қизиқ воқеа, яъни бир одам ўрнига бошқа бегуноҳ киши ўлдирилиши ҳодисаси асосий қаҳрамон Саид Маҳмудхон тўрага боғлиқ ҳолда тасвирланиши сюжетнинг яхлитлашувига хизмат қилиши мумкин эди. Бундай қилиш имкониятлари ҳам бор эди: Саид Маҳмудхон тўра ислом динига зид бир китоб чиқарган Ҳошим Шойиқ билан Афғонистон маориф вазирининг тошбўрон қилиб ўлдирилиши ҳақида ҳукм чиқарилишига эришган эди. Мана шу маҳкумларнинг, айниқса, вазирнинг Саид Маҳмудхон тўрага қарши ҳаракатга ўтиши муқаррар эди.

Шундай экан, вазир томондан ёлланган қотилнинг Саид Маҳмудхон тўраникига тунда кириб келиши ва унинг ўрнига бошқа одамни ўлдириб қўйиши жуда табиий чиққан бўлур эди. Агар шундай қизиқарли воқеа тасвирланганда, Саид Маҳмудхон туранинг ўзга



юртлардаги қийинчиликлари яхшироқ курсатилган ва вужудида ватан соғинчи туйғусининг чуқурлашиб борганлиги ишонарлироқ асосланган бўлур эди. Ўшанда асар камида учта, яъни Норбутахон тура, Маҳмуджон ва Исмоил каби персонажлар ҳамда уларга тааллуқли бошқа воқеалару тафсилотлар ҳисобига қисқарган, яхлитроқ шаклу шамоийл касб этган булар эди.

Меъёрдан ортиқча чузиқлик иллоти ёш ёзувчи Абдуқайюм Сиддиқнинг “Ҳиёнат ёхуд “Эзгуликка умид” асарини ҳам мажруҳ қилиб қўйгандек куринади. Аввало шуни қайд қилиш зарурки, бу асар жуда ғайритабиий ёзилган. Биринчидан, ғайритабиийликни қаҳрамонларга Бокира, Душвор, Ғиртмак сингари ҳаётда йўқ исмлар қўйилганидан пайқаса бўлади. Иккинчидан, асар боблари одатдагидек рақамлар ёки турли-туман сарлавҳалар билан белгиланмайди. Ҳар бобнинг бошида муаллиф “Эзгуликка умид”дан деган сарлавҳани такрорлайверадики, китобхон бунда қандай маъно борлигини асар охиригача ҳам англамай қолаверади. Бундай ғайритабиийроқ унсурлар қуллаганига қарамай, муаллиф асар ёзишдан анча ибратли ғоявий мазмунни ифодалаш мақсадини кўзлаган. Асардаги воқеалар силсиласидан, қаҳрамонларнинг уй-кечинмалари ва ўзаро муносабатларидан ҳасад инсоннинг энг гузал фазилатларини, ҳис-туйғуларини, муҳаббатини ва оқибатда унинг ўзини ҳалокатга олиб боради, — деган ҳикматли ҳаётий сабоқ келиб чиқади. Одамзоднинг ҳаётий тажрибасидан келтириб чиқарилган мазкур хулосага ишонтириш учун ёзувчи қизиқарли воқеалар, кескин тўқнашувлар ва драматизмга тўлиқ коллизиялар тизими ярата олган. Асар бошларида у китобхонни қизиқтириш учун кутилмаган, тасодифий воқеаларга кенг урин беради. Дастлабки бобларда кечкурун зиёфатда утириб қолган икки талаба қиз, яъни Бокира билан Ҳилола йўлда кутилмаганда безорилар ҳужумига учрайди. Уларни ногаҳон ғойибдан пайдо бўлган йигит кутқаради. Бир неча кундан кейин кўчага чиққан Бокира ёмғирда тасодифан халоскорни, яъни Самандарни учратиб, ётоқхонага олиб келади. Натижада иккала қиз ҳам йигитни севиб қолади, лекин Самандар фақат Бокирага кўнгил қўяди. Воқеаларнинг кейинги оқимини муаллиф изчил равишда табиий мантиққа мос ҳолда ривожлантиради. Хусусан, халоскорнинг бефарқлигидан ўзини ҳурлангандек ҳис қилган Ҳилола қалбида табиий равишда дугонасига нисбатан ҳасад туйғуси уйғонади. Вужудида ҳасад алангалангани сари Ҳилола муқаррар тарзда ўзига иттифоқдош қидириб қолади. Бу хоҳиш ўз навбатида қизни Шаҳзод, яъни муҳаббати Бокира томонидан рад

тилган Ийигит томон бoшлaб бoрaди. Иккaлa aлaмзaдa пeтaфoнoциянинг oсинишaнлaр ҳaқиdиdи сoхбaти уларни қaсoс йулиdи, яъни чин муҳaббaт соҳиблaрингa қaндaйдир зaрaр eткaзиш мaқсaдиdи бaрлaшпeдa ҳaрaкaтгa ундaйди. Шунинг мaнтиқий дaвoми сифaтиdи кўрсaтилгaни учун жaдидчилик тўғрисиdи янги қaрaшни илгaри сўрyвчи мaқoлa ёзгaн Сaмaндaрнинг қaмaтилиши, уни кўтқaриш зaмниdиdи Бoкирaнинг Шaҳзoдникигa бoриши, пирaвoрдиди aлaмзaдa пaшaвaнд йигит тoмoниdан зўрлaниши вa жoн тaлвaсaсиди Бухoрoгa oнaсининг oлдигa кeтиши вoқeлaри aнчa ишoнaрли чикқaн. Фaқaт шaрнинг кyльминaцияси, яъни Бoкирaнинг жудa тез ўзини oсиб ўлдирishi eтaрличa дaлиллaнмaгaндeк тyюлaди. Аввaлo, бу ўриндa oлaмнинг тaбиий мaйли, яъни ҳaр киши учун жoн ниҳoятдa ширинлиги вa ўзини ўлдирishi ғoядa қийинлиги eтaрличa инoбaтгa oлинмaгaнгa ўхшaйди. Иккинчидaн, Бoкирa ҳoлaтигa тушгaн қишaрнинг ҳaётдa ўз жoнигa қaсд қилaвeрмaслиги кyндeк рaвшaн ҳaқиқaт бyлсa aжaб эмaс. Aгaр турли сaбaблaргa кyрa нoмyсидaн айрилгaн Бoкирaлар ўзини oсиб кyявeрсa, ҳaммaёқ қизлaрнинг ўзинигa тyлиб кeтиши ҳeч гaп эмaс эди. Бoкирaнинг ўлими eтaрличa дaлиллaнмaгaнлиги сaбaбли ҳaсaд энг гўзaл туйғyлaрни вa пирoвaрддa инсоннинг ўзини ҳaлoкaтгa мaҳкyм eтaди, — дeгaн ғoя ҳaм китoбхoндa тyлиқ ишoнч тyғдирмaйди. Ёзyвчи ўз ғoясигa ишoнтириш учун ҳaсaдгўйлaрнинг кейинги ҳoлaтини, фoжиасини, яъни Ҳилoлa билaн Шaҳзoднинг жинни бўлиб қoлишлaрини кўрсaтишгa интилaди. Биринчидaн, уларнинг узoқ вaқт мoбaйниdи шу ҳoлaтдaн кyтyлa oлмaсликлaри жудa кўп шyбҳa тyғдирaди, чyнки ҳaётдa ҳaсaдгўйлaрнинг дyшмaнлaрини мaхв eтгaнлaриdан сўнг oсoнлик билaн виждoн азoбини eнгиб, ҳeч нaрсa бyлмaгaндeк яшaб кeтгaнлaри мyтлaқo сир эмaс. Иккинчидaн, ҳaсaдгўйлaр фoжиаси ишoнaрли чикмaгaнлигининг сaбaби шyндaки, унинг тaсвири мeъдaгa тeгaдигaн дaрaжaдa чўзилиб кeтгaн. Жyмлaдaн, бир нeчa бoб дaвoмиди Шaҳзoднинг тeлбaвoр қиёфaдa кyчaлaрдa дaйдиб юриши, бoзoрлaрдa тилaнчилик қилиб, нoк oлиб eйиши, oнaсини oғaси oтгaнини гaпиришдaн тинмaслиги, Ҳилoлaнинг жиннихoнaгa гyшиши, қaйтa-қaйтa қoчиши, бир нeчa йилдaн кейин ҳaм мaйдoнлaрдa тeнтирaши, aдoқсиз тyшлaри, aлaҳсирaшлaри тaсвирлaнгaн. Oдaтдa, энг бyюк сaнъaткoрлaр бyндaй гaллyоцинaция ҳoлaтлaрини бир-икки чизги ёрдaмиди кўрсaтиб, китoбхoнни қaйрaтгa солгaнлaр. Бyнгa иқрoр бyлмoқ учун Ҳaмзa “Пaрaнжи сирлaриdан бир лaвҳa” дрaмaсиди Хoлисхoннинг aқлдaн oзгaн ҳoлaтининг вa Aбдyллa Қoдирий “Ўтгaн кyнлaр” рoмaниdи эс-хyшиdaн

айрилган Зайнабнинг қабристонда Отабекка дуч келиши вазиятини нақадар ихчам, лекин фавқулодда таъсирчан тарзда акс эттирганликларини хотирлаш кифоя.

Абдуқаюм Сиддиқ асарида фақат сунгги боблар эмас, балки унинг экспозицияси яъни қаҳрамонларнинг ўтмишига тааллуқли ўринлар ҳам ҳаддан ташқари чўзилиб кетган. Ёзувчи ута чузиқ экспозиция ёрдамида ижобий қаҳрамонларнинг энг гузал фазилатлари ҳам, салбий персонажларнинг барча номақбул хусусиятлари ҳам уларнинг илдизларига, шажараларига, аждодларига бориб тақалишига ишонтиришга уринган. Чунончи, Самандар жуда билимли дин арбобларининг, руҳонийларнинг, эшонларнинг авлоди булгани учун гоётада яхши хулқли, тенгсиз ақлли ва бегубор туйғулар соҳиби булиб етишган. Шаҳзод эса жуда ёвуз, шафқатсиз одамнинг фарзанди. Унинг отаси бир вақтлар хотинини отиб ўлдирган ва айбни олти ёшли Шаҳзод зиммасига юклаб, жазодан қутулган ҳамда қинғир йуллар билан генерал даражасига кутарилган. Шундай одам тарбиясини олгани учун Шаҳзод ҳам, ёзувчи фикрича, ароқхўр, банги, қотил булиб етишган. Мана шу икки қаҳрамоннинг наслига тортганига ишонтириш учун муаллиф уларнинг ўтмишига сон-саноксиз боблар ажратади. Чунончи, эшоннинг нақадар яхши одам булганини қайта-қайта таъкидлаш учун у деярли ҳар боб бошида Чинор амма ҳикояларини, дин арбобининг “Эзгуликка умид” деб аталган қўлёзмасидан парчалар беради. Шаҳзоднинг ота-онасига тегишли тафсилотлар ҳам бир неча бобни эгаллаган. Профессор Фиртмакни ҳам ҳаддан ташқари ёмон одам қилиб кўрсатиш учун ёзувчи унинг ўтмишидаги “қора” доғларни куплаб саҳифаларда санаб утишдан зерикмайди. Аслда Фиртмак фақат бир ўринда, яъни Самандарнинг мақоласига жавоб ёзиб, унинг қамалишига қандайдир ҳисса қўшганида, асарнинг асосий воқеаларига бироз боғлангандек булади. Қолган тафсилотлар, яъни Фиртмакнинг сиёсатдонликдан тутуриқсиз маърузалар ўқиши, нуқул узини уйлаши, вайсақилиги, мослашувчанлиги етакчи сюжет чизиғига буткул боғланмайди. Қаҳрамонлар ўтмишига ҳаддан ташқари кўп эътибор қаратиш орқали ёзувчи, афтидан, китобхонни ҳинд киноларида, хусусан, “Дайди” фильмида ҳар хил маънода такрорланадиган бир ақидага, яъни “угрининг боласи угри, судьянинг фарзанди судья булади”, – деган фалсафага ишонтирмоқчи булади. Агар азал-абад бир ота-онадан неча хил фарзандлар дунёга келганлиги эсланса, бу ақиданинг шубҳалилиги ўз-ўзидан аён булади. Гарчанд, илгари сурилган

филсофанинг шубҳалилиги аниқ экан, унинг исботи учун ажратилган сон-саноксиз бобларнинг ҳам ножоизлиги ўз-ўзидан равшанлашади.

Бундан узи тасвирлаган воқеалардан, қаҳрамонларнинг ўй-кечинмаларидан салмоқдор ижтимоий хулосалар келиб чиқишини хоҳлайди. Бошқача айтганда, у одам вужудидаги ҳасадгўйлик фақат айрим шахслар қисматининг фожиаси эмас, балки бутун миллат тақдиринидаги ижтимоий иллат сифатида талқин этилишини ва тушунилишини истади. Фақат асардаги асосий қаҳрамонлар фожиасидан ҳеч ким бундай осмонупар хулосалар чиқариб ололмаслигини пайқаган шекилли, муаллиф уз қарашларини эшон бобо тилидан мана бундай тарзда баён қилишга мажбур булади: "Миллатнинг, миллий онгнинг зовут-фабрикалар даврида ростакамига шаклланиши чин эрканму, ҳали биз илғор гоёлардан буткул гофилмиз. Туркия ва Эронда истибдодга қарши инқилоблар бўлиб ўтди, Оврўпа бул жараённи аввалроқ бошидан кечиргон эрди. Тарих гилдираги айланиб навбат бизга етқанда биз бунга тайёр бўлиб чиқмадиқ, ёхуд воқеаларнинг булакча тус олиб кетғони фикримизни чалғитди".

Икки-уч кишининг ҳасади Бокирани улимга олиб келгани ва бошқаларини жинни қилиб қўйгани билан мазкур иллатни бутун миллатнинг фожиаси деб тушуниш учун асардан биронта асос топиб бўлмайди. Асослар бор-йўқлигидан қатъи назар, битта-яримта шахснинг ҳасадгўйлик оқибатида туғилган фожиасини бутун миллат қолоқлигининг рамзи деб ҳисоблашга ақл бовар қилмайди. Бунинг сабаби шундаки, дунёдаги деярли исталган халқ ёки миллат ҳаётида худди ўшандай фожиаларни учратиш мумкин. Шуларни ҳаёлидан ўтказиши оқибатида китобхон асардаги воқеалар билан эшон бобонинг миллатимизни камситувчи сўзлари орасида ҳеч қандай боғлиқлик тополмайди. Демак, у сўзлар тутуриқсиз гоёвий сафсатанинг баёнидан бошқа нарса ҳисобланмайди. Баёнчилик эса бадий асар танасидаги фақат кесиб ташлашдан бошқа нарсага ярамайдиган зарарли қурт саналади. Англашиладики, эшон бобога, Чинор аммага тааллуқли гап-сўзлар, бутун-бутун боблар деярли асарнинг бошидан охиригача ортиқча булиб қолган. Агар қаҳрамонларнинг ўтмишини ўта ёрқин ёки жирканч қилиб кўрсатиш жуда зарур бўлса, у тафсилотларнинг ярим саҳифада маълум қилиниши ҳам китобхонни қаноатлантириши мумкин эди. Шунингдек, асардаги персонажлардан Душворнинг ўтмишига, яъни болалиги ўтган ерларга, оиласининг кучиб юрганлигига оид катта боб ҳам деярли тўлиғича қисқартирилиб, фақат бу талабанинг

характери шаклланишини тушунишга ёрдам берувчи баъзи чизгилар қолдирилса ҳам етарли буларди.

2005 йили нашр этилган яна икки китоб, яъни Нуриддин Исмоиловнинг “Ўлимга маҳкум қилинганлар” ва “Бургут тоғда улғаяди” асарлари тўлақонли роман даражасига кутарилишига уларнинг ишонтириш кучидан маҳрумлиги монъелик қилган. Бунга иқрор бўлмоқ учун дастлаб “Ўлимга маҳкум қилинганлар” асарини қисқача таҳлилдан ўтказиб кўриш кифоя. Адабиёт тарихида ҳамма кўлидан кўймай ўқийдиган роман юзага келиши учун икки фазилат, яъни улардаги барча воқеаларнинг, аввало, жуда қизиқарли чиқиши ва иккинчидан, фақат ҳодисалар эмас, балки ғоят нозик руҳий жараёнлар-у энг кичик тафсилотларгача китобхонда сира шубҳа туғдирмайдиган даражада ишонарли акс этирилиши лозимлиги қайта-қайта исботланган. Юзаки қараганда, Н.Исмоилов ўз асарида китобхон учун қизиқарлига ўхшайдиган воқеалар топган-у уларнинг чексиз ишонтириш қудратига эга бўлиши ҳақида етарлича қайғурмагандек туюлади. Асарнинг дастлабки воқеалариёқ худди шу хулосани яққол тасдиқлайди. Асар бошида XX асрнинг 80-йилларида Собир деган ўзбекистонлик йигит ўша пайтдаги тартибларга мувофиқ равишда ҳарбий хизматга чақирилиб, Германиядаги қўшинлар сафига тушиб қолади.

Армияда Собирни илк бор ҳайратга солган ҳодиса сифатида ёзувчи бир қизиқ воқеани тасвирлайди: бу ерда хизмат қилаётганлар қандайдир айбга ёки гуноҳга йўл кўйсалар, яланғоч таналарига асал суртилиб, арига талатилар эканлар. Сиртдан қараганда, ёзувчи бу ўринда ўқувчига ғоятда ғаройиб ва қизиқарли воқеа тақдим этгандек кўринади. Фақат у мазкур воқеанинг буткул ёлғонлиги устида мутлақо бош қотирмаганга ўхшайди. Воқеанинг ёлғонлиги шундаки, гуноҳқорни арига талатиб жазолаш усули жуда қадим замонларда, яъни Саломат Вафонинг “Тилсим салтанати”, М.Шевердиннинг “Санжар ботир” романларида қаламга олинган узоқ ўтмишда қўлланган бўлиб, ундай ибтидоий қийноқ XX асрнинг 80-йилларида жаҳоннинг биронта армиясида сақланиб қолмаган.

Н.Исмоилов асаридаги китобхонни ҳаммадан кўра кўпроқ ишонтирмайдиган жиҳат шундаки, унинг қаҳрамони – Собир барча халқ эртаклари-ю дostonларидаги паҳлавонлардан ҳам бир неча бор катта куч-қудратга эга. Гуё у паҳлавонликда Гурўгли-ю Авазхондан ҳам, Алпомиш-у Рустамхондан ҳам ўтади. Агар бу афсонавий паҳлавонларнинг барчаси бирлашиб келсалар ҳам, Собирнинг куч-қудрати, чаптастлиги олдида толқонга айланиб кетишлари ҳеч гап

эмас Н. Исмоилов асарида Собир ким билан курашмасин, унга неча киши ҳужум қилмасин, барча жангларда муқаррар равишда ғалаба қилади. Бунга иқрор бўлмоқ учун унинг Фарбий Германияда Елизавета деган айгоқчи қиз билан биргаликда Америкадан юборилган Макс исмли жосусни кутиб олиши воқеасини эслаш ўринли бўлади. Елизавета машинасини Максга такси шаклида таклиф этиб, ёнига чиқариб олади. Шундан кейин ёзувчи: “Аннанинг машинасига эски “Мерс” дум бўлди”, – деб ёзади. Қизиқ, жосус учун махсус “Мерс” юборилган экан, Макснинг Анна, яъни Елизавета таксисига чиқишида қандай маъно бор экан? Муаллиф бу саволга жавоб беришни лозим топмай, Собирни америкалик ва унинг думлари билан туқнаштиришга шошилади. Туқнашувда Собир ҳайдовчининг ўқталган тўппончасини тортиб олиб, қорнига пичоқ уриб ўлдиради, шерикларини ва Макснинг ўзини ҳам бир зумда отиб ташлайди. Кейинги гал эса Собир ўзини ўлдириш учун махсус юборилган учта қуролли ҳарбий хизматчи устидан ҳам осонгина ғалаба қозонади. У ҳеч қандай чиптасиз поездга чиқиб, Германиядан аввал Киевга етиб келади. Киев яқинида учраган, пичоқ, тўппонча тутган йўлтўсарларни Собир бир ҳамла билан ўлдириб ташлайди ва барча тўсиқларни осонгина енгиб, қайта қуриш даврида Москвага, ундан Самарага етиб боради. У йўлда учраган подполковник, қоровул, соқчи, ҳайдовчиларнинг барчасини бирин-кетин ўлдириб, машинасини олиб қочади, ўрмонда дуч келган тўрт безорини асфаласофилинга жўнатиб, Ўзбекистонга қайтади. Мутлақо асосланмаганлиги сабабли Собирнинг Ўзбекистондаги хатти-ҳаракатлари ҳам бутунлай ақлга сизмайди ва ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиққан. Бу ердаги ҳарбий қўмондон, майор Собирнинг орқасидан кузатиб, ҳовлисигача келади, унинг шубҳали ишларида ёнида бирга юради ва ўз уйида қаҳрамоннинг зарбасидан ҳалок бўлади. Ақл бовар қилмайдиган бундай “қаҳрамонлик”лар билан танишган китобхон беихтиёр муаллифга: “Шунчалик лақма ҳарбий раҳбарни қаердан топдингиз?” – деб савол бергиси келади. Ҳарбий раҳбардан кейин Собирнинг қаршисида бошқа бир каллакесар ва киноятчилар тўдасининг бошлиғи Музаффар пайдо бўлади. Музаффар қаерга бормасин, яъни тоққа чиқадими, сувга тушадими, Самарадаги ҳамтовоқлари олдига борадими, барибир Собир уни осонгина қувиб етади ва маҳв этади.

Собирнинг “қаҳрамонлик”лари, келишган қадди-қомати олдида йўлда учраган барча қизлар сўзсиз таслим бўладилар. Германиядан Ўзбекистонгача бўлган узоқ йўли давомида Собир бирин-кетин Анна,

Оля, Света, Алёна, Маша сингари рус қизлари билан ётиб чиқади. Бундай саргузаштларни шавқ-завқ билан тасвирлар экан, муаллиф улардан барча рус қизлари фоҳиша эканлиги ҳақидаги шубҳали хулоса чиқиши мумкинлиги ва айна умумлашма бутун бир миллатга қаратилиши асоссизлиги устида ўйлаб ўтирмайди. У қаҳрамонининг барча фавқулудда ғалабаларини ва ҳайратомуз хатти-ҳаракатларини аксарият ҳолларда ҳаётдаги тасодифларнинг, омад юришувининг нагижаси сифатида кўрсатади. Фақат муаллиф нуқул тасодифлар воситасида далиллаш йўли билан китобхонни ишонтириш қийинлигини унутиб қўйган кўринади. Собирнинг кетма-кет одам ўлдиришларини, автомашина олиб қочишларини, йўлда учраган барча рус қизлари билан ётиб-туришларини ва бошқа жиноятларини шавқ-завқ ила тасвирлар экан, ёзувчи уларнинг ҳаммасини нобоп ижтимоий тузумнинг, шароитнинг ҳамда қаҳрамоннинг жонини сақлаб қолишга интилишларининг оқибатлари сифатида тақдим этади. Шу йўл билан муаллиф қаҳрамонини оқламоқчи ва ҳатто ачинишга, эъзозга, ибрат олишга лойиқ тимсол сифатида кўрсатишга уринади. Фақат шундай тасвир йулидан борар экан, Н.Исмоилов қандай шароит бўлмасин, нуқул одам ўлдиришлар-у ахлоқий тубанликлар гирдобидан ўтиш орқали чинакам инсоний бахтга эришиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги азалий ҳаёт ҳақиқатини эътиборидан соқит қилгандек туюлади. Фақат ҳалол йўл билангина чинакам инсоний бахтга эришиш мумкинлиги деярли ҳамма жамиятларда тан олинганлигига ишонч ҳосил қилмоқ учун машҳур Америка ёзувчиси Ирвин Шоунинг “Бойлар ва камбағаллар” романини эслаш ўринли бўлади. Роман қаҳрамонларидан бири — Том болалик чоғлариданоқ жиноятга қўл уриб, бировнинг уйини ёқиб юборади ва ота-онаси, оиласи билан турган шаҳарда яшолмай қолади. Полиция таъқибидан қутулиш учун у бошқа шаҳардаги амакисиникига бориб яшайди. Балобат ёшига яқинлашган сари Том аввал ён-веридаги қизлар орасида эътибор қозонади, кейин эса бокс соҳасида мислсиз куч-қувватга эга эканлигини исботлай боради ва энг зўр рақибларни ҳам осонлик билан маҳв этиб, катта бойлик тўплайди. У йулида дуч келган душманларини бир ҳамла билан йўқ қилиб, осонгина шон-шухрат, тенгсиз давлат орттиргандек бўлади. Фақат Томнинг бир оғир жиноятдан кейин бу йўлнинг пировардида ҳалокатга олиб бориши яққол англашилади. Том душманларидан бирига нисбатан ўта шафқатсизларча муомала қилади, яъни оғзига бутун бошли болға тиқиб қийнайди. Бир неча кун ўтгач, ўша душман ёллаган қотил Томнинг шахсий кемасига келиб, бошига жуда оғир нарса

билан зарба беради. Том ўша заҳоти тил тортмай улади. Шу воқеа орқали ёзувчи жинояту қотилликлар, маънавий бузуқликлар орқали ҳақиқий бахтга эришиш мумкин эмаслиги ғоясини жуда таъсирчан шавқда ифодалайди. Том тимсолида худди шу ғоя дурақсимлаштирилганлигига алоҳида урғу бериш мақсадида Ирвин Шоу романнинг деярли бошидан охиригача мазкур қаҳрамон билан боғлиқ тарзда унинг акиси Роберт босиб утган ҳаёт йулини ҳам ташлаб боради. Томдан фарқли ҳолда Роберт болалигидан яхши ўқиниб, мукамал билим олади ва балоғатга етганда, тинимсиз меҳнат қилиб, фаровон ҳаётга эришади. Ахлоқий тубанлик туфайли инсоннинг фожиага учраши ҳам фақат Роберт танлаган ҳалоллик бўлиб инсонни чинакам бахт томон бошлаши муқаррарлиги ғоясини яна бир карра тасдиқлайди. Томга ўхшаган жиноятчи, қотил ва маънавий тубан қаҳрамон тимсолини яратган Н.Исмоилов имкон борича бу ғоянинг аксини ифодалашга уриниб, Собирни моҳиятда жуда софдил йигиту фақат вазият тақозоси билан ёмон йулга кириб қолган, ҳалол ва виждонли кимса сифатида тақдим этади. Айниқса, Самарда Собирнинг Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ҳаёти, хатти-ҳаракатлари тасвири орқали илгари сурилган ғоя ниҳоятда шубҳали ва эриш бўлиб куринади. Собир Самарада душмани Музаффарни ўлдириб қайтаётганида поездда радиодан Ўзбекистон мустақилликка чиққани ҳақидаги хабарни эшитади. У Эгамқул аканинг ўтовига келиб, отаси ва синглиси таъқибдан қутулиб, ўз уйлариغا қайтганларини фаҳмлайди. Собир ўз ҳовлисига қайтганда отаси, отасининг яхши замонлар келганини, унда эркин яшаш мумкинлигини куйлаб, чир айланаётганини куради. Бунинг устига Собирни жиноятчи сифатида Германиядан Ўзбекистонгача қидириб келган Батенков унга энди бемалол яшайвериши мумкинлигини айтилади. Пировардида Собир Эгамқул аканинг қизига уйланиб, битмас-туганмас бахт-саодат қучоғига ғарқ булади. Шундай рефилотлар орқали ёзувчи миллий истиқлол даврида кишиларнинг мустабид тузум шароитида вазият тақозоси билан қилган барча жиноятлари, қотилликлари, ахлоқий тубанликлари бемалол очирилавериши, оқланавериши ҳақидаги шубҳали хулоса чиқариб унинг ақлини сезмай қолади. Энг муҳими, у бундай чуқур фикранимаган хулосалар ҳаётда келгусида яна қанчадан-қанча даҳшатли воқеаларга йул очиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган кўринади. Бу хилдаги ғайриинсоний ғоялар миллий истиқлол давридаги моҳиятига зиддек куринади.

Н.Исмоиловнинг “Бургут тоғда улғаяди” номли китобида эса, муаллиф фақат вазият тақозосини, тасодифлар-у омаднинг юришувини дастак қилиб, ҳаққоний асар яратиш, ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни оқлаш қийинлигини секин-секин англай бошлаганлиги сезилади. Китобнинг охирида ноҳақ қамалиб чиққан Фаррух деган чўпон йигитнинг кетма-кет фавқулодда муваффақиятлардан кейин тусатдан тоғда рақиб уқидан ҳалок бўлгани тасвирланади. Бу воқеа ҳам беихтиёр Ирвин Шоу романидаги Томнинг ногаҳоний улимани эслатиб юборади. Асосий қаҳрамонининг Томники сингари ногаҳоний улими орқали Н.Исмоилов қандай вазият тақозоси билан бўлмасин, жиноятчилар тўдасига тушиб қолган ва қотилликка қул урган одамнинг пировардда инқирозга маҳкумлиги туғрисидаги ибратли ғояни ифодалашга уринган. Фақат китоб хотимасидан аввалги воқеаларнинг кўпчилиги, хусусан, Фаррух ва Моҳирўй сингари марказий қаҳрамонларнинг бирин-кетин улимлардан қутулиб қолаверишлари, деярли имконсиз вазиятларда ҳам рақибларини лақиллатиб кетишлари, ғоятда осонлик билан ғалабаларга эришишлари етарлича ишонарли асосланмаганлиги сабабли юқоридаги ғояни ҳам шубҳа пардаси қоплагандек туюлади. Бунга амин бўлмоқ учун мазкур қаҳрамонларга боғлиқ икки воқеани эслаш кифоя. Уларнинг биринчиси Фаррух қамоққа тушгандан кейинги “бургутдек парвози”га тааллуқли. Қамоққа тушиши билан Фаррух Бос деган маҳбустга дуч келади. Бос шу қадар қудратлики, унинг бир имо-ишораси билан ўзи ётган ҳибсхона у ёқда турсин, мамлакатнинг деярли исталган жойидаги жиноятчи ўша заҳоти ўлиб кетиши, калтакланиши ёки озод этилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси қандай рўй берганлигини мутлақо тушунолмаган китобхон лолу ҳайрон бўлиб қолаверади. Ёзувчи эса гўё китобхоннинг ишониши билан иши йўқдек уни лақиллатишда давом этаверади ва янада мантиқсизроқ воқеани тақдим қилади, яъни деярли ҳар доим Бос билан қўрқиб гаплашадиган, журъатсизларча муомала қиладиган қамоқхона бошлиғи томонидан жўнгина ўлдирилиши манзарасини чизади. Аввалига чексиз қудратли бўлиб кўринган Боснинг пировардида ўзини қутқара олмаганидан китобхон ҳайратдан ёқа ушлайди. Ёзувчи эса уни лақмаларнинг лақмаси ҳисоблагандек, ёлгон устига ёлгон ёмгирини ёғдираверади. Шунга кўра Бос улими олдидан сеҳрли таёқчасини бир қимирлатиши билан Фаррух дарҳол жуда кучли мафия гуруҳига бошлиқ даражасига кўтарилади, беш йил ўрнига бир неча ойда эркинликка чиқади ва ташқаридаги собиқ

ини оятчилар қуллаб-қувватлаши оқибатида тезликда севгилиси Моҳируйни топади ҳамда унга уйланиб, ҳамтовоқлари бир тийин бундай тақдим этган уч хонали уйга жойлашади. Ҳеч кимга уч хонали уй осмондан тушмаслигини яхши билган ўқувчининг эса муаллиф ёздирган ёлғон-яшиққа оғзини очиб, ағрайиб утираверишдан бошқа иши қолмайди. Юқоридаги воқеаларнинг деярли куз очиб-юмгунча иншоятда осон содир булиши китобхонга жуда эриш, гоятда табири табиий туюлади. Муаллиф эса китобхонни бундай вазиятга туширмаслик учун ёлғонни ҳам ростдек қилиб кўрсатиш йўлларини, имкониятларини топа олмаган куринади.

Моҳируйнинг саргузаштларини ташқил қилувчи воқеалар тизмасида юқоридаги каби ҳаётий ҳаққонийликдан маҳрум ҳодисалар янада кўпроқ учрайди. Уларнинг бир намунаси сифатида Моҳируйнинг севгилиси Фаррухни қидириб, тоққа бориши воқеасини хотирлаш мумкин. Охирги бекатга етмай туриб, ҳайдовчини пул билан алдаган уч тоғли йигит Моҳируйни зурлаш учун куч ишлатиб автобусдан ерга судраб тушади ва қочадиган бўлса, ўлдириб, шу яқиндаги сувга отиб юборишларини айтади. Моҳируй эса ҳожатни баҳона қилиб, узини туқайга уради ва сунгра сувдан сузиб ўтиб, душманларидан енгилгина қутулиб кетади. Бунинг бўлиши мумкин эмаслиги, яъни уйдирмалиги кундек равшандир, чунки атрофни, тоғ йўлларини Моҳируйдан минг чандон яхши билган йигитлар ҳожат чиқаришга рухсат берганлари билан ўлжаларини бу қадар жўн қулдан чиқариб юбормаслик чораларини кўришлари муқаррардир.

Асардаги бошқа иштирокчилар, жумладан, истаган одамни йўлидан олиб ташлашга қодир амалдор Турғун Фаниевич, унинг хотини Зулайҳо ва гумаштаси Бахтиёр утакетган айёр, пихини ёргандек кўринганлари билан баъзи уринларда юқоридаги тоғли йигитлардан ҳам лақмага ухшаб қоладилар. Масалан, бутун хавфсизлик ва ички ишлар соҳасини ётқизиб-турғазадиган Турғун Фаниевич мазкур тармоққа тулик раҳбарликни Бахтиёрдек ландовур универмаг мудирига топшириб қўйиши мутлақо ақлга сифмайдиган, яъни ёш болани ҳам ишонтирмайдиган иш ҳисобланади. Амалдор бутун раҳбарликни ўз муовинига, яъни соҳани ундан ҳам яхшироқ биладиган мутахассисга топшириб, ўзи маишат қилиб юрганда ҳам, бу вазият китобхонда балки эътироз туғдирмаслиги мумкин эди.

Иккинчидан, Турғун Фаниевичнинг ёвузликларини кўравериб, қўзи пишиб кетган Бахтиёр хужайини буйруғини бажармай, яъни хотини Зулайҳони ўлдирмай қайтиб келиб, узини амалдорнинг уқига

тутиб бериши гумаштанинг ута ландовурлигидан, ахмоқлигидан далолат беради. Агар сал аввалроқ амалдор ёнига чақирганда, Бахтиёр ундан қурқиб, зарур булса, хужайинни отиб ташлаш учун ёнига туппонча солиб йулга чиққанлиги эсланса, гумаштанинг ута газабланган ҳукмдор олдига қайтиб келиши воқеаси ҳаддан ташқари мантиқсизлиги яққол аён бўлади.

Нихоят, буйнига пичоқ тиралганда, иштонини ҳўл қилиб қўйган Зулайҳонинг ҳийла билан улимдан қутулгач, эрига телефонда “нариги дунё”дан гапираётганини айтиши, яъни узини қайтадан ёвузнинг таъқибига рубару қилиши ҳам сира ақлга сифмайдиган воқеалар сирасига киради. Мазкур воқеа китобда мантиқсизлик устига мантиқсизлик мингашиб, қалашиб кетганлигидан гувоҳлик беради. Юқоридаги каби ақлбовар қилмас тафсилотлар асардаги қаҳрамонлар характери мантиқига ва воқеалар табиийлигига мосланмаганлиги сабабли муаллифнинг эзгу ғоявий мақсади китобхон онгини забт этадиган, бойитадиган даражада руёбга чиқмаган ва куруқ, яъни қўл етмас ниятлигича қолаверган.

Шу тариқа бадиий далиллаш санъатининг етишмаслиги оқибатида Н.Исмоиловнинг “Улимга маҳкум қилинганлар” ва “Бургут тоғда улғаяди” сингари асарлари фақат роман яратиш йулидаги уринишдан юқорига кутарила олмаган ҳамда олди-қочди, шунчаки эрмак учун ёзиладиган кунгилочар адабиёт намуналари бўлиб чиққан.

Юқоридагига ўхшаш иллатлар туфайли Фулом Алининг “Иблис қиёфаси” ва Т.Жураевнинг “Бозор дунё” сингари асарлари ҳам номукамал ҳамда деярли таъсир кучидан маҳрум тажрибалар бўлиб қолган. Ундай иллатларнинг айримлари Жумақул Курбоновнинг “Сардоба” ва Шомурод Исмоиловнинг “Мағлубият” сингари трилогиялари биринчи китобларида маълум даражада тарқоклик келтириб чиқарганга ўхшайди. Фақат мазкур асарларнинг ғоявий-бадиий қиймати юзасидан узил-кесил хулосалар чиқариш ҳозирча уринли эмасдек қуринади. Дастлабки жилдларидан аён бўлишича, мазкур асарларда XX асрнинг бошларидан урталаригача ўтган халқимиз тарихининг айрим саҳифаларини янгича ёритишга интилиш мавжуддек туюлади. Шу интилиш қандай натижаларга олиб келгани, қай даражада таъсирчанлик ва ишонтириш қудрати туғдиргани туғрисида умумлашмалар чиқаришни трилогияларнинг сунгги жилдлари нашр этилгунга қадар қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ғалвир кутарилганда, 2005 йили “Роман” деб эълон қилинган асарлардан Н.Исмоиловнинг “Ўлимга маҳкум

длинганлар”, “Бургут тоғда улғаяди”, Фулом Алининг “Иблис префаси”, Т.Жураевнинг “Бозор дунё” сингари машқлари ута помукаммаллиги сабабли ўз-ўзидан чиқитга чиқиб кетади. Иккинчидан, агар “Абадий соғинчлар” ва “Хиёнат ёхуд “Эзгуликка умид” асарларидаги ортиқча ўринлар яхшилаб қайчиланса, улардан повестгами, қиссагами ўхшаган нимадир қолади.

Демак, 2005 йилда ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”, Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетрологияси иккинчи китоби ва Тулқин Ҳайитнинг “Вафо маликаси” сингари пичоққа олинадиган, яъни адабиётда ҳодиса ҳисобланадиган учта роман майдонга келди. Бир йилда учта ҳақиқий роман яратилганини ҳар жиҳатдан қувончли кўрсаткич дейиш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, чинакам роман яратиш қумдан олтин ёки радиий ажратиб олишдан ҳам машаққатли иш ҳисобланади. Тонна-тонна қум ювилиб, атиги бир неча грамм олтин олинади. Бир тонна қумдан бор-йўғи беш грамм радиий чиқади. Ҳудди шу камёб маъданлардек заҳматли меҳнатнинг маҳсули бўлиши билан бирга ҳақиқий роман инсоният маънавий хазинасининг улардан-да қимматлироқ ва нодирроқ бойлиги ҳисобланади. Ҳар йили учтадан чинакам роман яратилса, ўн йилда уларнинг сони ўттизга етади. Бунинг жуда катта ҳодиса эканлигини ўтган асрнинг 20-йилларини эслаган ҳолда яққол англаш мумкин. Ўшанда ўн йил давомида фақат учта, яъни “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” ва “Дохунда” романлари босилиб чиққан эди. Демак, 2005 йилда учта таҳсинга лойиқ роман яратилганлиги адабиётимизнинг чексиз изланишлар гирдобидан ўтиб, секин-секин жонланиш палласига кираётганлигидан далолат беради, чунки халқ мақолида айтилганидек:

*Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса, чул бўлур.*

РОМАНМИ ЁКИ ЛАҒМОН?

Ёзувчи Аббос Саиднинг «Кўчада қолган одам» романини (Т., «Шарқ» НМАК, 2004) уқир эканман, хаёлимда нукул икки чўпга тўхтовсиз осилиб чиқаверадиган, гуё охири йўқдек туюладиган уйғурларнинг чўзма лағмони жонланаверди. Бунинг сабаби шундаки, муаллиф роман ёзишдан кузатган ғоявий мақсадига эришмоқ учун бадийликнинг туғри ва равон йўллари қолиб, қинғир-қийшиқ кўчаларда адашиб, сон-саноксиз сўқмоқларда қайта-қайта дайдиб, овораи сарсон бўлгандек туюлади. Олти юз саҳифадан ошган романни дўппини ҳидлай-ҳидлай уқиб тугатар экансиз, ёзувчи бир соатда етиладиган манзилга ун марта куп вақт ва куч сарфлагандек таассурот туғилади. Муаллиф ўзи кўзлаган манзилни, яъни ғоявий мақсадини романга ёзган сўнгсўзида мана бундай ифодалайди: «Таназулга юз тутган шўро тузуми одамлар қиёфасини бузиб юборди, пул ҳукмдорлик қилган даврга келиб эса бу ташқи ва ички дунёларига путур етган айрим каслар ҳавойи нафсларига, ҳою ҳавасларга учиб иблис билан келишишгача, шартнома тузишгача бориб етди», деган жумла онгим, шууримнинг қат-қатига ўрнашиб қолдию тинчимни ўғирлади. Бу жумла, неча йиллаб ўйлаган фикр-мулоҳазалар бўлғуси китобимнинг фалсафий йўналиши, ғояси бўлиб хизмат қилиши керакдек қуринаверди».

Муаллиф танлаган жумлада маъно мавҳумроқ ифодаланганини пайқаган шекилли, Аббос Саид асарининг ғоявий фалсафасини роман қаҳрамони Журъат тилидан қуйидаги тарзда аниқроқ баён қилиб беради: «Одамларнинг қиёфаси ўзгаряпти! Қиёфасиз одамлар... Қиёфасиз дунёни вужудга келтирмасмиканлар?! Бу қиёфасиз дунё анави утган замондан даҳшатлироқ тусга кирмасмикан? Унда ўзбеклигимиз қоладими? Ўзбеклигидан, ўзлигидан айрилган халқнинг оломонда ё бўлмаса, тирикчилик бозорида қолиб кетган одамдан — кўчада қолган одамдан нима фарқи бор?»

Курамизки, муаллиф ёзган романи ўзбек халқининг ўзлигини, ҳақиқий қиёфасини, инсоний моҳиятини сақлаб қолишга чақириқ, даъват руҳи билан суғорилишини орзу қилган. Ўз орзусини рўёбга чиқариш учун ёзувчи романнинг марказий қаҳрамони қилиб мустақиллик даврида бозор иқтисодига утиш йиллари бор-будидан айрилган, тукин ҳаётга талпиниши жараёнида ҳам маънавий, ҳам моддий таназулга учраган, яъни кўчада қолган одам — Журъатдек йигит тимсолини танлайди. Журъатдек собиқ ҳуқуқшунос, кейин эса савдо ходимининг инқирози деярли бутун ўзбек халқининг

фожеаси, қиёфасини йўқотиши эканлигига, илгариги шабиётшунослик атамаси билан айтганда, типиклигига алоҳида урғу бериш мақсадида романнавис бош қаҳрамони билан деярли ёнма-ён тарзда худди унингдек кўчада қолган яна икки одам, яъни ёзувчиликка даъвогар Фақирий ва ўз фойдасидан бошқа нарсани уиламайдиган Мирзоҳид қиёфаларини, хатти-ҳаракатларини, ахлоқий моҳиятларини жонлантира боради. Чиндан ҳам буларнинг учаласи ўз қиёфасини, касби-корини, моҳиятини йўқотгандек, ҳаётда фақат пул топишу айш-ишрат қилиш учун яшаётган кимсалардек таассурот қолдиради. Жумладан, Журъат ҳуқуқшуносликдек ўз соҳасида иш тополмагач, яъни прокуратурага жойлашаолмагач, магазин қуриб, бойлик орттириш йўлига киради. Пуллари кўпайган сари у бировларнинг хотинини ўз рафиқасидан устун қўйиб, фақшга берилади. Магазини бузилиши ва Покиза билан ишратдан сўнг шарманда булиши ҳамда касалхонага тушиши Журъатнинг ҳар томонлама фожеага учраганини англатади. Унинг шериги Мирзоҳиднинг инсоний қиёфадан айрила бораётганлиги шунда кўринадики, бу айёр, устамон шахс фойда, бойлик орттириш йўлида деярли ҳеч қандай пасткашликдан, аниқроғи, зарур пайтларда рақибига биринчи бўлиб мушт туширишдан, чақимчилик қилиб, эр-хотинларни уриштиришдан, пулдан пул чиқаришу бегона аёлларга кўз олайтиришдан тоймайди. Бир вақтлар шеър у ҳикоялар бостирган Фақирий эса, иқтисодий қийинчиликлар оқибатида жиннихонага тушиб, ёзувчилик лаёқатини, яъни қиёфасини йўқотган ва узини савдо соҳасига урган.

Шундай муштарак хусусиятларга эга бўлганлари ҳолда, юқоридаги уч шахс таназзулида бутун ўзбек халқининг фожеаси, яъни қиёфасизлик томон бораётганлиги мужассамлашган, дея ҳулоса чиқариш анча қийин кўринади. Агар муаллифнинг юқорида келтирилган гоё баёни берилмаганда, деярли биронта китобхон ҳам мазкур уч қаҳрамон таназзулини бутун халқ фожеаси деб тушунмаган бўлур эди. Бунинг асосий сабаби шундаки, баён қилинган эзгу гоёнинг тулақонли, таъсирчан ва ишонарли шаклдаги ифодаси учун муаллифнинг бадиий маҳорати етишмагандек кўринади. Маҳоратнинг етишмаганлиги эса романда ортиқчаликлар, чўзиқликлар ниҳоятда кўпайиб кетганида, асарнинг барча ҳужайралари узаро бир тўқимага чапиштириб юборилмаганлигида кўзга ташланади. Романдаги ортиқчалигу чўзиқликлар муаллифнинг ўзи учун таянч замин сифатида танлаган реалистик анъаналару тамойиллар моҳиятини тўлиғича ўзлаштирмагани ёки уларга етарлича риоя қилмаганлиги

оқибатида туғилгандек туюлади. Умуман, роман ёзишга киришар экан, муаллифнинг ҳаммадан кўра купроқ машҳур Америка ёзувчиси Фолкнер ижодидаги кенгкуламлилиқ ва муфассаллик сингари реалистик тамойиллар изидан боришга интиланлиги кишини қувонтиради. Фақат Фолкнер йўлларида юрар экан, Аббос Саид Америка санъаткори романларига жаҳоншумул маъно ва жозиба бахш этган тамойиллардан кўра купроқ ижодига доғ бўлиб тушган айрим қусурларни такрорлашга берилиб кетгандек таассурот қолдиради. Чунончи бугун дунё китобхонларини ром этувчи ва ғоятда қизиқарли романлар яратган Фолкнер уларнинг баъзиларида ўринсиз ортиқчаликлар ҳамда ҳузиқликлар мавжудлигини тан олган эди. Масалан, ушандай ортиқча тафсилотлардан бири сифатида Фолкнернинг «Қишлоқча», «Шаҳар», «Қаср» сингари романларидан иборат трилогиясидаги қаҳрамонлардан Юланинг чапани қишлоқ йигити томонидан кучада зўрлаб кетилиши воқеаси ўқувчининг меъдасига тегадиган даражада қайта-қайта ҳикоя қилинганлигини эслаш мумкин. «Қаср» романига ёзган сўзбошисида Фолкнер бу каби ортиқчаликлар трилогиянинг узоқ муддатда, яъни чорак асрдан зиёдроқ вақт мобайнида яратилганлиги оқибатида туғилганлигини эътироф этган эди.

Романга хос тафаккур бунёд этиш, кенгкуламлилиқ, муфассаллик сингари самарадор реалистик тамойиллар изидан боришга интилар экан, Аббос Саид, афтидан, уларнинг моҳиятини катта эпик жанр намунасига исталган нарсани, қаҳрамон кўрган ёки ҳаёлига келтирган тафсилотларни киритаверишдан ва барчаси орасида ҳаётдагидек боғланиш ўрнатиш шарт эмаслигидан иборат деб, тушунгандек таассурот туғдиради. Акс ҳолда «Кучада қолган одам» романида сон-саноксиз ортиқча қаҳрамонлар, тафсилотлар, ўзаро пайвандланмаган воқеалар, асосланмаган ўринлар қалашиб кетмаган булур эди. Бу сўзларни ўқиган муаллиф бизга беихтиёр: хўш, романда нима ортиқча ва нега ортиқча? — деган саволлар беради.

Энг аввало, романдаги ортиқчалиқ унинг экспозицияси ҳаддан ташқари узайиб кетганида кўринади. Майли, романдаги Журъатнинг отаси ва тоғаси ҳаётига оид тафсилотларни, хусусан, уларнинг сўнгги кунлари эсланган ўринларни қаҳрамон хотирасида, вужудида қандайдир из қолдирган, қутилмаган уй-туйғулар уйғотувчи қисмлар сифатида ортиқча деб ҳисобламаганимизда ҳам, унинг асар воқеалари бошланишидан аввал Қўзивой Ақобиров билан бўлган тўқнашувлари ғоятда ҳузилиб кетганлигини қайд этмасликнинг иложи йўқ. Романнинг асосий воқеалари бошланишидан анча аввал, яъни сюжет

қўқониниясида Ақобиров Журъатнинг дуконини текширгани келган. Кудя кўп тортишувлар-у асаббузарликлардан сунг Журъат унга икки минг доллар бериб кутулган. Шу воқеа тўғрисида романнинг 23-бобини дастлаб мана бундай маълумот берилади: «Эшакни эсласанг кўноги кўринади», деганларича бор экан. Нима бало, шаҳардан бу ерда тушиб келганми дейман. Машинасиям кўринмади», деб мўлоҳазаланиб, Сокина хонимнинг жияни эканлиги кейинча маълум бўлган. Кўзивой Ақобиров бундан уч-тўрт йил бурун, энди дукони мўлга тўлиб, савдо-сотик ҳам, ишлари ҳам юриша бошлаган бир пайтда аммасининг чакувига биноан шаҳар прокуратурасининг рухсатномасини чунтагига солиб олиб унинг дуконини, дорихонасини ёпиб кўйганлари, комплекс текширувга келиб роса конини ичганлари бирин-сирин хотирида жонланди».

Агар бу сўзларга Журъатнинг икки минг доллар бериб кутулгани ҳақидаги тафсилот кўшилса, мазкур маълумотнинг узи қаҳрамоннинг Ақобиров билан қандай туқнашганлигини тасаввур қилишимиз учун етарли булар эди. Фақат ёзувчига бу маълумот жуда оз туюлади ва у уша туқнашув қандай юз берганлигини кейинги тўрт боб (24-27) давомида эзмаланиб ҳикоя қилади. Деярли бир ҳодисанинг икки марта сўзланиши, ҳеч шубҳасиз, асарда ортиқчалик келтириб чиқаради.

Иккинчидан, романдаги ортиқчаликлар асардаги сюжет чизиқларининг узаро чамбарчас боғлаб юборилмагани оқибатида келиб чиққан. Умуман, Журъат дуконининг қурилиши, ишга туширилиши, савдо-сотикнинг бориши, қаҳрамоннинг Сокина хоним билан ихтилофлари таранглашуви, магазинни бузилишдан сақлаб қолиш, унга ер ажратиш тўғрисидаги ҳоқимият қарорини топиш учун қурашларга боғлиқ воқеалар ҳамда улар жараёнида кишилар маънавиятида кечган уй-туйғулар оқими романнинг асосий сюжет чизигини ташкил қилади. Демак, асардаги бошқа сюжет чизиқларининг барчаси мазкур бош йўналишга мустаҳкам пайвандланиб кетиши зарур эди. Афсуски, асарда мана шу бош йўналишга мутлақо боғланмайдиган воқеа-ҳодисалар, тафсилотлар ниҳоятда кўп. Хусусан, Мирзоҳиднинг қураётган участкасидаги машмашалар, ҳикмат билан жанжаллари, Мактубага яқинлашишга уринишалари, битмаган уйнинг ёниб кетиши воқеалари асосий сюжет чизигига мутлақо чатишмай қолган. Уларнинг тасвирига тегишли бобларни бутунлай тушириб қолдирилганда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Худди шунингдек, ҳоқим ўринбосари Равшан Ботировичнинг ўз ходимларидан Сардор устидан Журъатга шикоят қилиб, унинг тарбияси билан шуғулланишни сураши ва шу

персонажга тааллуқли бошқа воқеалар, жумладан, дала-ҳовлисидаги зиёфатлар билан асосий сюжет чизиғи орасида ҳеч қандай алоқадорлик топиб бўлмайди. Умуман, Сардорга тегишли барча воқеалардан ҳам буткул воз кечилса, асарга мутлақо заха етмайди. Бу каби ёрдамчи сюжет чизиқлари худди дарахтнинг мева бермайдиган, қуриб қолган, яъни кесиб ташланса ҳам бўладиган шохларига ўхшайди. Романда яна бир қатор воқеалар тизмаси борки, улар асосий сюжет чизиғига жуда кам боғланиши натижасида ортиқчаликлар туғилишига сабаб бўлган. Назаримда, ушандай воқеалар тизмаларидан бири сифатида банк ходимаси Маҳлиёни қамалишдан қутқаришга тааллуқли ҳодисаларни эслаш мумкин. Туғри, улар давомида Журъат характерининг бир қирраси, яъни қандай йул билан бўлса-да, пул топишга интилиши, узини прокуратура ходими сифатида танитиб, қинғир ишлар қилиш, барча худбинликларига қарамай, сувдан қуруқ чиқишга уриниш сингари ҳусусияти яққол намоён этилади. Фақат, барибир, Маҳлиё жиноятини босди-босди қилишдаги Жамшидга алоқадор воқеалар, аниқроғи, унга тўрт минг доллар берилиши, кейин қайтариб олиниши каби ҳодисалар дўкондаги ҳаётга деярли биронта ҳам ип билан боғланмагандек таассурот қолдиради. Худди шунингдек, қанча ўйламайин, Покизанинг совчиликка бориши билан дўкондаги воқеалар орасида ҳеч қандай боғлиқлик топа олмадим.

Учинчидан, романдаги ортиқчаликларнинг аксарияти аввал қандайдир қаҳрамон, воқеа, тафсилот тасвирланиб ёки тилга олиниб, кейин буткул унутиб юборилиши оқибатида юзага келган. Умуман, реалистик роман жанри намуналарида тилга олинган ҳар қандай тафсилот кейинчалик асар давомида нимагадир хизмат қилиши, қандайдир ҳодисалар ривожига туртки бериши, яъни пичан ғарамига тушган игнадек йўқолмаслиги зарурлигини муаллиф жуда яхши билади. Бундай хулоса чиқаришимизнинг сабаби шундаки, Аббос Саид роман бошларида тасвирланган айрим воқеалардан асар давомида кейинчалик ғоятда яхши фойдаланган. Масалан, ёзувчи роман бошларида Журъатнинг Лабзакдаги икки хонали уйда Покиза билан учрашувини ва ишрат қуришини тасвирлайди. Асар охирларида эса бундай учрашувлар Журъат билан Покизанинг шармандаларча фойш бўлишига, яъни маънавий таназулга олиб келган омил эканлигини кўрсатувчи таъсирчан манзарага айлантирилган. Афсуски, бундай имкониятлардан муаллиф асар давомида жуда кам фойдалангандек тасаввур туғилади. Бунга иқроор бўлмоқ учун романнинг 7-бобидаги Мирзоҳиднинг кучадаги ҳолатини, учрашувларини эслаш мумкин. Кучадаги сув будкаси ёнида турар экан, Мирзоҳид аввал Олимжоннинг

люромад камлигидан шикоятини эшитилади, кейин озиқ-овқат дуконидан чиққан Рустам билан суҳбатлашади, сўнгра такси тўхтатаётган бегона кўзни машинасида олиб бориб қўймоқчи бўлади, ниҳоят, участка позирининг гапларини тинглайди. Фақат мазкур бобда таништирилган персонажларнинг ҳеч қайсиси кейинчалик романнинг бирон ерида қайта тилга олинмайди. Ўқувчида ўз-ўзидан савол туғилади: гарчанд, бу персонажларни ёзувчи кейинчалик буткул унутиб юборар экан, уларни Мирзоҳид билан учраштиришнинг нима ҳожаги бор эди? Бизнингча, бунга мутлақо ҳожат йўқ эди. Шу сабабли 7-бобдан тўлиғича воз кечилганда, роман озгина бўлса-да хомсемизликдан ҳалос этилар эди. Худди шунга ўхшаган фасллардан яна бири сифатида романнинг 65-бобини ҳам эслаш уринли бўлади. Унда Фақирийнинг қайнотасиникига бориши тасвирланиб, илгари романнинг ҳеч ерида учрамаган бир тўда янги персонажлар билан таништирилади. Улар қаторига Фақирийнинг хотини Фотима, синглиси Зухра, қайнотаси Саидикром эшон, унинг ўғиллари Акбархон, Анвар, қудаси Сайфиддин ҳожи, қариндоши Маҳмудхон, куёви Комилжон, неваралари Шамсиддинхон, Саъдулла, Акмал, Асадулла ва бошқалар киради. Кейинчалик романнинг охирига қадар бу персонажларнинг деярли биронтаси ҳам эсга олинмайди. Гарчанд, муаллиф учун мазкур персонажларнинг ҳожаги йўқ экан, уларга бутун бошли бир боб давомида таъриф-тавсиф бериб ўтиш ҳам шарт эмас эди.

Юқоридаги бобларда тўда-тўда ортиқча персонажлар қаламга олинган бўлса, айрим фасллар бутунича ҳавода осилиб турувчи, муаллақ шахслар тимсолини чизишга бағишланган. Улар жумласига 35, 37, 55-боблар киради. Мазмунан 35-боб романнинг асосий сюжет чизигига қисман боғланадигандек кўринади, чунки унда дуконнинг бузилиш хавфини сезган Журъат билан Фақирий туман архитектори Рустам ака ҳузурига магазин қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги бир ҳужжатни илтимос қилиб борадилар. Рустам ака ҳужжат нусхасини қидириб кўришни ваъда қилади. Фақат ваъда ваъдалигича қолиб кетади, чунки муаллиф кейинчалик Рустам акани бутунлай унутиб, қаҳрамонларини у билан бошқа учраштирамайди. Аслида Журъатнинг Рустам ака билан қайта учрашувлари ва ундан ҳужжатни ололмай қийналишлари асосий сюжет чизигининг таранглашувига, қизиқарлироқ кечишига хизмат қилиши табиий эди. Демак, романнавис асарнинг таъсирчанлигини оширувчи имкониятдан усталик билан фойдаланмаганлиги сабабли Рустам ака тавсифига бағишланган катта боб тўлиғича ўчириб ташлашга лойиқ бўлиб чиққан. Худди шу фикрни 37-бобдаги Аҳмад Танти тавсифига бағишланган беш саҳифа (238-242) тўғрисида ҳам билдириш мумкин,

чунки уларда бу одамнинг масжид қурдираётгани, саҳийлиги, Фақирийга қариндошлиги юзасидан узундан-узоқ суҳбат берилади-ю мазкур мулоқотнинг асосий сюжет ўзанига қандай алоқаси борлиги далилланмайди. Роман охирига қадар Аҳмад Танти ва унинг масжиди туғрисидаги гаплар сира тилга олинмайди ҳамда хотинлар ҳаммомига адашиб кириб қолган Мадмусадек асардан тос билан уриб ҳайдашга лойиқ персонаж бўлиб қолаверади. Афтидан, муаллиф Аҳмад Танти тимсоли орқали саҳоватлилиқ ғоясини дукондорларнинг зўр бериб бойликка интилишига қарама-қарши қўймоқчи булган-у фақат уни ҳаётдагидек мутаносибликда ифодалай олмаган. Борди-ю бу ғоя қандайдир ибрат вазифасини утаганда ва дукондорлар характериға заррача таъсир кўрсатганда, Аҳмад Танти ҳимматига бағишланган боб романға маълум даражада ёпишиши мумкин эди. Аммо бунинг учун ёзувчида елим етишмаганға ухшайди.

55-бобдаги Саломчол эса романдаги асосий қарашлардан буткул йироқ булган ғояларнинг, аниқроғи, «Қуръон»даги диний фикрларнинг қуруқ жарчисига айланиб қолган. Бу бобда ёзувчи Журъат, Мирзоҳид ва Фақирийни Зангибувадаги Саломчол билан учраштириш орқали қария ўтмишининг аянчли манзараларини жонлантиради. Шу йўл билан у бир вақтлар мамлакатимизда ҳукм сурган қатағонларнинг нақадар даҳшатли оқибатларға эға булганлигини очиб беришға уринади. Фақат қанча уринмасин, муаллиф Саломчолнинг ҳаёт йулиға тааллуқли воқеаларни дукон бузилишидек ҳодисалар тизмасига чатиштириш иложини топа олмайди. Натижада Саломчол тимсоли фақатгина «Қуръон»даги: «Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир», — деб бошланувчи оятни жар солиб айтиш учун киритилгандек таассурот уйғотади. Шуларға кўра Саломчол, Аҳмад Танти ва Рустам ака тавсифига бағишланган саҳифаларни китобдан буткул йиртиб олиб ташланса ҳам, асосий сюжет чизигига сира путур етмайди. Худди шунингдек романдаги дунёға машҳур ёзувчилар, уларнинг асарлари, хусусан, Гёте, Л. Толстой, Ф.М. Достоевский, Каргасар, «Фауст», «Анна Каренина» устида юритилган узун-уzun мушоҳадалар ҳам фақат кўпчиликка маълум ҳақиқатларни такрорлашдан, ғоявий байроқдек ҳилпиратишдан нариға ўтмаган. Бунинг сабаби шундаки, мазкур ўта зерикарли мушоҳадаларни давраларда ўрни келса-келмаса Фақирий жуда билимдон санъаткордек маъруза қилаверади, Журъат билан Мирзоҳид эса ҳеч нарса тушунмай, аърайиб ўтираверадилар. Аввало, бу қадар доно мушоҳадаларни Фақирийдек жиннихонадан чиққан кимса (гарчанд, у ёзувчиликка даъвогар булса ҳам) юритишға китобхон ишонқирамай қарайди, чунки

Уларнинг деярли барчаси роман муаллифининг узига тааллуқлиги
аниқ сезилаб туради. Сунгра мазкур мушоҳадалар дукондорлар онгига
мутлақо таъсир кўрсатмаганлиги сабабли асар тўқимасига асло бирикмай
қолаверган. Ундай мушоҳадалар орасида, айниқса, Аббос Саид ўзининг
шарҳи асарларини қаҳрамонлар тилидан мақташдан уялмаганлиги
китобхоннинг жиғига тегди. Бунга иқрор бўлмоқ учун
дукондорларнинг шарҳарадаги суҳбатини хотирлаш кифоя. Суҳбатда
Аббос Саид ўзининг «Хон чорбоққа тун чуққанда», «Беш кунлик
лунё» асарларини Анвар Шокирники тарзида эслатиб, Фақирий
тилидан мана бундай олқишларга кўмади: «Мен асар қаҳрамонининг
табиати ана шундай жирканч ишни қабул қилмаганини айтсам...
Асардаги воқеаларнинг ҳаққоний тасвирланганини тушунтирмоқчи
бўлсам, сизлар эса... не гапларга обориб тақаяписизлар».

Афтидан, танқидчилардан эшитмоқчи бўлган мақтовларни Аббос
Саид қаҳрамонлари тилига жойлаб, ўзини ўзи юпатишга уринган
кўринади. Дуконни сақлаб қолиш учун кураш воқеаларига мутлақо
алоқаси йўқ бу сўзлар фақатгина «ўзини кўтарган одам» деган
хикоянинг сарлавҳасини эслатишдан, китобхонни зериктиришдан
бошқа нарсага ярамайди.

Ортиқча воқеалар, қаҳрамонлар, мушоҳадалар билан бир қаторда
романда асарнинг ниҳоятда чузилиб кетишига сабаб бўлган
тафсилотлар ҳам жуда кўп учрайди. Фикримизнинг далили сифатида
Журъатнинг Мадина билан ресторанда овқатланишини ва Мирзоҳиду
Фақирий ҳамроҳлигида шарҳарада тушлик қилишини эслаш уринли
бўлади. Уларнинг иккаласида ҳам қаҳрамонларнинг қандай овқат
еганликлари бирма-бир санаб берилади. Масалан, ресторанда Журъат
билан Мадина француз шўрваси, сузма, панжа кабоб, нон, аччиқ-
чучук, ароқ, кола, фанта, чой буюрганликлари қайд қилинади.
Фақат китобхонга бу тафсилотларнинг барчаси нима сабабдан санаб
ўтилганлиги маълум бўлмай қолаверади, чунки кейинчилик шу
овқатлар тановул қилингани оқибатида кутилмаган ҳеч нарса юз
бермайди. Одатда, энг яхши адабиёт намуналарида қаҳрамонларнинг
қайсидир овқатни еганлиги тасвирланса, унинг натижасида китобхон
учун қандайдир ногаҳоний, гоётда қизиқарли воқеа рўй берганлиги
акс эттирилади. Чунончи, Абдулла Қодирий Кумушнинг, Ойбек
Гулнорнинг ҳар куни қандай овқат еганлигини деярли ҳеч ерда
тасвирламайдилар. Фақат уларнинг романлари охирида Кумушга
атала, Гулнорга мастава ичирилганлиги маълум қилинади. «Ўтган
кунлар»да ҳам, «Кутлуғ қон»да ҳам бу воқеалар фақат битта
мақсадда, яъни улардан кутилмаган оқибатлар келтириб чиқариш

ва китобхонни ларзага солиш учун акс эттирилади. Агар бу воқеалардан қаҳрамонларнинг заҳарланишидек фожеа келиб чиқмаганда, муаллифлар Кумуш билан Гулнорнинг қандай овқат ичганлигини эслаб утирмасликлари табиий эди. Заҳарланишдек оқибатни юзага келтиргани учун Кумушнинг атала, Гулнорнинг мастава ичиши воқеалари романларда ортиқча ҳисобланмайди, балки бадиий туқиманинг ажралмас ҳужайрасига айланиб кетади. Шундай тажрибаларни етарлича инобатга олмаган шекилли, Аббос Саид юқоридаги тафсилотларни санашдан уқувчининг вужудини зириллатадиган ҳаётӣ оқибатлар келтириб чиқаришга муваффақ бўлмаган. Қизиғи шундаки, айрим тафсилотлардан ҳаяжонли оқибатлар келтириб чиқариш имкониятлари аниқ-равшан куриниб турганда ҳам, ёзувчи улардан мутлақо фойдаланмаган. Бу фикрни асослаш учун романдан иккита мисолни эсласак, етарли бўлади. ҳар гал зиёфатда утирар экан, Журъат рудда эканини эслатгани ҳолда, ҳеч қурқмай ароқ ичаверади. Кунларнинг бирида бунинг натижасида қандайдир қутилмаган бахтсизлик рӯй бериши табиий ҳисобланади. Муаллиф эса шу табиий қонуниятни эътиборга олмагани ҳолда. Журъатнинг ароқ ичиб, машина ҳайдаганини таъкидлайди-ю кейин бу тафсилотни буткул унутиб юборади. Журъатнинг Покиза билан муносабалари тасвирида ҳам бир тафсилотнинг оқибати яққол куриниб туради. Кунларнинг бирида Сафар ака хотини Покизанинг буйни нега қизарганини сўрайди. Покиза чивин чаққанини баҳона қилиб қутулиб кетади. Шу тафсилотни курсатган муаллиф олдида кейинчалик, яъни Журъат билан Покиза шармандаларча қўлга тушганларида, ундан ажойиб оқибат чиқариш имконияти мана ман деб куриниб туради. Аниқроқ айтсак, йўлак олдида ўғли билан турган Сафар ака Журъат ва Покиза қўлтиқлашиб чиққан чоғида хотинининг буйнида илгаригидан ҳам каттароқ жой қизариб қолганини куриши зарур эди. Тасвирланган тафсилотдан шу қадар ҳаяжонли оқибат келтириб чиқара олмаган, яъни аён куриниб турган имкониятдан фойдаланмаган қаламкашнинг роман ёзаман, деб чиранишлари китобхонга жуда эриш туюлиб кетади. Худди шунингдек муаллифнинг баъзи қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари мантиқан қандай ривожланиши кераклиги аён куриниб турган ҳолларда ҳам уларни ғайритабиий гавдалантириши уқувчини ҳайрон қолдиради. Бунга иқрор бўлмоқ учун уйда ёлғиз утирган Мактубанинг олдида Мирзоҳиднинг бир қўлида «Вега» магнитафони кўтариб кириши воқеасини хотирлаш кифоя. Учрашувда Мирзоҳид аёлни бир қўлда қучоқлайди ва бундан яхши лаззат ололмагани

учун руҳан эзилади. Муаллифнинг нима учун қаҳрамон қўлига магнитофон тутқазиб қўйгани номаълум бўлиб қолаверади, чунки мазкур тафсилот кейинчалик асар давомида қайта тилга олинмайди ва бирор мақсадга хизмат қилдирилмайди. Афсуски, ҳаёт мантиқиғани бу каби уринлар романда тўлиб-тошиб ётибди.

Роман резинкадек узайиб кетганининг яна бир сабаби асарнинг бошидан охиригача яхлит услубий изчиллик сақланмаганлигига бориб тақалади. Умуман, романнинг кўп уринларида Аббос Саид кўчада қолган одам тимсолини яратиш учун ниҳоятда мос услубий восита қўллагандек кўринади. У воситанинг моҳияти шундаки, муаллиф қаҳрамони Журъатнинг кўчада қолганлигига алоҳида урғу бериш учун уни иложи борича ўз уйига ёки ҳовлисига киритмасликка ҳаракат қилади. Ўз вақтини Журъат дўконида, ресторанларда, бильярдхоналарда, жазманиникида, машинада, қабристонларда, кўчаларда ўтказди. ҳатто онасига кийимлар олиб борганда ҳам, Журъат у билан йўлак олдида гаплашади. Қисқаси, қаҳрамонни ўз уйдан, болалари, қариндошларидан узоқда кўрсатиш унинг кўчада қолганлигини, қиёфасидан ажралаётганлигини бадиий акс эттириш учун ғоятда мувофиқ келадиган топилмага ўхшайди. Фақат ундан фойдаланишда романнавис икки уринда, яъни 12 ва 74-бобларда изчилликни бузган кўринади. 12-бобда Журъат ўз ҳовлисида Мирзоҳид билан учраштирилади. Учрашув роман экспозициясида рўй бергани ва у маҳалларда Журъат ҳали кўча одамига айланмаганлиги сабабли мазкур бобни ортиқча деб ҳисобламаслик мумкин. Шу воқеа сюжетнинг кейинги ривожига муайян туртки берганлиги, яъни Журъат билан Мирзоҳидни яқинлаштириб, бир дўконда ишлашларига йўл очганлиги учун мазкур бобда услубий изчиллик бузилмагандек тасаввур туғилади. Бироқ 74-боб услубий яхлитликни худди қоп ичидаги бигиздек бузиб туради. Бунинг сабаби шундаки, унда тасвирланган воқеа, яъни Журъатнинг ўз уйига келиб, хотини Гулчехранинг сочидан бураб қийнаши асардаги деярли бутунлай ортиқча унсурлар қаторига киради, чунки бу аёл 74-бобдан аввал ҳам, кейин ҳам бирон марта кўринмайди ва асосий сюжет чизиғи ривожига заррача таъсир ўтказмайди. Агар Покиза билан бирга фош бўлган Журъатнинг деярли бекордан-бекорга, яъни фақат хотинига аламини сочиш учун уйига бориб келиши тасвирланмаганда, романда муаллифнинг услубий ўзига хослиги аниқроқ юзага чиқар эди.

Ниҳоят, роман аччиқ ичакдек чўзилиб кетганининг сабабларидан яна бири шундаки, асарда ўзбек тилига хос жумла қўрилишлари бузилган, аниқроқ айтсак, аксарият ҳолларда «бўлган» сифатдоши

уринсиз қўлланган. Куп уринларда муаллиф «булган» сифатдошини деярли худди шу сузнинг маъносини англаувчи гап бўлагидан кейин ишлатадики, натижада уларнинг биттаси ортиқчалиги яққол сезилиб қолади. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги парчани ўқиш kiffoя: «Фақирий Мирзоҳидга тушунтираётган булган ёзувчи ҳақида Журъатга ҳам маълумот берган бўлиб: — ... Шаҳарда яна битта узининг шаҳарчасини яратолган бу ёзувчи!.. — деди...

Фақирийга унинг қарашдаги такаббурлик ёқинқирамади, шунинг баробарида «мен уни истайман, мен буним ёмоқчиман» дея олмади. Чунки мана бир неча кундан бери дўкон ҳисобига овқатланиб юрган булгани учун, ҳозир эса Журъатнинг таклифи билан унинг ҳисобига бу ерга келган булгани учун ҳам ўзига синовчан тикилиб тургандай туюлаётгани шериклари олдида ичдан ҳижолатлангандай бир овозда:

— Сизлар нима десанглр шу-да, — деди».

Агар бу парчадаги «булган», «булгани» сузларидан воз кечилса, жумлалар ихчамлашади, энг муҳими, ўзбекчалашади ва қисқалик бадийликнинг, истеъдоднинг синглиси, деган қанотли иборанинг ҳаққонийлиги яна бир қарра тасдиқланади.

Романдаги купсузлилиқ яна айрим гапларнинг қайта-қайта такрорланавериши туфайли юзага келади. Айниқса, асар давомида Фақирий ким билан таништирилмасин, албатта, унинг илгари ёзувчи булганлиги такрор-такрор маълум қилинаверишидан китобхоннинг тоқати тоқ, ҳафсаласи пир бўлиб кетади.

Демак, Аббос Саид «Кучада қолган одам» романида ҳаётнинг, асарнинг гавҳари ёки битмас жароҳати ҳисобланувчи муаммоларни, қаҳрамонларни қаламга олди ҳамда улар воситасида инсоний қийёфасизлик халқнинг фожеаси эканлиги тўғрисидаги ғоявий фалсафасини ифодалашга интилган. Фақат буларнинг деярли барчаси ортиқча хас-хашак, қум ёки тупроқ уюми остига кумиб юборилганлиги сабабли гавҳарнинг ярқироқлиги ҳам, яранинг даҳшати ҳам, фалсафанинг моҳияти ҳам катта тоғ тагига яширингандек қуринмас ҳолга тушиб қолган. Асарни ўқиб тугатган деярли ҳар бир китобхон: «Роман лағмон эмаски, уни истаганча чўзиб, ичига хоҳлаган нарсани тикилаверса? Роман воқеалиқни кенг миқёсда қамраб олувчи жанр булса-да, унинг муваффақияти ҳаётий мувофиқлик, мутаносиблик, меъёр, табиийлик, мантикийлик, бадий гузаллик, тил ва услуб нафосати сингари реалистик адабиётнинг самарадор мезонларига амал қилиш оқибатида таъминланади», — дегиси келади.

УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚ

Адабиётшунос Ислом Ёқубовнинг «Ўзбек романи тадрижи» деган китобини (Т., «Фан ва технология», 2006) ўқиган одам унда кетма-кет қўлланган хорижий ва янгидек туюлувчи сўзларни кўриб: «Асарим — фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида ёзилган бўлса керак», — деган хаёлга боради. Ахир, ўзингиз ўйланг, китобдаги «синергетика», «хаос», «герменевтика», «систем структурализм», «постерминлашган», «этимология», «антропogоник», «космогония», «этногония», «стохастик», «кибернетика», «бионика», «концепция», «семиотика», «гинетика», «парадигма», «посдарвинча»... каби сўзларни учратган ўқувчи: «Асарни барча замонларнинг ҳамма билимларини тулиқ эгаллаган донишманд ёзган шекилли», — деган мушоҳадага бориши табиийда. Аслида бундай қилиш маънавий жиҳатдан ўта тубан хотинни фақат савлатига, ташқи безагига қараб, гоётда гўзал аёл, деб баҳолашга ўхшаб кетади, чунки ҳар қандай китоб устидаги ҳукм унда нотаниш, мураккаб сўзларнинг қанча учрашига кўра эмас, балки уларнинг қандай қўлланганлигига ва ниммаларига қай даражада теран маъно юкланганлигига асосланиб чиқарилади. И. Ёқубов китобидаги айрим жумлаларни шунчаки умумий матндан юлиб олиб қараганимизда ҳам, уларда сўзларнинг гоётда ноўрин қўлланганлигига, аксариятидан муаллиф кутмаган табиий маънолар келиб чиқишига ва ўйланган мазмун ифодаси учун номувофиқлигига иқрор бўламиз. Фикримизнинг исботини китобнинг 14-бетидаги мана бу жумладан бошлаймиз: «Инсон зоти учта буюк қудрат — тана, руҳият ва маънавиятнинг йиғиндиси».

Бу сўзларни ўқиган китобхон беихтиёр: «наҳотки донишманд адабиётшунос маънавият ва руҳият сўзлари деярли бир хил маънони англатишини билмаса?» — деган саволга жавоб тополмай қийналади. Деярли бир хил маъноли сўзлар турлича мазмун англатувчи унсурлар сифатида ишлатилганлиги учун китобнинг охирига қадар ҳам инсон зотининг учинчи қудрати нимадан иборат эканлиги маълум бўлмай қолаверган. Шу тариқа китобнинг бошидаёқ тилга эътиборсизлик муаллифни ўта кулгили аҳволга тушириб қўйган. Кейинги номукамал ифодаларга дуч келганда эса, китобхоннинг кулгиси қаҳқаҳага айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Мана, ўшандай жумлалардан бири: «У (Ҳамза — С.С.) Туркистон мусулмонларини эр-хотинга ажратмасдан миллатдошлар деб қараб, ялпи тарзда маърифатга даъват қилиш конценциясини ҳам романга сингдириб юборади» (24-бет).

Бу сўзларни ўқиганда, китобхон кулгиси тўсатдан қаҳқаҳага айланишининг сабаби шундаки, у беихтиёр ўзига ўзи: «Нима бало, Ҳамза эр-хотинни ажратмаган бўлса, миллатдошларининг барчаси хунаса бўлганми?» — деган савол беради. Албатта, адабиётшунос бу ўринда Ҳамзанинг эркакларга ҳам, аёлларга ҳам маърифат тарқатишга интиланлигини англатмоқчи бўлган, лекин унинг номукаммал ифодасидан юқоридаги каби кутилмаган маънолар келиб чиққан. Келтирилган парчада ифода нобоглиги сабабли ғайритабиий маънолар келиб чиққан бўлса, китобнинг набатдаги саҳифаларида шундай ясама сўзлар учрайдики, уларнинг қандай мазмун англатишини, умуман, тушуниш қийин туюлади. Бунга иқрор бўлмоқ учун китобнинг 135-бетидаги қуйидаги жумлани ўқиш кифоя: «Ижтимоий-гуманитар соҳага фаол тадбиқ этилаётган постноклассик фан ютуқларининг буюклиги шундаки, у объектив ва субъектив қабилида қўйилувчи нисбий чегараларни парчалаб ташлай олди».

Қанча ўйламайин ёки суриштирмайин, «постноклассик» сўзининг аниқ маъносини англаб ета олмадим. Балки Ислом Ёқубов ўйлаб чиқарган бу сўзининг маъносини китобини ўқиган ҳар бир одам олдига бориб тушунтириши керакдир. Муаллифнинг шундан ўзга чораси йўқлигига 152-бетдаги мана бу янада мураккаб парчани ўқиб, тўлиқ иқрор бўламиз: «Фрейд тўғри таъкидлаганидай, зарур бўлган ҳолларда «онгости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси — цензори» сифатида чиқа олиш сифатига эгадир».

Келтирилган парчадаги маъно мавҳумлиги ёки мазмундан маҳрумлик «сифат» сўзининг икки марта ишлатилиб, услубий ғализликка йўл қўйилганлигидагина эмас, балки «подсознание» сўзининг «онгости» шаклида буткул нотўғри таржима қилинганлигига бориб тақалади. «Онгости» бирикмаси рус тилидаги «подсознание» сўзига муқобил маънони англатмайди. Шунини пайқамгани учун И. Ёқубов биз бир вақтлар форс тили дарсларида ўқиган ҳикоядаги «котиби кўрсавод» ҳолига тушиб юрибди. Ҳикояда бир саводсиз одам машҳур котиб олдига хат ёздиргани борганлиги айтилган. Ушанда котиб: «Хат ёзиб берар эдим-ку оёғим оғрияпти-да», — дебди. Саводсиз киши: «Ахир, хат оёқда ёзилмайди-ку?» — дея сўрабди. «Тўғри, лекин мен ёзган хатларимни ўзим бориб ўқиб беришим керак-да», — деб жавоб қайтарибди котиб.

И. Ёқубов китобидаги баъзи жумлаларда хорижий сўзлар, варваризмлар, махсус атамалар шу қадар қалашиб кетганки, натижада уларнинг кўпчилигидан гапда қандай маъно ифодаланмоқчи бўлганлиги мутлақо сезилмай қолган. Мана, ушандай жумлалардан бири: «Инсон

обранининг қатъий детирминлашмагани, стохастик жараёнларни танлаш ҳаос орқали мукамалроқ илмий тадқиқ этиш мумкинлиги синергетик (посдарвинча) парадигманинг тафаккуримизга хос эскича қилишларни батамом бузишига олиб келди» (74-бет).

Бундай мажруҳ жумлаларни ўқир эканман, раҳматлик Файбулла Саломовдек заршунос олим «Биз сув ичган дарёлар» мақоласида таншуносларимиз томонидан ажнабий сўзлар ҳаддан ортиқ миқдорда ва поўрин қўлланиши ҳолларини куюнчаклик ҳамда ғазаб билан қоралаганида тўла ҳақлигига ишонч ҳосил қилдим. Менга ҳатто синергетикадан хабардор мутахассис ҳам юқоридаги жумлани тушунтириб бериши қийиндек туюлди. Уни ҳатто муаллифнинг ўзи соҳлаб бериши ҳам шубҳали кўринади.

Шундай қилиб, И. Ёқубов китобининг савиясини тушириб юборган дастлабки сабаб тилга эътиборсизлик бўлса, иккинчиси ўтмишдаги ва ҳозирги фанларнинг ўзаро муносабатини, улар орасидаги ворисийликни, боғлиқликни нотўғри тушунишга бориб тақалади. Муаллифнинг очиқдан-очиқ илгариги фан ютуқларини буткул инкор этиб, ҳозир илмнинг фақат янги соҳаларига таянилаётгани тўғрисидаги қуйидаги хулосаси китобхон ҳайратига ҳайрат қўшади: «Бугунги кунда адабий-бадий изланишлар ноқлассик фан ютуқларига таяниб олиб борилаётганлиги сабабли микрооламга эътиборнинг кучайиши яққол намоён бўлмоқда. Эндиликда мумтоз диалектика тамойиллари билан иш кўриш мумкин бўлмай қолганидек, диалектиканинг ҳам ноқлассик ва ҳозирги замон шакллариغا мурожаат этиш, шунингдек ёндошувнинг нафақат диалектик, балки систем-структуравий ва синергетик методларига ҳам эътибор ортди» (135-бет).

Афтидан, муаллиф ўзининг бундай кескин хулосасини чиқаришда ҳозирги пайтда марксизмга муносабат ўзгарганлигига асосланади. Фақат бу ўринда у диалектика марксизмнинг эмас, балки Гегелнинг топилмаси эканлигини унутиб қўйган кўринади. Деалектикага муносабат эса, ҳозирги пайтда И. Ёқубов ўйлаганчалик ўзгарган бўлмаса керак. Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир фалсафий оқим диалектикани, хусусан, табиат, жамият ва тафаккурнинг тинимсиз тараққиётда эканлигини инкор этмаса керак. Демак, эндиликда ўтмишдаги фанларнинг барча ютуқларини, хусусан, диалектикани бутунлай четга улоқтириб, уларга нисбатан илмдаги самарасиз йўналишларни устун қўйиш тоғорадаги сувни чақалоғи билан кир ўрага ағдариб юборишдан бошқа нарса ҳисобланмайди. Самарасиз йўналишлар деганда, синергетика, структурализм,

германевтика каби методларни, яъни И. Ёқубов оғзидан бол томиб кўкларга кўтаришга уринган адабиётшуносликдаги тажрибаларни кўзда тутамиз. Чиндан ҳам мазкур методлардан чет элларда баъз олимлар фойдалаётгани ва уларнинг шабадалари ўзбе адабиётшунослигида ҳам сезилар-сезилмас эсаётганлиги маълум. Фақат ҳозирча жаҳон миқёсида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам ўшандай янги метод тажрибалари биронта ҳам оламшумул кашфиёт берганлиги маълум эмас. Ёлғиз шўро замонидагина эмас, балки ҳозирги кунларда ҳам аксарият чет эллик тадқиқотчиларнинг ўзлари ўшандай тажрибаларнинг самарасизлигини, яъни шаклбозликка мазмунсизликка йўл очганлигини эътироф этганлар. Улар орасида фикримизни тўлиқ тасдиқлайдиган далил сифатида фақат битта мисолни, яъни Франциядаги «Янги роман» мактаби вакилларининг ўз тажрибалари юзасидан чиқарган сўнги хулосаларини эслаш ўринли бўлади. Ўтган асрнинг 50-йилларида бу мактаб вакилларида Аллен Роб-Грийе ва Натали Саррот деган ёзувчилар Л.Н. Толстой ҳамда Бальзак асарларини эскирган ёки музей экспонати деб эълон қилиб, ўз тажрибаларининг маҳсулини катта шов-шув билан «Янги роман» сифатида тақдим этган эдилар. Ўша тажрибаларнинг баъзилари ҳатто рус тилида ҳам босилиб чиққан эди. Кейинчалик эса ўша мактаб вакилларининг ўзлари бирин-кетин нашр эттирган китоблари муваффақиятсиз тажрибадан юқорига кўтарилмаганлигини ва яроқсиз машқлар бўлиб қолганлигини афсус-надомат билан тан олдилар ҳамда ҳосиятсиз изланишларни давом эттирмай қўйдилар. Эндиликда «Янги роман» ниқоби остида эълон қилинган ўша машқларни деярли ҳеч ким ўқимайди ҳам, эсламайди ҳам.

Самарадорлиги исботланмаган илм-фан йўналишларига ортиқча ихлос қўйиши оқибатида И. Ёқубов ҳаққонийлиги азал-абад тасдиқланган фалсафий қарашларни рад этишга ва адабиётшуносликдаги асарни таҳлил қилиш ҳамда баҳолашнинг нотўғри мезонларини белгилашга уринган. Чунончи, у ҳозирги адабиётда муаллифларнинг истеъдодсизлиги, маҳоратсизлиги оқибатида бадиий далиллаш санъатининг заифлашиб бораётганлигини зўр бериб оқлашга интилиб, бор кучи билан фалсафадаги сабаб ва оқибат категориясини, яъни каузаллик ҳодисасини инкор этишга чиранади. Бу масалада ҳам у сабабийлик ҳодисасини марксизмнинг кашфиёти деб адашади. Адашувни исботлашдан аввал И. Ёқубовнинг сабабийликни инкор этувчи мушоҳадаларини эслайлик: «Шу пайтгача биз адабий қаҳрамонларнинг дастлабки ҳолатига қараб, маълум вақт ўтгандан кейинги ҳолатини динамик ривожланишда, мантиқий

баъъидликда, сабаб-оқибатга боғлаб айтиб бера олар эди. Аслида инсоннинг табиати камдан-кам ҳоллардагина сабаб-оқибат маъносига мос келади. Демокримизки, инсон образи ҳаминша ҳам қатъий детерминлашган эмас» (16-бет).

Мазкур мулоҳазаларда И. Ёқубов ўзини ўзи инкор этади, чунки у юқорида сабабийлик ҳодисаси марксизмдан анча аввал каниф топилишини В.Г. Белинский сўзларини келтириш билан исботлаб қўйган эди. Мана, ўша сўзлар: «В.Г. Белинский тўғри таъкидлаганидай: «Сабабийётнинг ҳамма томонида жонли тарихий алоқа мавжуд. Унда ҳар бир ҳодиса тасодифан юз бермайди, янгиси эскисидан ўсиб чиқади, кейингиси аввалгиси билан изоҳланади» (6-бет).

Наҳотки И. Ёқубов адабиётга тааллуқли бундай сабабийлик ҳодисаси, умуман, бутун борлиққа, ҳаётга, инсон руҳига ҳам тегишли эканлигини тушунмаса? Гарчанд, бадий асарлар ҳаётнинг инъикоси экан, уларда воқеликдаги мазкур сабабий алоқадорликнинг таъқини қонуний ҳисобланади. Мазкур қонунийлик бадий асарларда детерминлашмаган, яъни асосланмаган ўринларнинг бўлишини инкор этмайди. Чунки мумтоз фалсафадаги зарурият ва тасодиф категориясига кўра табиат, жамият, тафаккур тараққиётида, демак, бадий қаҳрамонлар руҳиятида ҳам детерминлашмаган унсурлар бўлиши мумкинлиги аллақачон исботланган. Демак, И. Ёқубовнинг ҳозирги романлардаги детерминлашмаган, яъни далилланмаган тафсилотларни оқлаш учун самарасиз методлар ахтариб юриши ўринли ҳисобланмайди. Самарасиз методларга суяниши оқибатида И. Ёқубов танқидчилик ва адабиётшуносликдаги бадий асарни таҳлил қилиш, баҳолаш мезонларини ўзгартироқчи бўлади ҳамда ёзади: «Бизнингча, бадий асарда тасвирланган эстетик ҳодисанинг ҳаётда мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги нафосат завқини туймоқ учун муҳим эмасдир... Бинобарин, бадий-эстетик ҳодисани объектга мувофиқлиги жиҳатидан асослаб бўлмайди» (126-бет).

Бундай кескин ҳукм адабиётшуносликдаги азалий ва оддий ҳақиқатларни етарлича ҳисобга олмасликдан ёки уларни ўзбошимчалик билан ўзгартиришга уринишдан келиб чиққанлиги шикоят қўрилиб турибди. Буни исботлаш учун ўша ҳақиқатларни қисқача эслашга тўғри келади. Бадий адабиёт ёки асар ҳаётнинг инъикоси ҳисобланади. Бундан асар ҳаётнинг қўчирмаси ёки ўзи, деган хулоса келиб чиқмайди. Бадий асар ҳаётнинг ёзувчи онги, истеъдоди яратган модели ҳисобланади. Асарда ҳаётнинг айнан ўзи эмас, балки образи акс этади. Шунга кўра И. Ёқубов истайдими, истамайдими, танқидчиликда бадий асарлардаги тафсилотлар деярли

ҳар доим ҳаётга қиёсланган ҳолда таҳлил этилади. Шунда ҳам уларнинг ҳаётга айнан мос ёки номувофиқлиги эмас, балки турмушда бўлиши мумкинми ёки йўқлигини аниқлашга уриналади. Бадиий асар турмушнинг копияси бўлмаса-да, азалдан ундаги тафсилотлар ҳаётда бўлиши мумкинми, деган мезон нуқтаи назаридан ўрганилади. Ҳаётда бўлиши мумкин эмасдек тафсилотлар ўз-ўзидан аёнки, китобхонда ишонч туйғусини уйғотмайди. Ишонч туғдирмаган тафсилот эса, табиийки, «нафосат завқини туймоқ учун» имкон бермайди.

Ўтмишдаги фанлар, аниқроғи, илгариги танқид ва адабиётшунослик ютуқларига беписандлик билан қараш юқоридаги каби нотўғри ёндошувларни келтириб чиқарганидан ташқари китобдаги асосий масала талқинида янада мудҳишроқ асоратлар қолдирган. Китобни ёзишдан кузатилган асосий мақсадини муаллиф ўзбек романининг юзага келиш қонуниятларини, тараққиёт йўлларини, тадрижини тадқиқ этишдан иборат, деб белгилаган. Ёндошувнинг нотўғрилиги, илгариги фан ютуқларини инobatга олмаслик оқибатида ўзбек романининг юзага келиши ва ривожини бу жанрнинг ҳақиқий илдизларидан, озиқланган заминидан ажратиб қўйилган. Муаллиф бу масалани ёритар экан, ўзбек романининг туғилишини имкон борича миллий заминга боғлашга чиранаверган. Ахир, бу жанр ғарбда, аниқроғи, роман тилида сўзлашувчи халқлар ижодида майдонга келган экан, унинг ўзбек адабиётидаги шаклланишини аниқлашда, биринчи навбатда, Европадаги шакллари билан қандай муштарак хусусиятлар касб этганлигини рўёбга чиқариш ўринли бўларди-да. Муаллиф бундай қилиш у ёқда турсин, жаҳон адабиётида роман жанрининг қай тарзда шаклланганлиги, асосий хусусиятлари қандай кристаллашганлиги тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмайди. У худди жаҳон романчилиги тарихидан ва мазкур жанрга оид илгариги адабиётшунослик асарларидан мутлақо беҳабар одамдек мулоҳаза юритади. Маълумки, XX аср ўрталарида роман тарихи ва назариясига оид кўплаб фундаментал тадқиқотлар яратилган эди. Улар орасида Ральф Фокснинг «Роман ва халқ», Уоррен ва Уэллекнинг «Адабиёт назарияси», Москвадаги жаҳон адабиёти институтида тайёрланган уч жилдлик «Адабиёт назарияси», В. Кожиновнинг «Романнинг юзага келиши», В. Днепровнинг «XX аср романи хусусиятлари», М. Кузнецовнинг «Совет романи», Т. Мотилёванинг «Чет эл романи бугунги кунда», С.М. Петровнинг «Реализм» сингари китоблари ўша давр адабиётшунослигининг жиддий ютуқлари сифатида дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган эди. Бу китобларнинг турли сабаблар билан изоҳланмайдиган

айрим камчиликлари бўлгани ҳолда, роман тарихи ва таърифи тўғрисида бойитувчи кўплаб умумлашмаларга эгаллиги ҳам шубҳасиз эди. Шундай бўлгач, мазкур асарлар тажрибасини ҳисобга олмай туриб, роман табиатини ҳам, асосий жанр хусусиятларини ҳам, ривожланиш қонуниятларини ҳам тадқиқ этиш амри маҳол эди. И. Ёқубов бўлса, ўз рисоласида юқоридаги китобларнинг деярли биронтасини ҳам тилга олмайди ва фақат сўнгги йиллардаги айрим нашрларнигина эътибор билан чекланади. Бундан И. Ёқубовнинг юқоридаги китоблар билан, умуман, нотанишлиги ёки билса ҳам, атайин уларнинг тажрибасини яроқсиз ҳисоблаб, четлаб ўтгани аён бўлади. Қайси маконда ёки маконда яратилмасин, юқоридаги китобларда инсон тафаккури меҳнатининг муҳри қолганлигини, келгуси авлодлар учун фойдали рационал мағиз мавжудлигини унутиш ҳам тоғорадаги сувни очкида чўмилтирилаётган чақалоғи билан оқизиб юборишга ўхшаб кетади. Улардаги рационал мағиз шундан иборат эдики, тилга олинган китобларнинг аксариятида муайян асарни роман деб аташ учун ҳуқуқ берадиган асосий белги деярли бир хилда кашф этилган эди. У белги шунчаки декларация қилинмасдан, «роман» деб аталган асарларнинг антик даврдан XX аср ўрталаригача бўлган тажрибасини умумлаштиришдан келтириб чиқарилган эди. Ўша тажрибаларнинг муфассал тадқиқидан аён бўлишича, ҳар қандай асарни роман деб ҳисоблаш учун ҳуқуқ берадиган асосий хусусият сифатида мазкур жанрнинг энг нодир намуналарида воқеалар ривожи билан фикрлар-у ҳис-туйғулар оқимининг мутаносиблиги кузатилган. Уч жилдлик «Адабиёт назарияси» китобининг 2-жилдидаги «Роман – янги замон эпоси» деб аталган ва В. Кожинов, В. Гачев сингари нуфузли адабиётшунослар томонидан ёзилган бўлимида исботланишича ҳамда жаҳоннинг кўплаб буюк ёзувчилари эътироф этишича, илк дафъа воқеалар оқими ва психологик таҳлил мутаносиблиги ёзувчи Антуан де Превонинг «Кавалер де Грийе ва Манон Леско тарихи» асарида бор бўй-басти билан намоён бўлган. 1731 йилда Англияда, 1733 йилда Францияда босилиб чиққан худди шу асарни улуғ француз ёзувчиси Ги де Мопассан «ҳозирги замон романининг жозибадор шакли» деб атаган ва унинг асосий хусусиятларини қуйидагича таърифлаган эди: «Бу китобда ёзувчи биринчи марта ўз персонажларини шунчаки сунъий тасвирловчи санъаткор бўлмай қолди ҳамда тўсатдан аввалдан ишлаб чиқилган назарияга эргашмайдиган, ўз истеъдодининг қуввати ва ўзига хослигига таяниб, инсон ҳаётини самимий ва ажойиб тарзда қайта тавдалантирувчига айланди. Реал ҳаётда яшовчи... кишиларни биринчи

марта китоб саҳифаларида учратиб, биз чексиз ва чуқур ҳаяжонландик» (Ги де Мопассан. Полн. собр. соч., т. XIII, 282-283-бет).

Бу сўзлардан мушоҳадаларимизга боғлиқ икки хулоса келиб чиқади. Биринчидан, уларда бизнинг юқоридаги хулосамиз, яъни бадий асарлардаги унсурлар деярли ҳар доим ҳаётда бўлиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги нуқтаи назаридан баҳоланиши тасдиқланади. Мазкур сўзлардан ҳатто Мопассандек буюк ёзувчи ҳам бадий асарларни ҳаётга қийслаб, чексиз ҳаяжонлангани, яъни «нафосат завқини туй»ганлиги аён бўлади. Иккинчидан, бу сўзлардан Мопассандек ҳассос санъаткор ҳам «Манон Леско» асарини романнинг биринчи «жозибатор шакли» деб ҳисоблаганлиги англашилади. Ундан аввал ҳам «роман» деб аталган асарлар жуда кўп бўлган. Фақат уларнинг бир қисмида қизиқарли воқеаларни қаторлаштириш йўли билан китобхонни ром қилиб қўйишга уриниш кўзга ташланган бўлса, иккинчи гуруҳида яккам-дуккам ҳодисалар ҳис-туйғулар ёки изтироблар дарёсига фарқ қилиб юборилгандек таассурот қолдирилган. Психологик таҳлилга нисбатан воқеалар оқимининг устунлик қилганлиги сабабли ҳатто Сервантеснинг деярли муттасил «роман» деб юритиб келинган «Дон-Кихот» асари ҳам мазкур жанрнинг чинакам намунаси бўла олмаслиги юқоридаги китобларда руй-рост исботланган. «Манон Леско» дан кейин ҳам «роман» деб эълон қилинган, лекин бу жанрнинг ҳақиқий намунаси ҳисобланиши мумкин бўлмайдиган асарлар жуда кўп учрайди. Ўз-ўзидан: «И. Ёқубов мазкур илмий ҳақиқатлардан бутунлай беҳабарми?» — деган савол туғилади. Агар беҳабар, десак, бир мунча нотўғри бўлади, чунки «Ишқ аҳли» асари юзасидан менинг мақолам чиққанда, юқоридаги фикрлар қисқача эслатилган ҳамда И. Ёқубов уларга муносабат билдирган эди. Фақат И. Ёқубов роман моҳиятини белгиловчи юқоридаги кашфиётни билгани ҳолда, илгариги фанларга салбий муносабатидан келиб чиқиб, уларни «турғун ақидалар» деб атайти (83-бет). Адабиётшунос назарида асарларни ҳозир «турғун ақидалар» асосида таҳлил қилиш ножоиз ёки самарасиз ҳисобланади. Демак, у «турғун» сўзини «эскирган» маъносида ишлатган. Фақат И. Ёқубов адабиётшунослик қоидалари қанча вақт ўтганда турғун ёки эскирган ақидага айланиши ҳақидаги саволга жавоб бермайди. Ҳозирги пайтда қандайдир янги ғазал пайдо бўлса, адабиёт билимдонлари дарҳол унинг вазнини хаёлдан ўтказиб, аруз қоидалари бузилганини, сакталикларни аниқлайдилар. Арузнинг қатъий қоидалари яратилганига эса, 1300 йил бўляпти. Шунга қарамай, уларни ҳеч ким «турғун ақидалар» деб ҳисобламайди. Воқеалар оқими ва

психологик таҳлил роман жанрининг моҳиятини белгилаши тўғрисидаги кашфиёт қилинганига эса, бор-йўғи 40 йил бўлди. Демак, ушбу турғун ёки эскирган ақида деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Афсуски, худди шу иллат, яъни илгариги фанларни менсимаслик ёки уларнинг кашфиётларини инобатга олмаслик касали И. Ёқубов китобининг савиясини бошидан-оёқ тушириб юборган учинчи асосий сабаб ҳисобланади. Китобнинг деярли барча нуқсонлари, яъни ўзбек романи тадрижини белгилашдаги камчиликлар ҳам, алоҳида асарларни баҳолашдаги хатолар ҳам худди шу иллатга боғлиқ равишда келиб чиққан. Улар яна ёдимизда усти ялтироқ, ичи қалтироқ хотин қиёфасини жонлантиради. Ундай хотинлар пул берган эркакка танасини сотиб, лаззат бахш этади. И. Ёқубов эса ўта саҳийлик билан «роман» деган унвонни шу жанр намунаси деб эълон қилинган асарларнинг барчасига улашиб, муаллифларига чексиз роҳат багишламоқчи бўлади. Унинг ўйлашича, «роман» деган унвон остида босилиб чиққан асарларнинг барчаси беистисно шу жанр намунаси ҳисобланаверади. Китобининг бошидан охиригача И. Ёқубов биронта асарни бўлса-да роман талабларига мос келмаслиги, яъни мазкур жанр намунаси ҳисобланмаслиги ҳақида гапирмаган. Бу ҳол сира нишхўрт чиқармайдиган адабиётшунослар сафи яна биттага кўпайганлигидан далолат беради.

Илгариги адабиётшунослик кашф этган жанр моҳияти ҳақидаги қарашни инобатга олмаслик оқибатида И. Ёқубов китобида таҳлилга тортилган биринчи асар, яъни Ҳамзанинг «Янги саодат» деган наср намунаси юзасиданоқ хатолиги аён кўриниб турган фикр билдирилган. Асар мазмунини обдон қайта баён қилиб бергач, И. Ёқубов қуйидаги хулосани ўртага ташлайди: «ўзбек адабиёти тарихига романнинг илк намунасини мазкур атама ва жанр маъносида биринчи марта Ҳамза олиб кирган» (72-бет).

Хулосанинг биринчи қисми, яъни жанр атамасини ўзбек адабиёти тарихига Ҳамза олиб кирганлиги тўғрисидаги фикр унинг шаклланиш босқичидаги ҳодисалардан, далиллардан беҳабарлик ёки уларни менсимаслик натижасида ўртага ташланган кўринади. Акс ҳолда И. Ёқубов Ҳамзадан икки йил аввал, яъни 1914 йили «Туркистон вилоятининг газети»да Мирмуҳсин Шермухамедов «Бефарзанд Очилдибой» асаридан бир парчани «Миллий рўмон» деб эълон қилганлигини ақалли тилга олиб ўтган бўларди. Тўғри, Мирмуҳсин Шермухамедовнинг ўзи эътироф этганидек, унинг асари «жуда ет»маган, «чаласи бор» эди. Демак, «Бефарзанд Очилдибой» қили роман даражасига кўтарилмаган, фақат ўша жанр намунасини

яратиш йўлидаги илк изланиш ёки машқ бўлган. Шунга қарамай, унинг аввал босилиб чиққанлиги «миллий рўмон» атамасини ўзбек адабиёти тарихига Ҳамзадан олдинроқ М. Шермухамедов олиб кирганлигидан гувоҳлик беради.

И. Ёқубов хулосасининг иккинчи қисми, яъни Ҳамза ўзбек адабиётида «романнинг илк намунасини» яратганлиги ҳақидаги қараши жанр моҳияти тўғрисидаги юқоридаги қонуниятни инобатга олмаслик оқибатида келиб чиққан. Акс ҳолда И. Ёқубов «Янги саодат» асарида бошдан-оёқ воқеалар етакчилик қилиб, аҳён-аҳёндагина қаҳрамонлар руҳий дунёси таҳлил этилганини пайқаган бўлур эди. Демак, воқеалар ривожини-ю ҳис-туйғулар диалектикаси бузилганини пайқамаслик оқибатида навбатдаги хато қараш, яъни «Янги саодат» роман жанрий намунаси эканлиги тўғрисидаги асоссиз хулоса чиқариб юборилаверган. Бундай хулоса чиқарилишига И. Ёқубов томонидан ўзбек адабиётшунослигининг илгариги тажрибалари, ютуқлари етарлича ҳисобга олинмагани ҳам сабаб бўлган. Жумладан, китобда «Янги саодат» сингари асарларнинг жанрини белгилашда танқидчи У. Норматов «Насримиз уфқлари», «Насримиз анъаналари» китобларида илгари сурган самарадор таклифлар инобатга олинмаган кўринади. И. Ёқубов Ҳамза асарини «катта ҳикоя» деб аташга эътироз билдиргани ҳолда, уни романнинг чинакам намунаси сифатида баҳолаб кетаверган. Агар у У. Норматовнинг юқоридаги китоблари билан таниш бўлганда, танқидчи томонидан муайян асарни роман деб ҳисоблаш учун зарур бўлган жанрнинг иккинчи муҳим хусусияти аниқланганлигини пайқаш табиий эди. У. Норматов аниқлашча, ҳозирги қисса ёки повесть якка созда, масалан, танбурда чалинган куйга ўхшайди. Роман эса, кўплаб созлардан иборат оркестр томонидан ижро этилган куйни эслатади. Демак, олим аниқлашча, қисса ёки повесть якка сюжет асосига қурилса, роман бир нечта сюжет чизиқларига эгаллиги ва уларнинг чапишувидан яралиши билан ажралиб туради. Агар шу қоидалар нуқтаи назаридан ёндошганда ҳам, балки И. Ёқубов «Янги саодат» нинг жанрини тўғрироқ белгилаган бўлармиди? «Янги саодат» асосий қаҳрамон Марямхоннинг оиласига боғлиқ битта сюжет чизигига эга. Бошқа қаҳрамонларга тегишли воқеалар унга келиб туташади ва алоҳида сюжет чизигини ташкил этмайди. Демак, «Янги саодат» асари нари борса, қисса ёки повесть жанрига мансуб бўлиб, уни ҳақиқий роман мавқеига кўтариш учун асослар етарли эмасга ўхшайди.

Жанрнинг юқорида тилга олинган икки муҳим хусусиятини эътиборидан қочиргани учун И. Ёқубов Абдулла Қодирийнинг «Ўтган

кунлар» асари тўла маънодаги биринчи ўзбек романи эканлигини ҳам исботлаб бера олмаган. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг учун «Ўтган кунлар»нинг «Янги саодат»га нисбатан фарқли томонларини, новаторлик белгиларини аниқлаш зарур эди. Уларнинг биринчиси, ҳеч шубҳасиз, «Янги саодат»га нисбатан «Ўтган кунлар»да психологик таҳлил анча чуқурлашиб, ўзбек насрида илк бор воқеалар ривожини билан диалектик мутаносиблик ҳосил қилганлиги эди. Р. Отаевга ўхшаган айрим танқидчилар «Ўтган кунлар»да психологик таҳлилнинг бир мунча саёз эканлиги тўғрисидаги қарашни исботлашга уринган эдилар. Аслида бу асар Абдулла Қодирийга кучли таъсир кўрсатган машҳур араб ёзувчиси Жўржи Зайдон романларидан психологизмининг теранлашганлиги билан фарқланар эди. Рус адабиётшунослигида Жўржи Зайдоннинг аксарият тарихий романларига теран психологик таҳлил етишмаслиги кўплаб далиллар ёрдамида исботланган. Бундан хабардор бўлган Абдулла Қодирий таниқли араб ёзувчисининг романига нисбатан тажрибасида синалган, яхши самаралар берган унсурларни, усулларни, воситаларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмади. У Жўржи Зайдон романларидаги кемтикни, яъни психологик таҳлилга нисбатан воқеалар муфассаллиги устунлигини пайқаб, ўз ижодида бу соҳада бурилиш ясайди. Натижада «Ўтган кунлар» романининг барча бобларида психологик таҳлил бир хилда теран чиқмаган бўлса-да, асар инсон руҳининг, қалбининг жуда нозик, мураккаб, зиддиятли қирраларини ниҳоятда чуқур ёритувчи кўплаб таъсирчан саҳифаларга бойлиги билан ажралиб туради. Жўржи Зайдон асарларидагидан фарқли ҳолда Абдулла Қодирий ўз романига психологик таҳлилнинг ғоятда самарадор унсурларини, воситаларини киритган. Улардан бири сифатида романдаги мактублар зиммасига қандай вазифа юкланганлигини эслаш ўринли бўлади. Жўржи Зайдоннинг «Хорун ар-Рашиднинг синглиси» романида биронта ҳам мактуб учрамайди. Унинг «Амин ва Маъмун» романида эса фақат битта тўрт энлик мактуб бўлиб, хатда ҳукмдорнинг Маймуна деган қизни саройга юбориш тўғрисидаги буйруғигина ёзилган эди. Демак, мазкур романда хат соф алоқа воситаси вазифасинигина бажарган. «Ўтган кунлар» романида эса муаллиф руҳий жараёнларининг чуқур таҳлилига имкон берувчи хат воситасидан жуда унумли ва ўринли фойдаланган. Улар орасида Кумуш бибининг «Вафосизга» деб бошланувчи Отабекка ёзган хати, айниқса, характерли бўлиб, аёл қалбининг кўз илғамас жилваларини, изгироблари-ю эҳтиросга тўлиқ тўлқинланишларини, ҳаяжонлари-ю орзу-армонларини, пучга чиққан хаёллари-ю

узилмаган умидларини, пинҳоний назокати-ю ошкора жаҳлу газабини ёрқин намоён қилиши билан ажралиб туради. Дил изҳорларини очиқдан-очиқ тўкиб солишга имкон берувчи мактуб унсуридан маҳорат билан фойдалангани ҳолда, Абдулла Қодирий деярли ҳар бир воқеа давомида унда иштирок этаётган қаҳрамонларнинг руҳиятида юз берган энг нозик ўзгаришларни ҳам юзага чиқаришга муваффақ бўлган. Бунга иқрор бўлмоқ учун Кумушни ўғирлаш режаси тузилган воқеани эслаш кифоя. Режа тузиш учун Жаннат ҳоланинг уйида Ҳомид, Мутал ва Содиқлар тўпланадилар. Шунда Ҳомид ичкиликдан бош тортаверади. Улфатлардан бири жуда бўлмаса Кумуш опаси учун ичишни таклиф қилганида, Ҳомид сира иккиланмай, пиёлани кўтариб юборади. Демак, худди шу ўринда ёзувчи бир оғиз сўз билан ҳам инсон руҳида кескин ўзгариш ясаш мумкинлигини жуда ҳаётий шаклда кўрсатишдек истеъдодга эга эканлигини намоён қилган. Шундай истеъдод билан яратилган изчил психологик таҳлил «Ўтган кунлар»нинг «Янги саодат»га нисбатан анча устун эканлигини тасдиқловчи дастлабки новаторлик белгиси ҳисобланади. Мазкур асарларнинг иккинчи фарқли томони эса уларнинг сюжетида кўринади. Агар «Янги саодат» фақат Марямхоннинг оиласига боғлиқ тизмадан иборат бўлса, «Ўтган кунлар»да бир нечта сюжет чизиғи мавжудлигини кузатиш мумкин. Улар жумласига Отабек ва Кумуш, уста Олим ва Саодатга боғлиқ тўқима унсурулар, Худоёрхон, Мусулмонқул, Азизбекка алоқадор тарихий ҳодисалар камида учта сюжет чизиғини ташкил этади. Уларнинг барчаси Отабек ва Кумушга алоқадор сюжет йўналишига узвий туташтириб юборилгани оқибатида асар романга хос қўламлилиқ ҳамда композицион яхлитлик касб этган. Ақалли мана шу ҳақиқатлар исботланганда ҳам, «Янги саодат» билан «Ўтган кунлар» орасида чинакам тадрижий ўсиш рўй берганлиги юзага чиқарилган бўлар эди. Ҳозирги ҳолида эса, И. Ёқубов китобида «тадриж» сўзи сарлавҳада-ю матн ичида қайта-қайта ишлатилганлиги билан ундан асар ҳам кўринмайди. Шунини айтсалар керак-да: «холва деган билан оғиз чучимади», — деб.

Китобда ўзбек романининг тадрижий ривожини мутлақо кўринмаслиги унда Ойбекнинг «Навоий»дек улуғ асарига берилган асосиз баҳоларда, камситишга чиранишларда янада яққол пайқалади. Тадриж дейилганда, одатда, секин-секинлик билан олдинга силжиш, ривожланиш тушунилади. И. Ёқубов Ойбекнинг «Навоий» асари билан ўзбек романининг тадрижи давом этганини қайд қилган бўлса-да, унинг савиясини ёзувчининг аввалги дostonлардан ҳам,

салафларининг катта эпик жанрдаги намуналаридан ҳам пастга тушириб баҳолашга уринаверади. Дастлаб адабиётшунос Ойбек романини унинг «Навоий» достони билан қиёслаб, шундай хулоса чиқаради: «Шоир асарни оптимистик руҳда якунлашга эришадик, ҳатто «Навоий» романида ҳам бу қадар юксакликка қўғарила олмайди. Чунки романда Навоийни тарихий жараёнларга боғлаб қўйишга интилиш кучлидир» (78-бет).

Энди бундай «антиқа кашфиёт»ни ифодаловчи сўзларни ўқиб, кулгидан китобхоннинг ичаги узилиб кетай дейди, чунки у дунёдаги биронта адабиёт назариясида асар оптимистик якунланса, юксак ва аксинча, пессимистик тугаса, паст баҳоланиши ҳақидаги қоида борлигини ақлига сиғдиролмайди. Майли, «антиқа кашфиёт» бемаъни луттивозликдан бошқа нарса эмаслигини исботлашни кейинроққа қолдириб, И. Ёқубовнинг «Навоий» романи устига ёғдирган лаънат тошлари билан танишишда давом этайлик. Адабиётшунос «Навоий» романи устига қўйган яна бир айб шундан иборатки, унда Ойбек ҳукмрон мафкура тазйиқига бўйсуниб, улуғ шоирни имкон борича «ижтимоий муносабатлар мажмуи» сифатида қўрсатишга ва шунинг оқибатида Хусайн Бойқаро билан муносабатларини кескинлаштираверишга уринган эмиш. Шундай таъна тошларига лойиқ топгандан сўнг И. Ёқубов «Навоий» романининг ўзбек адабиётидаги бу жанр намуналари орасида тутган ўрнини қуйидагича белгилайди: «Ойбек даврига келиб, миллий онг тадрижи етиб келган тутумларни тўла ифода этишда ижтимоий қолипларнинг эстетик тафаккурни тушовлаш жараёни анча кучайган. Бу ҳол Ойбек насри салафларининг юксак даражасига чиқа олмаслигига олиб келган асосий фактордир» (78-бет).

Бундай айбномалар аслда И. Ёқубов китоби чиқмасидан олдиноқ бошқа адабиётшунослар томонидан ҳам тарқатилиб келаётган бемаъни сафсаталардан ўзга нарса эмас. Бунга иқрор бўлмоқ учун И. Ёқубов қарашларини бир чеккадан таҳлил қилиб қўрмоқ лозим бўлади. «Навоий» достони бир жиҳатдан бўлса-да, шу номли романдан юксаклиги ҳақидаги қарашнинг асосизлигини исботлаш учун унинг тўғрисида нуфузли адабиётшунослар ва Ойбекнинг ўзи томонидан билдирилган фикрларни эслаш ўринли бўлади. Ойбек ва унинг ижодини узоқ йиллар мобайнида тадқиқ этган Ҳ. Ёқубов, М. Қўшжонов сингари табаррук адабиётшунослар деярли бир оғиздан таъкидлашганидек, «Навоий» достони шу номли романнинг эскизи ёки қораламаси тарзида ёзилган бўлиб, унда муаллиф катта асарда ифодалашни мўлжаллаган асосий ғоялари-ю ўй-туйғуларини назмда

баён қилиб беришга интилган. Эскиз ёки қораламанинг тугалланган ва жаҳон миқёсида юксак баҳоланган романдан қай жиҳатдан бўлса-да устун туришига ақл бовар қилмайди. Сўнгра эскиз «оптимистик руҳда якунлан»гани учун романдан юксак эканлиги тўғрисидаги хулоса ҳам ҳеч қандай куракда турмайди. Танқид ва адабиётшуносликнинг ҳеч бир йўналишида, методида ёки соҳасида (хоҳ структурализм, хоҳ синергетикада) бадиий асарга унинг оптимистик ёхуд пессимистик руҳда тугалланганлигига қараб баҳо берилмайди. Асарнинг қайси қисми баҳоланмасин, деярли ҳар доим унинг бадиий мукамаллигига, қизиқарлилигига, таъсирчанлилигига ва ишонтириш қудратига қараб ҳукм чиқарилади. Бунинг устига «Навоий» романидаги пессимистик хотима дostonнинг «оптимистик руҳдаги якуни»дан минг чандон таъсирчанроқ чиққанлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак, чунки катта асарнинг сўнги саҳифаларида улуғ шоирнинг вафоти бағритош кишини ҳам ларзага соладиган даражада тасвирланган.

«Навоий» романида улуғ шоир ижтимоий жараёнлар-у тарихий ҳодисаларга боғлаб тасвирлангани масаласи юзасидан шуни айтиш зарурки, ҳукмрон мафкура тазйиқи бўлса-бўлмаса, унинг образини бошқача яратиш деярли мумкин эмас эди. Бунинг исботи учун жаҳонга машҳур ёзувчи Стефан Цвейгнинг «Оноре де Бальзак» романини эслаш лозим бўлади. Маълумки, Бальзак Францияда йирик давлат арбоби бўлмаган ва ҳеч қандай ҳукмронлик лавозимларини эгалламаган. У кўпроқ хонанишинлик қилиб, тинимсиз роман ёзган ва сиёсий воқеаларга имкон борича аралашмай яшашга интилган. Натижада, у деярли бутун умр хор-зорликда, зўрға кун кечирган. Шулардан келиб чиқиб, Цвейг ўз романида кўпроқ ёзувчининг интим кечинмалари, шахсий ҳаёти, ижодий лабораторияси манзараларини гавдалантириш йўлидан борган. Ҳатто романда Бальзак 1848 йили Францияда, Европада рўй берган ва дунёни ларзага солган инқилобий воқеаларга ҳам деярли аралаштирилмай кўрсатилган. Ҳукмрон мафкура тазйиқидан қатъи назар, Ойбек бундай тасвир йўлидан боролмас эди, чунки Навоий давлатдаги Ҳусайн Бойқародан кейинги энг йирик арбоб, яъни бош вазир сифатида ижтимоий муносабатлар марказида, тарихий, сиёсий ҳодисаларнинг юрагида турар эди. Демак, Навоийни ижтимоий воқеалардан ажратиб кўрсатиш тарих ҳақиқатига хилоф иш бўлур эди. Худди шунингдек, Ҳусайн Бойқаро билан Навоий орасидаги муносабатларни кескинлаша борган тарзда тасвирлаганида ҳам, Ойбек тарих ҳақиқатига содиқ қолган ҳолда, уни бадиий жонлантириш йўлидан борган эди. Агар уларнинг ёшлиқдан дўст бўлишганини эсласак, албатта, бундай тасвир эришроқ туюлиши

мумкин. Фақат 1496 йилда Ҳусайн Бойқаронинг айби билан Мумин Мирзо улдирилгандан кейин ёлғиз Навоий эмас, балки янада яқинроқ дўстининг ҳам шоҳга муносабати ўзгариши, ораларида зиддият туғилиши табиий эди. Ҳаётда шундай ҳам бўлган. Омон Мухтор асарида тасвирланганидек, худди ўша машғум воқеадан кейин Навоий дўстининг саройидан узоқлашиб, қабристонда фаррошлик вазифасига ўтиб кетади. Дўстлар орасидаги муносабатни қанчалик кескинлаштирмасин, Ойбек уларни буткул юзкўрмас ёки душман қилиб қўймайди. Худди шу мақсадда у романнинг охири бобида Навоий сафардан қайтаётган шоҳни кутиб олишга чиққанини ва оқибатда миясига қон қуюлиб, ҳалок бўлганини тасвирлайди. Шундай қилиб, Ойбек романнинг деярли бошидан охиригача тарих ва ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолган ҳамда Навоий яшаган замоннинг ўзидан аввал ҳеч ким чизолмаган қўламли манзарасини, шоирнинг бошқа биронта ҳам адиб ярата олмаган кўпқиррали тимсолини ғоятда таъсирчан, ишонарли шаклда гавдалантиришга муваффақ бўлган. Шу йўл билан ёзувчи салафларидан фарқли ҳолда, ўзбек адабиётида биринчи бўлиб романнинг тарихий-биографик шаклини яратган. Аввалги ўзбек романларига нисбатан Ойбек асарида реализм принциплари яққолроқ ва синтезлашган ҳолда намоён бўлган. Шунга кўра асар жанрнинг роман-эпопея шаклига яқинлашган. Агар мазкур асарга боғлиқ тарзда ёки унинг экспозицияси ёхуд давоми сифатида турли вақтларда ёзилган «Навоий», «Навоий ва Гули» дostonлари, «Алишернинг ёшлиги» қиссаси ҳам катта эпик шаклда яратилганида, ўзбек адабиётида ҳам Мухтор Ауэзовнинг «Абай» полотносига ўхшаган роман-эпопея майдонга келиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Мана шу ҳақиқатларни исботлаб, Ойбекнинг асари ўзбек романчилигида олдинга ташланган бир қадам бўлганлигини кўрсатиш ўрнига И. Ёқубов уни салафлари ютуғидан пастга уриб юрибди. Агар Ойбекнинг романи салафлариникидан паст савияда деб баҳоланадиган бўлса, ўзбек адабиётидаги бу жанр эволюцияси, яъни олдинга томон тараққиёти тўғрисида гап сотиш қуруқ сафсатадан бошқа нарса ҳисобланмайди. Албатта, тараққиётда кўтарилиш, пасайиш, юксалиш, яна орқага кетиш сингари босқичлар бўлиши мумкин. Аммо И. Ёқубов қадрини қанчалик ерга уришга интилмасин, Ойбекнинг «Навоий» романи ўзбек адабиётидаги бу жанр тараққиётини камида бир поғона баланд кўтарган асар бўлиб қолаверади.

Жанр тараққиётини ва асосий хусусиятларини нотўғри белгилаганлиги оқибатида И. Ёқубов Ойбек бадиий кашфиётининг

қадр-қийматини асоссиз равишда пастга тушириб юборган бўлса, китобининг кейинги саҳифаларида кўплаб ночор, заиф, нотовон асарларни бир амаллаб, қулоғидан чўзиб, роман унвони доирасига тортишга уринаверган. Чунончи, Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли», Улуғбек ҳамдамнинг «Исён ва итоат» асарлари устида юритилган мулоҳазаларда худди ўшандай зўрма-зўраки чираниш аниқ-равшан сезилади. Иккала асар юзасидан ҳам адабиётшунос менинг мақолаларимдаги танқидий мулоҳазаларни қуруқ рад этиб, уларни нукул кўкларга кўтариб мақташга ва шу йўл билан романдек фахрий унвонга лойиқ қилиб қўйишга интилаверган. Мушоҳадаларининг ҳеч ерида И. Ёқубов ўзига ўзи: «Роман деб эълон қилинган бирор асар шу жанр намунаси ҳисобланмаса ва бошқача унвон билан аталса, катта фожеа рўй берадими ёки у камайиб қоладими?» — қабилидаги савол бериб кўрмаган. Танқидчиликда қайсидир асарнинг роман эмаслиги исботланиши уни камситиш саналмайди, балки жанрини тўғри белгилаш бўлади. Мен «Ишқ аҳли» асари тўла маънодаги роман даражасига кўтарилмаганлигини исботлар эканман, асосан, иккита далил келтирган эдим. Биринчидан, унда роман учун зарур ҳисобланувчи воқеалар ривожини билан руҳий таҳлил мутаносиблиги бузилиб, ўй-туйғулар салмоғи ортиб кетганлигини айтган эдим. Иккинчидан, асар романнинг «ўз» услуби ҳисобланувчи эпик руҳда ёзилмасдан, гоҳ публицистика, гоҳ илмий тадқиқот, баъзан лирик, баъзида сентиментал тасвир унсурлари қориштириб юборилганлигини далил қилиб келтирган эдим. Шундай бўлгандан, яъни жанрнинг азалий табиати, моҳияти сақланмагандан кейин асарни қандай қилиб роман деб ҳисоблаш мумкин? Худди шундай саволларга жавоб қайтариш ўрнига И. Ёқубов мени ёзувчи олдига асоссиз талаблар қўйишда айблаб, «Ишқ аҳли»дан романга хос бўлмаган белгилар қидиради ва ўшалар асосида уни катта эпик жанр намунаси мавқеига кўтаришга ҳаракат қилади. Мана, адабиётшуноснинг ўшандай мушоҳадаларидан бир қисми: «Бугунги кунда сюжет қурилиши қатъий қоидалар билан чекланмаганидек, тасвирланаётган воқеалар динамикаси, санъаткорнинг улар мағзини чақиши муҳим саналмоқда. Ташқи омиллар: ривоянинг хронологик тартибланиши ва воқеаларнинг маконда ўзгариши, характерларни тадрижий кўрсатиш ва изчил мантиқий далиллашга унчалик зарурат сезилмайди. Субъектив омилларнинг кўпайиши шахснинг ички олами, фикр-ўйлари дунёсига эътиборни кучайтирди, асосий диққат унинг қалб диалектикасига қаратилиб, анъанавий тамойилга хос ҳаёт ҳодисаларини замонда сабабий кетма-кетликда жойлаштириш ўрнини муаллиф хотираларида жонланган воқеалар эгаллади» (83-бет).

Демак, И. Ёқубов қандайдир асарни роман деб аташ учун юқорида санаб ўтилган унсурларни зарурий ҳисоблайди. Ҳозир ўша унсурлардан ҳар бирининг аҳамияти устида мулоҳаза юритиб ўтирмаймиз. Фақат улар орасида биттаси, яъни «мангиқий далиллаш» бўлмаса, ҳар қандай асар ишонтириш қудратидан маҳрум бўлишини ва у икки дунёда ҳам роман ҳисобланмаслигини ёки реализм намунаси даражасига кўтарилмаслигини қайд қилиш билан чекланамиз. Санаб ўтилган унсурларнинг бошқаларини эса, повестда ҳам, қиссада ҳам, ҳатто ҳикояда ҳам учратиш мумкин. Демак, уларнинг мавжудлиги «Ишқ аҳли» асарини роман деб ҳисоблаш учун етарли асос бўла олмайди. Унинг роман даражасига кўтарилмаганлигини исботлаш учун менинг «Ижоднинг ўттиз лаҳзаси» номли китобимдаги мақолани қайтадан кўчириб келтириш зарур бўлади. Бунинг ўрнига «Ишқ аҳли»нинг давоми сифатида эълон қилинган «Буюк фаррош» асарининг ҳам роман мавқеига эришмаганлигини исботлаш маъқулроқ кўринади. «Ишқ аҳли» каби у ҳам қандайдир Абулхайр деган рассомнинг эсдаликларидан иборат дафтарлари шаклида тақдим этилган. Дафтарларда эса, асосий эътибор Навоий ҳаётининг сўнгги икки-уч йилидаги баъзи воқеаларни жонлантириш орқали шоирнинг шахсияти, буюк ишлари, мақсадлари, улуғлиги тўғрисидаги ўй-туйғуларни ифодалашга қаратилган. Худди «Ишқ аҳли»даги сингари кейинги дафтарларда ҳам Навоийга алоқадор сюжет чизигининг ҳалқалари орасига Абулхайрнинг оиласи, дўстлари, яқинларига оид унсурлар киритилиб кетилган. Хусусан, «Буюк фаррош»да ўшандай унсурлар сифатида Абулхайрнинг хотини Шахриянинг касалхонага тушиши, тузалиб чиқиши, рассомнинг дўстларидан Одилнинг ўлими ва аёли йиғлаб қолиши ҳақидаги тафсилотларга дуч келамиз. Мен бундай тафсилотлар «Ишқ аҳли»да буткул ортиқча бўлиб қолганлигини ёзган эдим. И. Ёқубов бўлса, ўз китобида уларни «қолипловчи ҳикоя» деб атаб, асарга бир амаллаб елимлаб ёпиштириб қўйишга уринган. Чинакам қолипловчи ҳикоя қандай бўлишини тасаввур қилмоқ учун Л. Н. Толстойнинг «Ҳожимурод» қиссасини эслаш ўринли кўринади. Асар бошида муаллиф йўлда ўзининг ажойиб бир гул кўрганини ҳикоя қилади. Қисса охирларида эса муаллиф Ҳожимуроднинг кесилган, қонга беланган боши ерда ётганлигини ва у худди ўша гулга ўхшашини тасвирлайди. Демак, қиссада гул тўғрисидаги қолипловчи ҳикоя қаҳрамоннинг ўлимини ниҳоятда таъсирчан шаклда кўрсатишга хизмат қилган. Шунга кўра бу воқеа қиссанинг ёки ундаги муайян қисмнинг таъсирчанлигини оширувчи

воситага айланган. Шу сабабли мазкур қолиповчи воқеани қиссадан чиқариб ташлаб бўлмайди. Агар чиқариб ташланса, асарнинг мазмунига, таъсирчанлигига шикаст етади. Худди шунга ўхшаш асардан ажратиб бўлмайдиган қолиповчи ҳикоя машхур «Минг бир кеча эртаклари»да ҳам учрайди. Ундаги Шаҳризода билан эри подшо орасидаги муносабатлар қолиповчи ҳикояни ташкил этади. Ҳикояда Шаҳризода ҳар тунда эрига жуда қизиқарли ва подшо уйқуга кетгунча тугамайдиган эртаklar сўзлайди. Борди-ю эртақ қизиқарли бўлмай, тезда тугаб қолса, подшонинг аввалги хотинлари каби Шаҳризодани ҳам ўлим кутади. Ўлимдан қутилиш учун Шаҳризода ҳар кеча эртагини имкон борича узайтиришга ва қизиқарли қилишга интилаверади. Жон-жаҳди билан шунга интилиши оқибатида минг бир кеча давомида подшони ром қилиб қўювчи эртаklarни бир-бирига улаб кетгандан кейин Шаҳризода ўлим хавфидан қутилади. Агар Шаҳризодага шунча вақт муттасил равишда ўлим хавф солиб турмаганда, унинг эртаклари ҳозир биз билганчалик қизиқарли чиқмаслиги мумкин эди. Демак, бу ерда ҳам қолиповчи ҳикоя асарнинг асосий мазмунига, яъни эртаklar қисмига қизиқарлилик, таъсирчанлик бахш этувчи омилга айланган. Шу туфайли «Минг бир кеча эртакалари»ни мазкур қолиповчи ҳикоясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Омон Мухторнинг иккала асарида эса Абулхайрнинг оиласи ва дўстларига тааллуқли воқеаларни тўлиғича тушириб қолдирилса, мазмунга, Навоийга боғлиқ сюжет чизиғига мутлақо путур етмайди. Демак, улар буткул ортиқча тафсилотлар бўлгани учун қолиповчи ҳикоя ҳисоблана олмайди. Абулхайрнинг яқинлари Навоий ҳақида аҳён-аҳёнда бир-икки оғиз сўз айтиб қўйгани ёки ўйлагани билан улар барибир асарнинг асосий тўқимасига пайвандланмайди ва қолиповчи воқеа мавқеига қўтарилмай қолаверади.

«Буюк фаррош»даги Навоийга боғлиқ унсурлар турли тартибда жойлаштирилганлигидан қатъи назар битта сюжет чизиғи тарзида тизилиши мумкиндек туюлади. Шу жиҳатига кўра асар «Ишқ аҳли»га нисбатан воқеаларга бойроққа ўхшайди. Улар воситасида ёзувчи тадрижий равишда Навоийнинг улуғлигини очиб беришдек эзгу мақсадини рўёбга чиқара боради. Чунончи, дастлабки воқеаларда Навоийнинг туши, отда кетаётганлиги билан танишар эканмиз, унинг ўз умри мақсади — ҳажга бориш режасини тузаётганлигининг жонли гувоҳи бўламиз. Навбатдаги воқеалар Мўмин Мирзонинг ўлимидан кейин ораларига совуқлик тушган бўлса-да, Хусайн Бойқаро билан Навоий орасидаги муносабатлар буткул

ушлмаганлигини ҳис этишимизга имкон беради. Фақат улар орасидаги учрашувда ўша совуқлик кучини йўқотмаганлиги равшанроқ сезилади, чунки Навоий шоҳдан узоқроқ бўлиш истагини очиқ маълум қилиб, ўзини Ансорий қабристонига жорубкаш, яъни фаррош этиб тайинлашни сўрайди. Шу тарзда муаллиф 1498 йилдаги тарихий ҳақиқатни буюк шоир ҳаётида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ўзгариш бўлганлигини, яъни бир вақтлар давлат вазири лавозимини билаллаган арбоб қабристон жорубкашлиги вазифасини ихтиёр қилишидек қийин руҳий жараённи юзага чиқаради. Жорубкашлик гимсоли муаллиф учун Навоийнинг бу вазифани қандай бажарганлигини кўрсатишдан кўра унинг воситасида улуг шоир ҳақидаги ўзининг эзгу ва юксак гояларини баён қилиш учун зарурроқ ҳисобланади. Навоийнинг қабристон жорубкашига айланганлигини кўрсатишдек бадий восита ёрдамида унинг аслда бутун инсоният онгини, руҳини, борлигини покловчи фаррош даражасига кўтарилганлигига алоҳида урғу берилади. Мазкур энг эзгу гоясини муаллиф аниқроқ англатиш учун Навоийнинг куйидаги машҳур мисраларини келтиради:

*Олам аҳли, билингизким,
Иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки,
Ёрлиғ иш.*

Агар «Буюк фаррош»нинг жанри қисса деб белгиланганда, Навоийнинг жорубкашлигини кўрсатиш учун келтирилган юқоридаги тафсилотлар етарли бўлиши ҳам мумкин эди. Асар роман сифатида эълон қилингани учун китобхон Навоийнинг фаррошликка тайинлангани тўғрисидаги маълумот билан танишгандан кейин унинг шу вазифада қандай ишлаганлигини намоён этувчи манзаралар чизилишини кутади. Афсуски, ёзувчи Навоийнинг супурги ҳақидаги ўйларига бир-икки ишора билан чекланган ҳолда, ақалли шоирнинг бир кунлик фаррошлик хизмати қандай ўтганлигини ҳаяжонли ва қизиқарли лавҳаларда, чекинишларда гавдалантириб бермайди. Агар асар ўшандай лавҳалар билан бойитилганда, у яна битта сюжет чизиги ҳисобига тўлдирилиши ва шоирнинг фавқулудда фаолияти «асирга татиғулик кун» қабилида талқин қилинишига йўл очилиши ҳеч гап эмас эди. Қисқаси, Навоийнинг жорубкашлиги тасвирида асар сюжет чизиқларини кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин бўлган дастлабки имконият қўлдан бой берилган. Иккинчи имконият

эса, Навоийнинг инсониятни тозартириш йўлидаги навбатдаги хизмати, яъни Ҳиротдаги ўғриликка, талончиликка қарши кураши тасвирида қўлдан чиқарилган. Асарда Навоийнинг умри охиридаги энг олийжаноб хизматларидан бири сифатида унинг Ҳиротдаги болалар ўғирлигини тугатгани тўғрисидаги яна бир тарихий факт эса олинади. Ҳиротда ўсмирлар ўғирлигига, талончилигига қарши чора тополмаган Ҳусайн Бойқаро пировардда бу ишга Навоийни жалб қилишга мажбур бўлади. Кўпчиликка номаълум бу факт билан танишган китобхон Навоийнинг ўғриларга қарши курашининг ранг-баранг манзараларини, хусусан, болалар билан юзма-юз тўқнашувларини, ота-оналари, яқинлари, ҳамтовоқлари, устозлари билан суҳбатлари, талончиликни тугатиш учун ўйлаб топган чора-ю тадбирлари сингари қизиқарли тафсилотлар келишини кутади. Ундай манзараларни деярли истаганча, яъни хаёл парвозига эрк берган ҳолда яратилган бадиий тўқималар ҳисобига кўпайтириш мумкин эди. Балки улар ҳам ўзаро чаптишиб, учинчи сюжет чизигини ташкил этса ажаб эмас эди. Балки ўшанда «Буюк фаррош» кўплаб сюжет чизиқларидан иборат асарга, яъни романга айланиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. «Ишқ аҳли»га нисбатан воқеалари кўпроқ бўлгани учун «Буюк фаррош» асарини ёзувчининг роман яратиш сари олға ташлаган бир қадами деса бўлади. Фақат у якка сюжет чизигидангина иборат бўлиб қолгани учун ҳали тўлақонли роман даражасига кўтарилмаганлигини ҳам адолат юзасидан эътироф этиш тўғри бўлади. Сюжетни бойитувчи манзаралар камлиги учун Навоийнинг ўғриликка қарши курашдаги ғалабаси маълум бўлади-ю, унинг бошқа ҳеч ким эришолмаган бундай ютуқни қандай қўлга киритганлиги қоронғилигича қолаверади. Демак, тарихий фактнинг қайд қилиниши билан чекланмай, унинг ифодаси ҳаяжонли манзаралар ҳисобига бойитилганда, муаллифнинг ғоявий мақсади ёрқинроқ юзага чиққан ва асарда романга хос қўламли тафаккур шаклланган бўлур эди. Демак, «Ишқ аҳли»ни ҳам, «Буюк фаррош»ни ҳам қулоғидан чўзиб, роман доирасига тортиш зўрма-зўракиликдан, ўзбошимчаликдан бошқа нарса ҳисобланмайди.

Худди шундай зўрма-зўракилик, яъни йўқни бор қилиб тақдим этишга уриниш И. Ёқубов китобида Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» асари устида юритилган мушоҳадаларда янада яққол сезилади. Ўша мушоҳадаларида адабиётшунос жанр хусусиятлари у ёқда турсин, ҳатто бадиийлик мавжудлиги шубҳали бўлган асарни сира иккиланмай, «роман» деб эълон қилиб юбораверган. Мана, ўша хукм: «Исён ва итоат»... илм ва амалнинг теран ихлос асосига

қурилиши лозимлиги, Аллоҳ билан руҳий мулоқотда бўлишдан келадиган кўнгилдаги фароғат, «олий низом»га итоат ҳақидаги фалсафий-психологик романдир» (118-бет).

Бу қатъий хулосанинг тўғри ё нотўғри эканлигини аниқламоқ учун «Исён ва итоат» асарининг моҳиятини белгилловчи айрим қирраларини қисқача эслаб ўтиш зарур бўлади. Унда иштирок этувчилар кескин равишда икки қутбга ёки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга кирувчи персонажлар деярли ҳеч қачон ҳаётда қабул қилинган тартибларни, ахлоқ нормаларини ёки диний қоидаларни бузмай яшаган бўлиб, шу итоаткорликлари эвазига фаровонликка, бахт-саодатга эришганлар. Иккинчи гуруҳни ташкил этувчилар эса ҳаётларининг қайсидир лаҳзасида ўша тартиблар-у қоидалардан четга чиққанлар ва шунинг оқибатида муқаррар равишда бахтсизликка ёки фожеага учраганлар. Ёзувчи, албатта, биринчи гуруҳдагиларнинг деярли барча хатти-ҳаракатларини маъқуллаб, тасдиқлаб боради. У ўз ғоясини тасдиқлаш учун ҳар бир персонаж ҳаётидан мисоллар, намуналар келтириб, уларнинг мавжуд қоидаларга мос ёки номувофиқлигини изоҳлаб, шарҳлаб боради, лекин ўша ҳодисаларнинг ўзаро чатишуви тўғрисида сира қайғурмайди. Натижада, асардаги персонажлардан биронтасига боғлиқ воқеалар тизимини тушириб қолдирилса, ҳеч нарса ўзгармайдигандек вазият туғилади. Олдиндан ўйланган, яъни схематик ғояни яккам-дуккам мисоллар ёрдамида шарҳлаб беришга асосланган тасвир усули иллюстративлик дейилади. Образлилик ўрнини иллюстративлик эгаллаган чоғда романнинг жанр хусусиятлари у ёқда турсин, ҳатто бадиийлик аломатлари мавжудлиги тўғрисида гапириш ҳам амри маҳол ҳисобланади. Иллюстративлик йўли билан бўлса-да, кишиларни, халқни нуқул исёндан тийилишга, қўйдан ҳам ювош ва итоаткор бўлишга, яъни манқуртликка чақираётган ёзувчилар-у адабиётшунослар кимларга зулм пичоғини қайраб бераётганликларини билармиканлар?

Шу тариқа Ислом Ёқубов китобида аксарият асарлар нотўғри талқин этилиши оқибатида улардан чиқарилган хулосаларнинг кўпчилиги ҳам шубҳали бўлиб қолган. Хусусан, ўшандай талқин оқибатида сўнги йиллардаги ўзбек романчилиги тараққиёти кескин сусайганлигини исботлаш ўрнига у ҳақда кўтаринки умумлашмалар чиқарилаверган. Улар орасида реалистик романларга нисбатан нореалистик изланишлар натижасида юзага келган ночор машқлар устун қўйилганлиги, айниқса, шубҳали туюлади. Масалан, ўша изланишлар юзасидан И. Ёқубов китобида қуйидагича хулоса

чиқарилган: «Айниқса, нореалистик изланишлар романларимизнинг ифода тарзини, мазмун-мундарижасини, шакл-шамойилини бениҳоя кенгайтирди» (161-бет).

Ушбу сўзлари билан адабиётшунос ҳозирги ўзбек романчилигидаги реалистик йўналишнинг муваффақиятларини пасайтириброқ кўрсатмоқчи бўлади. Аслида бунинг аксини тасдиқлаш ўринли кўринади, чунки юқоридаги мисоллардан аён бўлганидек, ҳозирги ўзбек адабиётида нореалистик изланишларнинг ночор самаралари болалаб кетгани ҳолда, реализм соҳасида битта бўлса-да жиддий ютуққа, яъни ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Осий банда» романи мисолида жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан беллаша оладиган асар яратилишига эришилди. Мазкур роман реалистик методнинг қудрати, имкониятлари чексизлигини яна бир карра исботлади.

Демак, энг сўнги хулосасигача шубҳалилиги Ислом Ёқубовнинг «Ўзбек романи тадрижи» номли китоби замонавийдек, янгидек туюлувчи илмий атамаларга, хорижий сўзларга, мураккаб, мавҳум жумлаларга тўлиб кетганига қарамай, моҳият эътибори билан мағзи пуч рисола бўлиб чиққан. Шу хулоса устида ўйлар эканман, негадир хаёлимда яна сурати улуғ, сийрати бузук аёл фожеаси жонланаверди.

ТАНҚИДЧИЛИГИМИЗНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Айни пишиқчилик чоғлари полизларимиз-у далаларни, бозорлар-у дўконларни, хиёбон-у майдонларни, ҳовлилар-у уйларни жуда хушбўй қовун ҳиди тутиб кетади. Бунинг сабаби шундаки, пишиқчилик кезлари қишлоқлардан шаҳарларга сон-саноксиз вагонлар, машиналар-у араваларда янги узилган қовунлар ташилади. Киши димоғини маст қилувчи қовунлар ташиш вақтида бир-бирига урилади, ерга тушириб юборилади ёки ҳар хил ҳашаротлар хуружига учрайди. Натижада қовунларга турли-туман заха етади. Агар заха кичик бўлса, уни кесиб ташлаб, қолган қовунни бемалол истеъмол қилаверса бўлади. Баъзида ҳашаротлар талаган қовунлар шу қадар шикастланадики, бундай заха оқибатида унинг бутун танасига заҳар югуради ва мутлақо тановул қилиб бўлмайдиган ҳолга келади. Адабиётшунос Б.Раҳмоновнинг “Ўзбек адабий танқидчилиги” номли қўлланмаси (Т., “Янги аср авлоди”, 2004) билан танишар эканман, негадир хаёлимда ҳар хил кўринишдаги қовун захалари жонланаверди.

Ҳатто китобдаги энг оддий камчиликлар, яъни имло хатоларини эсласак ҳам қовун захалари нечоғлик фарқланишини, баъзилари деярли бешикаст бўлишини, бошқалари эса маънога фавқулудда зарар етказиши мумкинлигини яққол пайқаш имкони туғилади. Масалан, китобнинг бир ерида “Абдулла қаҳҳор” дейилганда, иккинчи сўз кичик ҳарфда ёзилганини деярли безарар заха ҳисобласа бўлади, чунки унинг натижасида маънога сезиларли путур етмайди. Бироқ қўлланманинг 209-бетида шундай имло хатога йўл қўйилганки, унинг оқибатида гўё қовуннинг бутун танасига заҳар тарқаб кетгандек туюлади. Муаллиф мазкур саҳифада танқидчи Озод Шарафиддиновнинг эндиликда Ҳамза ижодини буткул бошқача талқин қилиш зарурлиги тўғрисидаги ниҳоятда муҳим ва мазмундор мақоласини тилга олади ҳамда уни “Истиқлол қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” деб атайди. Кўринадики, бу ерда “истибдод” сўзи ўрнига “истиқлол” деб ёзилиши оқибатида мақола сарлавҳаси бутунлай сохталаштириб юборилган. Натижада гўё оддийдек кўринувчи имло хатоси қўлланманинг ўта бепарволик билан тайёрланганлигини кўрсатувчи, танқидчи ижодига ҳурматсизларча унинг мақсадини бузиб ёритувчи ва қуруқ тухмат ифодаси ҳисобланувчи далилга айланади.

Худди шунингдек, китобда деярли ҳаммага, аниқроғи, адабиёт аҳлига маълум фактларнинг мутлақо нотўғри келтирилгани ҳам қўлланма жуда шошма-шошарлик билан ёзилганлигидан далолат беради. Чунончи, урушдан кейин қабул қилинган бир машъум қарор қўлланмада “Звезда” ва “Октябрь” журналлари тўғрисида” деб аталади. Аслида қарор “Звезда” ва “Ленинград” журналлари тўғрисида” деб номланган “Ленинград” сўзи ўрнига “Октябрь” деб ёзилганини кўрган китобхон аввалига уни бир имло ёки фактик хато деб ўйлайди. Кейинчалик эса ҳамма ерда “Ленинград” ўрнига “Октябрь” деб ёзилганини учратган ўқувчи муаллифнинг онгли равишда шундай қилганлигига, аниқроғи, машҳур ва адабиёт тараққиёти учун машъум қарор ҳақида гапиргани ҳолда, ўзи ундан беҳабарлигига иқрор бўлади. Шундай ачинарли хатолар жумласига Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмаси Комил Яшин томонидан қайта ишланиш вақти, санасига оид нотўғри далилларни ҳам киритиш мумкин. Хусусан, Б.Раҳмонов бу ҳақида шундай деб ёзади: “Сохтакорликда шу даражага бориб етилдики, 1949 йилда қайта тикланган “Бой ила хизматчи”ни социалистик реализмнинг адабиётимиздаги илк ва мумтоз намунаси сифатида тақдим этилди” (93-бет).

Деярли ҳар бир ўзбек адабиёти мутахассисига жуда яхши маълумки, “Бой ила хизматчи” драмаси Комил Яшин томонидан 1939 йилда, яъни Ҳамзанинг ярим асрлик юбилеи нишонланган пайтда қайта ишланган ва асарнинг тикланиш жараёни қандай кечгани ҳақида ўша йилнинг ўзида мақола эълон қилинган. Гуё арзимасдек кўринувчи бундай имло хатолари устида тўхтаб ўтирмаслик ҳам мумкин эди, лекин бунинг иложи йўқдир, чунки шу хилдаги фактик ёки орфографик нуқсонлар ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг талабаларга мўлжалланган қўлланмада учраши ножоиз ҳисобланади. Улар муаллифнинг бепарволигини кўрсатишдан ташқари бўлажак адабиёт мутахассисларининг бадиий ижоддаги турли-туман масалалар юзасидан ҳаққоний тасаввур олишига ҳалақит беради.

Майли, қовун сиртидаги юқоридаги каби юзакироқ захалар устидаги мулоҳазаларни шу ерда тўхтатиб, қўлланма муаллифи асосий мақсадига, яъни адабий танқид назарияси ва тарихидан мухтасар маълумот беришдек ниятига қай даражада эришганлиги масаласи таҳлилига ўтайлик. Назарияга оид мулоҳазаларини муаллиф, албатта, танқидга таъриф беришдан бошлайди. У анча илгари чиққан, ҳозирда эскириб қолган китобларга таяниб, адабий танқиднинг қуйидаги таърифини тақдим этади: “Танқид” сўзининг истилоҳий маъносини “асарнинг мазмун-моҳиятини очиш, ғоявий-бадиий қимматини белгилаш, ютуқ ва камчиликларини холис кўрсатган ҳолда баҳо бериш мақсадида муҳокама қилмоқ” тарзида тушунилгани тўғрироқ бўлади” (4-бет).

Таъриф бирмунча жимжимадорроқ кўринса-да, уни буткул хато дейиш мумкин эмас. Фақат у адабиётшуносликдаги энг сўнгги замонавий таърифдан анча содда ва ибтидоий эканлиги билан фарқланади. Танқидчиликка берилаётган энг замонавий таъриф эса қуйидагича жаранглайди: “Танқид бадиий адабиётни таҳлил қилиш воситасидир”. Агар таҳлил – асарнинг ғоявий-бадиий қимматини белгилаш эканлиги ҳисобга олинса, Б.Раҳмонов келтирган таъриф ҳақиқатдан унча йироқ эмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Фақат бу таъриф унинг қўлланмаси замонавий адабиётшуносликнинг энг сўнгги ютуқларидан бироз орқада қолган қарашлар, тажрибалар асосида ёзилганлигидан гувоҳлик беради.

Замонавийликдан йироқлик қўлланмада, айниқса, адабий танқиднинг текшириш манбалари ва асосий хусусиятларини белгилашда кўпроқ сезилади. Мана, Б.Раҳмоновнинг улар хусусидаги фикрлари: “Адабий танқиднинг ўрганиш объекти адабий-бадиий

асар бўлгани учун ҳам у бошқа илм соҳаларидаги сингари аниқлик, тугал исботланганлик даъвосини қилолмайди” (6-бет).

Кучирмада адабий танқиднинг ўрганиш манбалари доираси жуда чекланиб, торайтириб қўйилган ва асосий хусусиятларидан бирининг моҳияти нотўғри ёритилган. Бундай талқинлар адабий танқид юзасидан 1972 йилдан кейин нашр этилган сон-саноқсиз китоблардан, илмий асарлардан беҳабарликнинг оқибати ҳисобланади, чунки уларда, хусусан, В.И.Баранов, А.Г.Бочаров, Ю.И.Суровцевларнинг “Адабий-бадий танқид” номли ўқув қўлланмаларида (М., “Высшая школа”, 1982) мазкур соҳанинг ўрганиш манбалари қаторига фақат битта эмас, балки учта унсур, яъни бадий асар, алоҳида ёзувчи ижоди ва замонавий адабий жараён кириши аниқ-равшан қилиб ёзиб қўйилган. Иккинчидан, юқоридаги кучирмада танқидчилик “бошқа илм соҳаларидаги сингари аниқлик, тугал исботланганлик даъвосини қилолмайди”, - дейилиши жуда кулгили мулоҳаза бўлиб, ушбу тармоқ табиатини, моҳиятини буткул нотўғри тушунтириш ҳисобланади.

Азалдан маълумки, танқидчилик фан билан бадий ижод орасидаги ва иккаласининг асосий хусусиятларини мужассамлаштирган ўзига хос соҳа саналади. Шунга кўра танқидчиликда адабиётшуносликнинг силлогизмлар ва темир мантиқ асосида фикр юритиш, барча кузатиш-у хулосаларни ишонарли даражада исботланган ҳолда ифодалашдек етакчи белгиси тулиқ сақланиб қолади. Танқидчиликнинг адабиётшуносликдан асосий фарқи томони шундаки, унда аксарият мушоҳада-ю умумлашмалар худди бадий ижодга хос образли тафаккур воситасида юзага чиқарилади. Образлилик адабиётшуносликда ҳам учраши мумкин, лекин танқидчиликдаги каби шарт ҳисобланмайди. Образлилик танқидчилик асарларига таъсирчанлик, жозибадорлик ва гўзаллик бахш этади. Худди шу фазилатлари танқидчиликдаги қарашлар-у фикрларнинг исботига ишонарлилик, ҳаққонийлик, аниқлик ато этади. Агар танқидчилик асарларида исбот ёки аниқлик бўлмаса, уларга ҳеч ким ишонмайди ва биронтасининг кераги йўқ саналади. Аниқликсиз ва исботсиз танқидий асар бўлиши мумкин эмаслигига қўлланмада Б.Раҳмоновнинг ўзи ҳам жуда кўп мисол келтирган. Фақат у “исбот” сўзи ўрнига бошқачароқ атамаларни ишлатган. Масалан, муаллиф китобнинг 105-бетида шундай деб ёзади: “М.Қўшжоновнинг ёзувчи И.Раҳимга ёзган “Давр талаби ва ижод масъулияти” номли очиқ хатида “Одам қандай тобланди” романининг заиф томонлари муфассал, далиллаб кўрсатиб берилди”.

Кўрамизки, кўчирмада “тугал исботлаб” сўзлари ўрнига “муфассал далиллаб” жумласи қўлланган. Чиндан ҳам М.Кўшжоновнинг очиқ хатида “Одам қандай тобланди” романининг мутлақо яроқсиз асар эканлиги шубҳа қолдирмайдиган даражада, яъни тугал ва аниқ исботлаб берилган. Демак, танқидчилик “аниқлик, тугал исботланганлик даъвосини қилолмайди”, - қабилдаги қараш мазкур соҳанинг табиатини, тажрибасини етарлича эътиборга олмасдан, чуқур ўйланмай чиқарилган асоссиз кескин ҳукм ҳисобланади.

Танқидчиликнинг асосий хусусиятлари ва текшириш манбалари нотўғри белгиланиши оқибатида қўлланмада бу соҳанинг жанрлари, ҳатто таянч жанрлари юзасидан ҳам юзаки, яъни тўлиқ бўлмаган маълумот берилган. Танқидчилик жанрлари таснифига ўтар экан, Б.Раҳмонов шундай деб ёзади: “Адабий-танқидий жанрлар ҳали назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам етарлича фарқланган эмас, эҳтимол, бунга унчалик зарурат ҳам йўқдир” (10-бет).

Бу қатъий хулоса ҳам танқидчиликка оид энг сўнгги китоблар у ёқда турсин, анча илгари эълон қилинган асарлардан ҳам беҳабарликнинг асорати ҳисобланади. Агар муаллиф улар билан танишганида, Л.П.Гроссман деган адабиётшунос 1925 йилдаёқ танқидчиликнинг қуйидаги 17 хил жанр кўринишини санаб ва шарҳлаб берганининг гувоҳи булар эди: адабий портрет, фалсафий тажриба (эссе), импрессионистик этюд, мақола-рисола, публицистик ёки ташвиқий танқид (мақола-шарҳ), танқидий фелъетон, адабий шарҳ, тақриз, танқидий ҳикоя, адабий мактуб, танқидий диалог, пародия, ёзувчига памфлет, адабий параллель, академик мулоҳаза, танқидий монография, мақола-гlossa. Ҳозирги пайтда санаб ўтилганлар қаторида танқидчилик жанрларининг яна кўплаб ўзига хос шакллари, кўринишлари аниқланган. Уларнинг ҳеч бири инкор этилмагани ёки камситилмагани ҳолда, танқидчиликда уч хил кўринишдаги асарлар, яъни тақриз, адабий портрет ва мақола таянч жанрлар ҳисобланиши исботланган. Б.Раҳмонов бўлса, жуда кўп жанрларни санагани ҳолда, адабий портретни тилга ҳам олмагани кишида таажжуб уйғотади. Портретнинг моҳияти, ўзига хос томонлари ва аҳамияти очилмагани сабабли қўлланмадаги танқидчилик жанрларига тааллуқли маълумотлар саёз ва кемтик бўлиб қолган. Демак, танқидчилик жанрлари юзасидан муаллифнинг ўзи ўта чекланган билимга эгалиги оқибатида қўлланмада уларнинг “назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам етарлича фарқланган эмас”лиги ҳақидаги ўринсиз хулоса илгари сурилганки, буни камида санамай, саккиз дейишдан ўзга нарса деб атаб бўлмайди.

Фикрий маҳдудлик, айниқса, танқидчилик жанрларининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда муаллифни кулгили саволлар бўронига гирифтор қилиб қўйган. Кўп ҳолларда у жиддий ўйлаб ўтирмай, танқидчилик жанрларининг деярли барчасига хос бўлган хусусиятларни уларнинг фақат биттасигагина тааллуқли деб эълон қилиб юбораверган. Масалан, тақризнинг ўзига хос томони тўғрисида муаллиф шундай деб ёзади: “Тақриз холислик билан, биринчи галда адабиётнинг фойдасини кўзлаган ҳолда ёзилиши керак” (11-бет).

Бу сўзларни ўқиган талаба онгида дарҳол: “Хўш, ундай бўлса, портрет ёки мақола нохолислик билан, адабиётнинг зарарини кўзлаган ҳолда ёзиладими?” — деган қонуний савол туғилади. Хаёлан саволига жавоб излаган ўқувчи тафаккурида ўша оннинг ўзида: “Бу сўзлар қип-қизил ёлғондир, чунки холислик ва адабиётнинг фойдасини кўзлаш танқидчиликнинг барча жанрларига хос бўлган муштарак фазилатдир”, - деган хулоса шаклланади. Китобни ўқишда давом этар экан, талаба кейинроқ янада кўпроқ саволлар уйғотадиган куйидаги жумлага дуч келади: “Проблематик мақолаларда илмий изчиллик, илмий тафаккур ва илмий услубнинг устуворлиги кузатилади” (13-бет).

Бу матн билан танишган талаба муаллифга биринчи навбатда хаёлан шундай савол беради: “Сиз илмий услуб устуворлиги тўғрисида гапиргансиз. Лекин ўзингиз ўша услуб қандай бўлишини биласизми? Балки билганингизда бир жумлада “илмий” сўзини уч марта ишлатиб, услубингизни ўта гализлаштириб юбормаган бўлармидингиз?”

Иккинчидан, ўқувчи оддий мантиқ тақозосидан келиб чиқиб: “Чучварани хом санабсиз, илмий изчиллик, тафаккур ва услуб проблематик мақолада қанчалик устувор бўлса, тақриз-у портретда ҳам шунчалик мавқега эгадир”, - дея ҳаққоний баҳсга киришади. Худди шунингдек, қўлланмадаги: “Суҳбатнинг ўзига хос устунлик жиҳати шундаки, унда қатор масалалар юзасидан қарашни эксклюзив тарзда ифодалаш имкони мавжуд... Адабий-танқидий баҳслар, очиқ хат орқали ёзишмалар адабий жараённи жонлаштиришга хизмат қилиши, янги фикр-хулосаларга туртки бериши жиҳатидан қимматлидир” (13-14-бетлар), - деган мулоҳазалари ҳам бир-икки савол билан жуда осон инкор қилинадиган ҳукмлар жумласига киради, чунки Б.Раҳмонов санаган белгилар фақатгина суҳбатга, баҳсга ёки очиқ хатга тегишли бўлмай, балки танқидчиликдаги деярли барча жанрлар учун муштарак ҳисобланади.

Қўлланманинг ўзбек адабий танқидчилиги тарихига ва айниқса, уни даврлаштириш масаласига оид бўлими китобнинг буткул эскича қарашлар-у тамойиллар асосида ёзилганлигидан гувоҳлик беради. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун Б.Раҳмонов ўзбек адабий танқидчилиги тарихини қайси принциплар асосида ва қандай даврлаштирганини эсга олиш ўринли бўлади. Аввало, у ўзбек адабий танқидчилигининг бутун тараққиёт йўлини учга, яъни “жадидчилик даври”, “шўро даври” ва ҳозирги йиллар сингари катта босқичларга бўлиб олган. Кейин у шўро даври танқидчилиги тарихини 20-йиллар, 30-йиллар, уруш даври, ундан сўнгги давр, 1956 ҳамда 1972 йилдан кейинги босқичлар тарзида яна кичик-кичик этапларга тақсимлаган. Натижада яна илгаригидек жамият тарихининг босқичларига деярли тўлиғича мос келадиган даврлаштириш юзага чиққан. Демак, муаллиф адабиётимиз тарихига оид эски китоблардаги каби танқидчиликнинг тараққиёт йўлини даврлаштиришда, асосан, битта принципга, яъни жамият ривожини хусусиятларини кўпроқ инобатга олиш тамойилига амал қилган. Албатта, танқидчилик тараққиётини жамият ривожидан ажратилган ҳолда тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Шу маънода Б.Раҳмоновнинг тугган йўлини, яъни танқидчилик тарихини жамият тараққиёти билан боғлиқликда даврлаштириш принципини буткул ўринсиз деб бўлмайди. Фақат эндиликда бу йўлнинг маълум даражада бирёқлама эканлиги аён бўлиб қолди. Мазкур тамойилга ҳаддан ортиқ берилиш оқибатида танқидчилик тарихини даврлаштиришда яна муҳим икки принципга риоя қилиш зарурлиги эътибордан четда қолдирилган эди. Уларнинг биринчиси адабиёт ривожининг ўзига хослигини кўзда тутиш бўлса, иккинчиси танқидчиликнинг ички тараққиёт қонуниятларини инобатга олиш тамойили ҳисобланади. Мана шу икки принципга деярли риоя қилинмаганлиги сабабли Б.Раҳмонов китобида тақдим этилган даврлаштириш анча бирёқламадек ва эскидек таассурот қолдиради. Даврлаштириш шундай бўлиб чиқишига ҳам адабиётшунослик фанининг энг сўнгги янгиликларидан беҳабарлик ёки уларга менсимай қараш касали ўз муҳрини босган. Сўнгги йилларда ўзбек танқидчилиги муаммолари бўйича бир нечта докторлик диссертацияси ёқланди ва уларда мазкур соҳа тарихини даврлаштириш юзасидан ҳар хил янги таклифлар ўртага ташланди. Афсуски, ўзбек танқидчилиги тарихини даврлаштирар экан, Б.Раҳмонов ўша таклифларнинг биронтасидан ҳам беҳабардек иш тутади. Ўз-ўзидан савол туғилади: катта-катта диссертациялар ёзилса-ю дарслик ёки қўлланмалар тайёрлашда улардаги таклифу хулосалардан ҳеч ким фойдаланмаса, яъни амалиётга тадбиқ этмаса,

бундай тадқиқотлар яратишнинг нима ҳожати бор? Тўғри, “Синчалак” повестининг талқини муносабати билан Б.Раҳмонов қўлланмада ўшандай ишлардан менинг “Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид” мавзуидаги докторлик диссертациямни тилга олиб ўтган. Қизиғи шундаки, у диссертациядаги “Синчалак” повестига оид саҳифалар билан танишгани ҳолда, ўзбек танқидчилиги тарихини даврлаштиришдек мураккаб муаммога оид таклифларга мутлақо эътибор бермаган. Ўша диссертацияда муайян ёзувчи ижодининг ўрганилиш тарихини ёки танқидчилик тараққиётини даврлаштиришда уларнинг ички ривожланиш қонуниятлари орасида бадиий асар таҳлилидаги тадрижий ўзгаришлар энг муҳим ўрин тутиши ва асосий эътибор худди шу жараёнга қаратилиши зарурлиги исботланган эди. Гарчанд, адабий танқиднинг асосий вазифаси бадиий асар таҳлилдан иборат экан, унинг тарихини даврлаштиришда шу санъат тадрижидаги ўзгаришларни, қонуниятларни ҳисобга олиш принципи муқаррар равишда етакчи тамойилга айланади. Шунга қарамай, Б.Раҳмонов қўлланмасида бадиий асар таҳлили моҳияти, асосий хусусиятлари, йўллари, мезонлари, усуллари ва методлари тўғрисида маълумот берилмаган. Таҳлил тўғрисида атрофлича билимга эга бўлмай туриб, адабий танқид тарихини даврлаштириш ҳам, талабалар томонидан унинг англаб етилиши ҳам амри маҳол кўринади.

Таҳлилнинг тадрижий ўзгариб бориш қонуниятидан келиб чиқиб, мен ўз диссертациямда Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш тарихини қуйидаги тўрт bosқичга бўлиш мумкинлигини исботлаган эдим ва унинг тўғрилиги академик М.Қўшжонов томонидан тасдиқланган эди:

1. Қаҳҳоршуносликнинг шаклланиш bosқичи (1934-1957 йиллар).
2. Таҳлил кўламининг кенгайиши даври (1957-1967 йиллар).
3. Умумлашмалар томон бурилиш палласи (1967-1987 йиллар).
4. Талқинларнинг янгиланиш bosқичи (1987 йилдан ҳозирги кунларгача ўтган муддат).

Диссертациямда мен бу bosқичларнинг деярли барчасини ХХ асрдаги аксарият ўзбек ёзувчилари ижодини ўрганиш тарихида кузатиш мумкинлигини ва саналари фарқланишини алоҳида таъкидлаган эдим. Энди ўша мулоҳазаларни давом эттириб, Б.Раҳмонов қўлланмаси баҳонасида ўзбек адабий танқидчилиги тарихини қуйидаги тарзда янгича даврлаштириш ҳақидаги таклифни ўртага ташлаш ўринли бўлади деб ўйлайман:

1. Ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланиш даври (1914-1932 йиллар). Ўзбек танқидчилигининг ибтидосини Б.Раҳмонов ўз

қўлланмасида Ашурали Зоҳирийнинг “Она тили” номли мақоласига олиб бориб боғлагандек туюлади. Ўз фикрини исботлаш учун у бундай деб ёзади: “Ашурали Зоҳирийнинг “Она тили” номли мақоласида “адабиёт” сўзига илк бор янги таъриф берилди, унинг ҳозирги кўплаб тилларда қўлланувчи кенг маъноси изоҳланди” (24-бет).

Аслда диққатга сазовор ёки янги фикрлари бўлгани билан Ашурали Зоҳирийнинг мақоласида биронта ҳам охори тўқилмаган образли жумла йўқ эди. Шунга кўра уни танқидчилик намунаси эмас, балки соф адабиётшунослик ёки тилшунослик мақоласи сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади. Б.Раҳмонов қўлланмасидан фарқли ҳолда 1987 йилда нашр этилган икки жилдлик “Ўзбек адабий танқиди тарихи” номли китобда бу соҳанинг она тилимиздаги энг биринчи намунаси сифатида исми шарифи номаълум муаллифнинг “Танқид – сараламоқдур” сарлавҳали мақоласи кўрсатилган. Кейинчалик бу мақола Беҳбудий қаламига мансуб эканлиги аниқланди. “Ойна” журналининг 1913 йил 32-сонида босилган бу мақолада илк бор ўзбек тилида танқидчиликка илмий таъриф беришга уриниш кўзга ташланган эди. Унда танқидчилик моҳиятининг айрим қирраларини тўғри идрок этишга имкон берувчи қуйидаги таъриф илгари сурилган эди: “Ўқилган китобларни маънан тафтиш этиб, ундаги нуқсонларни баён этмак танқиддур, таарруз ва душманлик эмас. Бизни Туркистонда янги мактаблар анча бордур, янги рисолалар хийла босилиб турибдур, жаридаларда мақола ва ашъорлар ўқилиб турубдур, аммо ҳануз танқид даврига етушганимиз йўқ”.

Фақат бу мақолада ҳам ўртага ташланган фикрларни образли ифодалашга интилиш сезилмас ва адабиётшунослик намуналарига хос унсурлар устунлик қилар эди. Балки ўз мақоласининг шу хусусиятларини пайқаган бўлса керак, Беҳбудий уни камтарлик билан танқидчилик асари деб эълон қилмайди. Шу соҳа ҳақида мақола ёзгани ҳолда, муаллиф катта жасорат билан “танқид даврига етушганимиз йўқ”, - деб эътироф этади. Демак, муаллиф ўз мақоласини тўла маънодаги ўзбек адабий танқидчилиги яратилиши йўлидаги изланишларнинг, машқларнинг бир кўриниши деб ҳисоблаган. Шуларни инобатга олиб, мен ўз диссертациям ҳимоясида ўзбек адабий танқидчилиги тарихини Чўлпоннинг “Адабиёт надур?” номли гўзал мақоласидан бошлашни таклиф этган ва бунинг учун иккита асос келтирган эдим. Биринчидан, Чўлпоннинг мақоласи (“Садойи Туркистон”, 1914 йил 3 июнь) Беҳбудий ва Ашурали Зоҳирийникидан (“Садойи Фарғона”, 1914 йил 13 апрель) кейинроқ босилган бўлса-да, унда асосий эътибор “адабиёт” атамасининг луғовий

маъносигагина эмас, балки сўз санъатининг умуминсоний ва миллий қадр-қийматини нафис шаклда очиб беришга қаратилган эди. Бадий адабиётнинг моҳиятини ҳайратда қоларлик даражада теран ва аниқ очиб берганлиги сабабли бу мақола танқидчиликда ўзлигини ёки бош вазифасини англаш жараёни бошланганлигидан далолат ҳисобланар эди. Чўлпон мақоласида бадий адабиётнинг моҳияти ва аҳамияти қанчалик теран талқин этилганини пайқамоқ учун қуйидаги парчани эслаш кифоя: “Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турадиган вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қаро кирлар ила хираланган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса, миллат яшар: адабиёти гулламаган ва адабиётининг тараққийсига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, уйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас”.

Иккинчидан, юқоридаги кўчирмадан кўринганидек, Чўлпон мақоласидаги жумлаларнинг деярли барчаси ниҳоятда таъсирчан ва гўзал шоирона ташбеҳларга бойлиги билан ажралиб турар эди. Бунга янада тўлиқ иқроор бўлмоқ учун мақоладан худди шеъриятдагидек истиоралар-у сифатлашлар тизмасидан иборат қуйидаги парчани ўқиш ўринли бўлади: “Адабиёт, чин маъноси ила ўлган, сўнган, қораланган, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткур юрак кирларини ювадирғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдурғон булоқ суви бўлғонлигидан бизга ғоят керакдир”. Адабиётни тоза булоқ сувига ўхшатишдек ажойиб образли топилма қўллангани сабабли 1914 йилда ёзилган мазкур мақола ўзбек танқидчилигининг тўла маънодаги дастлабки намунаси даражасига кўтарилган эди. Илк босқичдаги ўзбек танқидчилиги, асосан, шу хилдаги мақолалар, тақризлар, кичик-кичик портретлар яратилиши, қизгин мунозаралар ўтказилиши билан характерланади. Абдураҳмон Саъдийнинг “Назарий ва амалий адабиёт дарслари” ҳамда Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” каби қўлланмалари моҳият эътибори билан адабиётшунослик асарлари бўлгани учун бу даврда чинакам танқидчилик намунаси ҳисобланувчи биронта ҳам китоб эълон қилинмаган. Шунга кўра мазкур босқичда танқидчиликнинг таҳлил кўлами анча тор бўлиб, унда социологик ва вульгар социологик тадқиқот унсурлари устунлик қилган.

Ўзбек танқидчилигининг шаклланиш давридаги мақолалар орасида ўша вақтда театрларда қўйилган спектаклларга муносабат

билдирувчи тақризлар анча кўп бўлган. Уларнинг аксариятида бадий асар таҳлилидан кўра унинг мазмунини қайта сўзлаб бериш тамойили устунлик қилган. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романига, Чўлпон шеърисига бағишланган мақолаларда эса, адибларни миллатчиликда айблашга, яъни улар ижодидаги миллатпарварликни миллатчилик тарзида талқин этиб, йўқ жойдан сиёсий хато топишга уриниш майли кучли бўлган. Йўқ жойдан сиёсий хато чиқариш эса, вульгар социологизмнинг асосий аломатларидан ҳисобланади.

Ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланиш даврида унинг тараққиётига Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ижодкорлар билан бир қаторда ўз фаолиятини, асосан, шу соҳага бағишлаган Вадуд Маҳмуд, Сотти Ҳусайн, Абдураҳмон Саъдий, Миён Бузрук Солиҳов ва Олим Шарафиддинов каби мунаққидлар ҳам муайян ҳисса қўшдилар. Худди шу мунаққидларнинг 20-йиллар охирларидаги мақолаларида танқидчилик ўз тараққиётидаги янги босқичга яқинлашаётганлигидан далолат берувчи айрим нишонлар аён кўрина бошлаган эди. Чунончи, “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 1928-1929 йиллардаги бир неча сонида босилган Сотти Ҳусайннинг туркум мақолалари “Ўтган кунлар” романини пухта ўйланган схема асосида муфассал таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, танқидчиликнинг талқин миқёслари кенгайиб бораётганлигидан гувоҳлик берар эди. Ўша мақолаларнинг жамланиб, яхлит китоб ҳолида нашр этилиши эса танқид тарихида янги саҳифа очилганлигини англатар эди.

2. Таҳлил кўламининг кенгайиши босқичи (1932-1961 йиллар). Бу босқич Сотти Ҳусайннинг 1932 йилда Бокуда босилиб чиққан “Ўтган кунлар” номли китоби билан бошланади. Кўплаб нотўғри, зиддиятли, асоссиз фикрлари бўлганига қарамай, мазкур асар битта роман таҳлилига бағишланган дастлабки танқидчилик китоби эди. Битта асарга алоҳида китоб бағишланиши оқибатида танқидчиликдаги таҳлил кўлами илгаригидан анча кенгайган эди. Шу тамойил ривожига таъсирида 30-50-йиллар мобайнида ўзбек танқидчилиги кўплаб монографиялар, йирик адабий портретлар, биографик очерклар ва сон-саноксиз катта мақолалар-у тақризлар ҳамда диспутлар ҳисобига бойиди. Улар орасида мазкур даврда нашр этилган “Адабиёт соҳасида илмий текширишлар”, “Ижодий ўсиш йўлида”, “15 йил ичида ўзбек совет адабиёти”, “Ўзбек адабиёти масалалари” номли мақолалар тўпламларида таҳлил кўламининг кенгайганлигини кўрсатувчи аломатлар яққол намоён бўлган эди. Аввало, улардаги мақолаларда замонавий адабий жараённинг кўплаб қирраларини қамраб олишга, алоҳида ёзувчиларнинг ижод йўлини

туликроқ ёритишга ва ахён-ахёнда бадиият масалаларини ҳам ёслаб ўтишга интилиш кучайди. Бу давр танқидчилигининг аён юз кўрсатган фазилатларидан яна бири шунда эдики, мунаққидлар санъат ва адабиётнинг назарий масалаларига жиддийроқ эътибор қаратиб, ўз соҳаларининг моҳиятини чуқурроқ англашга, профессионал маҳоратларини ошириб боришга уриндилар. Оқибатда 30-йилларда кўп назарий масалалар қатори санъат билан сиёсат орасидаги муносабат муаммоси атрофида мунозаралар қизиб кетиб, “Переверзевчилик” деб аталган оқимга қарши кураш авж олдириб юборилди. Мунозарада марксистик мафкура тазйиқи остида сиёсатнинг аҳамияти ҳаддан ташқари ортиқ баҳоланиб, санъатнинг ўзига хослигини ва унинг ривождаги истеъдодлар ролини камситишгача бориб етилди. Хусусан, санъату истеъдодларнинг аҳамиятини юқори баҳолаган танқидчилар ўринсиз равишда Переверзевнинг думлари сифатида қораландилар. Улар Уйғун, Ҳамид Олимжон каби шоирларнинг мақолаларида очикдан-очик “Марксизм ниқоби остидаги меньшевизм” деб лаънатландилар. Шу тариқа сиёсатнинг белгиловчилик аҳамиятини ҳаддан ортиқ даражада баҳолаш, истеъдодга нисбатан меҳнатни устун ҳисоблаш оқибатида танқидчиликда бадиий асарлар олдига талаб қўйиш, ўзгача фикрловчи адибларни бадном қилиш кучайиб кетди. Хусусан, 30-йилларда расмийлаштирилган социалистик реализм методига биноан ёзувчилар олдига мавжуд ижтимоий тузумни, унинг доҳийларини улуғлаш, бадиий асарларда синфий курашни кўрсатиш, меҳнаткаш халқ вакили тимсолини, замондошимиз сиймосини гавдалантириш талабларини қўйиш авж олиб кетади. Бадиий асарларни худди шундай талаблар асосида баҳолаш тамойили ўша даврдаги кўпдан-кўп танқидчилик намуналарига ўз тамғасини босган эди. Ҳатто анча катта билим ва маҳорат билан ёзилган Ойбекнинг “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” номли китобида ҳам “Ўтган кунлар” романида синфий кураш тасвирланмаганлиги, меҳнаткаш халқ вакили образи яратилмагани, Ўрта Осиё Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамияти кўрсатилмаганлиги ҳақидаги асосиз айблар такрорланган эди. Бутунича олганда, бу тадқиқот Сотти Ҳусайн китобига нисбатан ҳам таҳлил миқёси анча кенгайганлиги билан фарқланар эди. Агар Сотти Ҳусайн китобида биттагина “Ўтган кунлар” романи устида мушоҳада юритилган бўлса, Ойбек тадқиқотида Абдулла Қодирийнинг деярли барча асарлари таҳлилга тортилиб, бадиий маҳорат бобидаги тадрижий ўсишини кўрсатишга ҳам жиддий эътибор берилган эди. Шу фазилатларга кўра Ойбекнинг китоби ўзбек танқидчилигида

профессионал маҳорат ва таҳлил савияси илгаригига нисбатан анча ортганлигини намоиш қилган эди.

30-50-йиллар мобайнида ўзбек танқидчилиги анча тез суръатлар билан ривожланишининг сабабларидан бири шунда эдики, бу вақтда мазкур соҳага Раҳмат Мажидий, Отажон Ҳошим, Буюк Карим, Тўхтасин Жалолов, Юсуф Султон, Ҳамид Сулаймон, Саидғани Валиев, Санжар Сиддиқ сингари янги мунаққидлар авлоди кириб келган эди. Бу мунаққидлар бадиий ижоднинг айрим қирраларини ўзига хос тарзда ёритувчи мақола ва китоблари билан ўзбек танқидчилиги тараққиётида муайян из қолдирдилар. Фақат улар орасида икки танқидчи, яъни Иззат Султон ва Ҳомил Ёқубов ўз истеъдодлари ҳамда фаол ижодлари билан XX аср охирига қадар бу соҳанинг қарвонбошилари сифатида ном қозондилар. Агар Иззат Султон жорий ижодий жараённинг мураккаб назарий муаммоларини теран талқин этишда моҳирлик кўрсатган бўлса, Ҳомил Ёқубов ўзининг “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий”, “Ойбек”, “Ғафур Ғулом” сингари китоблари билан алоҳида ёзувчилар ижоди юзасидан ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмайдиган асарлар яратиш мумкинлигини исботлаб кетди.

Иккинчи босқичда ўзбек танқидчилигининг таҳлил кўлами кенгайганлиги, айниқса, адабий портрет жанри ривожда яққол кўринган эди. Худди шу даврда Ҳамза, Садрриддин Айний, Султон Жўра, Ҳасан Пулат, Зафар Диёр, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфия сингари ёзувчилар ижодига оид кўплаб адабий портретлар ва танқидий-биографик очерклар нашр этилди. Мазкур китоблар алоҳида ёзувчиларнинг асарлари, ҳаёти ва ижод йўли тўғрисида муайян тасаввур берсалар-да, ўзларида ўша давр танқидчилигининг камида тўртта асосий иллатини мужассамлаштирган эдилар. Аввало, уларнинг аксариятида алоҳида ёзувчилар ижоди анча ялтиратилган, мақтовларга кўмилган, яъни кўтаринкироқ тарзда ёритилган эди. Иккинчидан, ҳар бир ёзувчи ижодига ёғдирилган олқишларни тасдиқлаш учун асарларнинг мазмунини қайта ҳикоя қилиш йўлидан борилар эди. Учинчидан, мунаққидлар бадиий асарларнинг яхлит ёки муфассал таҳлили ўрнига улардаги қаҳрамонлар образига алоҳида-алоҳида таъриф-тавсиф бериш усулидан жуда кенг фойдаланар эдилар. Ниҳоят, 30-50-йилларда эълон қилинган адабий портретларнинг яна бир муштарак нуқсони шундан иборат эдики, уларнинг кўпчилигида асосий эътибор асарларнинг ғоявий ёки мафкуравий аҳамиятига, мавзунинг долзарблигига қаратилиб, бадиий қиймати жуда юзаки ёритилган эди. Натигада узоқ йиллар мобайнида адилларни ғоявий қинғайишларда айблаш, йўқ ердан сиёсий иллат

топишга уринишлар давом этаверди. Уларнинг мисоли сон-саноқсиз бўлгани ҳолда, бу ерда фақат битта мақолани, яъни Ҳамид Олимжоннинг “Фитратнинг адабий ижоди ҳақида” (“Совет адабиёти”, 1936, № 4-5) номли тадқиқотини эслаш кифоя қилади. Мақолада Ҳамид Олимжон Фитрат драмаларидаги миллатпарварликни пантуркизм, қаҳрамонларининг диний майлларини панисломизм тарзида талқин этган эдики, сиёсий хато тўқиб чиқаришнинг бундан ортиқроқ шармандали намунасини топиш қийин бўлса керак.

Йўқ жойдан сиёсий хато топишга интилиш ва танқидчилик тараққиётининг иккинчи босқичидаги бошқа иллатлари, айниқса, ўша йиллари айрим асарлар атрофида ўтказилган диспутларда яққол намоён бўлди. Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи юзасидан 1937 йилда ўтказилган диспутда ҳали ҳам ҳукмрон мафкура миллатпарварликни миллатчилик тарзида талқин этишга мажбур қилаётганлиги аниқ-равшан аён бўлди ва асарнинг 20 йил мобайнида бадном этилишига олиб келди. 1948 йилда Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор” романи юзасидан уюштирилган баҳсда эса ҳали ҳам танқидчиликнинг савияси анча пастлиги, яъни унда бадиий асарларни баҳолашда адабиётнинг ўзига хослигини, табиатини етарлича ҳисобга олмаслик иллати ҳукмронлиги маълум бўлди.

Сўз санъатининг моҳиятини, образли табиатини инobatга олмаслик оқибатида урушдан кейинги йиллар танқидчилигида бадиий асарларни ўйлаб чиқарилган, яъни сохта мезонлар, қоидалар, хусусан, конфликтсизликдек машъум “назария”лар асосида таҳлил қилиш ва баҳолашдек салбий тамойил авж олди. Аслда ёзувчи ижодини ёки айрим асарини кўтариб баҳолаш иллати конфликтсизлик “назария”сининг ҳаётни бўяб-безаб, ялтиратиб тасвирлашга даъвати билан боғлиқ ҳолда илдиз отган бўлса ажаб эмас. Ҳар ҳолда, иккинчи китоби ёзилмагани сабабли бадиий мукамаллик касб этмаган “Қўшчинор” романида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даври воқелиги бузиб тасвирлангани, ўша йиллар қийинчиликлари кўпроқ кўрсатилгани диспутларда ноҳақ танқид қилингани худди шундан, яъни мунаққидлар олдига ҳаётни ва адабиётни қандай бўлса, шундай эмас, балки “гўзаллаштириб”, “ёрқинлаштириб” акс эттириш талаби қўйилганидан далолат беради. Ундай талаблар танқидчиликда азалий бадиийлик мезонларидан чекиниб, ҳаёт ва адабиётда кўтарилган муаммоларга, мавзунинг долзарблигига, замон қаҳрамонларининг идеаллаштирилган образларига қараб, асарларни юзаки, енгил-елпи, яъни кўпроқ мазмунига суяниб таҳлил қилиш учун кенг йўл очар

эди. Демак, бу босқичдаги танқидчиликда ҳам социологик ва вульгар социологик таҳлил унсурлари етакчилиги давом этиб, адабиёт тараққиётига катта зарар етказди.

Фақат иккинчи босқичнинг охирларидан, аниқроғи, 50-йилларнинг ўрталаридан ўзбек танқидчилигида бу соҳанинг айрим гўзал анъаналари, самарадор эстетик тамойиллари томон секин-секин бурилиш сезила бошланади. Бунга, албатта, ўша давр жамият ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришлар, “илиқлик” шамоли эсиши ва адабиётда конфликтсизлик “назария”сининг танқид қилиниши асосий сабаб бўлади. Шу билан бирга танқидчиликдаги жонланиш урушдан кейин мазкур соҳага кириб келган мунаққидлар янги авлодининг ижодий фаолиятига ҳам боғлиқ эди. Урушдан кейинги йилларда ўзбек танқидчилигига Ф.Каримов, А.Қаюмов, Л.Қаюмов, А.Ҳайтметов, С.Азимов, Ҳ.Абдусаматов, М.Султонова, Н.Владимилова, Т.Собиров, Абдулла Олимжон сингари ёшлар кириб келдилар ва адабий жараёнга фаол таъсир кўрсатишга интилдилар. Улар орасида икки истеъдодли танқидчи, яъни Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжонов ўзларининг ҳаёт ҳамда адабиёт ҳодисаларига янгича ёндашувлари, бадий асарлар таҳлилида шаклу мундарижа бирлиги қонуниятларига суянишлари билан мазкур соҳа равнақида эстетик талқин куртаклари барқ уриб яшнашига асос ҳозирладилар. Адабиёт таҳлилига янгича тамойиллар олиб киришлари оқибатида Озод Шарафиддинов ва М.Қўшжонов қарийб ярим аср мобайнида, аниқроғи, умрларининг охиригача, яъни 2005 йилгача ўзбек танқидчилигининг энг йирик намояндалари бўлиб қолдилар. 50-йиллар охирларида эса, Озод Шарафиддиновнинг “Лирика ҳақида мулоҳазалар” сингари мақолалари ва М.Қўшжоновнинг “Ойбек романларида характер тасвирлаш маҳорати” номли рус тилида нашр этилган китоби ўзбек танқидчилиги ривожиди янги босқич нишонлари кўрина бошлаганлигидан гувоҳлик берган эди.

3. Умумлашмалар томон бурилиш палласи (1961-1991 йиллар). Бу босқич 1961 йилдан бошланишининг сабаби шундаки, худди ўша йили нашр этилган икки жилдлик “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки” китоби танқидчилигимиз тараққиётида ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлган эди. Унинг муҳокамасига бағишланган йиғинда академик Иззат Султон мазкур китоб яратилиши оқибатида “Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги фактлар тўплаш босқичидан ўтиб, уларни умумлаштириш палласига кирди”, - деган эди. Умумлашмалар томон бурилиш натижасида танқидчиликда қиёсий ва типологик таҳлил аломатларини ўзида мужассамлаштирган,

мазмундор китоблар пайдо бўлди. Ундай китоблар жумласига Озод Шарафиддиновнинг “Замон, қалб, поэзия”, “Адабий этюдлар”, “Истеъдод жилolari”, “Биринчи мўъжиза”, “Ҳақиқатга садоқат”, М.Қўшжоновнинг “Ҳаёт ва маҳорат”, “Маъно ва мезон”, “Қалб ва қиёфа”, “Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор”, У.Норматовнинг “Етуклик”, “Қалб инқилоби”, Н.Худойбергановнинг “Сўз курашга чорлайди”, “Ҳақиқат ёрдулари”, “Ишонч”, И.Фафуровнинг “Ўттиз йил изҳори”, Н.Каримовнинг Ҳамид Олимжон ва Ойбек ижодига оид йирик тадқиқотлари киради. Шу хилдаги китобларда типологик таҳлил чуқурлашуви оқибатида ўзбек адабиётида ҳам Ч.Айтматов, В.Солоухин, О.Берггольц, Ю.Смуул ижодидагига яқин “лирик насл” майдонга келганлиги тўғрисидаги ибратли умумлашма исботланди. Ушбу тадқиқотларда М.Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти” ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” асарлари қиёсий таҳлилдан ўтказилиб, улардаги қаҳрамонлар характерида муштарак хусусиятлар борлиги аниқланди. Худди шунингдек қиёсий таҳлил чуқурлашуви натижасида Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романлари сюжетининг қизиқарли чиқишига хизмат қилган ўзаро яқин воситалар-у усуллар мавжудлиги тўғрисидаги хулосалар асосланди. Қиёсий ёки типологик таҳлил фақат турли халқлар ёзувчилари ижодига хос муштарак жиҳатларнигина эмас, балки уларнинг ўзига хослигини, фарқли фазилатларини ҳам аниқлашга йўл очди. Хусусан, А.П.Чехов ва Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг қиёсий таҳлили ўзбек ёзувчиси асарларини миллий руҳ теранлиги ажратиб туриши ҳақидаги хулосанинг исботланишига имкон туғдирди. Худди шунингдек, қиёсий таҳлилнинг чуқурлашуви ўзбек адабиётининг ёки алоҳида ёзувчилар ижодининг гўзал фазилатлари билан бир қаторда уларнинг айрим заиф жиҳатларини аниқлашга ҳам йўл очди. Жумладан, турли миллатга мансуб адиблар ижодини қиёсий тадқиқ этиш натижасида баъзи ўзбек ёзувчилари асарларида тақлидни эслатувчи унсурлар мавжудлиги аниқланди. Мазкур босқичда юзага келган портретларнинг аксарияти эса биографик метод асосида яратилганлиги танқидчилигимизга Сент Бёв ва А.Моруа каби ғарб мунаққидлари ижодини эслатувчи белгилар кириб келганлигидан гувоҳлик берди. Демак, типологик, қиёсий, биографик ва бошқача таҳлилларга хос аломатларнинг куртак ёзиши оқибатида танқидчиликда холислик, ҳаққонийлик мезонлари такомиллаша борди. Бу давр танқидчилигининг энг қимматли фазилатларидан яна бири шунда эдики, унда фақат асар ғоясини

санъат тилидан социология тилига кучиришга (Г.В.Плеханов) эмас, балки бадий хусусиятларини, ёзувчи маҳорати, услубининг ўзига хослигини очиб беришга ҳам эътибор кучайди. Натижада танқидчиликда эстетик таҳлил унсурлари орта борди. Танқидчилик ривожига бу жиддий ўзгаришни ўз вақтида ёзувчи Абдулла Қаҳҳор жуда яхши пайқаган ва 1966 йилда мана бу тарзда изоҳлаб берган эди: “Кейинги йиллардаги адабиётимизнинг энг катта ютуғи бадий маҳорат масаласининг диққат марказида турганлиги дейиш мумкин.

Бадий маҳорат чиройли иборалар, чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ёки қайғули ҳолатлар топиш эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир. Ёзувчининг халққа айтадиган гапи нақадар зарур бўлса, буни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образ шу қадар кучли бўлиши керак” (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Бешинчи жилд. Т., Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 232-бет).

Бу ерда Абдулла Қаҳҳор бадийлик устида бирёқламароқ фикр юритган бўлса-да, 60-йилларда адабиётда юз берган энг катта ўзгаришни ва унинг оқибатида танқидчиликда содир бўлган бурилишни тўғри эътироф этган эди. Ёзувчи фикрларидаги бирёқламалик шунда кўринган эдики, у бадийлик тушунчасининг доирасини бир оз торайтириб қўйган эди. Аслда бу тушунча доирасига тўлақонли образлар билан бир қаторда чиройли ибораю гўзал ифода ҳам, антиқа воқеалар ҳам киради. 60-70-йиллар ўзбек танқидчилиги бадийлик тушунчасини шу хилда кенг маънода идрок этган ҳолда адабиётда эстетик мукамаллик йўлида курашни кучайтириб юборди. Оқибатда энг янги асарларнинг бадийлиги даражасини аниқлашга, сюжет ва композиция, тил ва услуб, тасвирий воситалар оламидаги кашфиёту топилмаларни юзага чиқаришга, ёзувчилар маҳоратининг “сирларини очиш”га интилиш кучайди. Шу интилиш натижалари сифатида Озод Шарафиддиновнинг “Гўзаллик излаб”, “Талант — халқ мулки”, М.Кўшжоновнинг “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати”, “Ойбек маҳорати”, “Абдулла Қаҳҳор маҳорати”, У.Норматовнинг “Гўзаллик билан учрашув”, “Насримиз уфқлари”, “Насримиз анъаналари”, Н.Худойбергеновнинг “Кашфиётлар йўлида”, “Ўз дунёси — ўз қиёфаси”, И.Ғафуровнинг “Ёнар сўз”, “Ям-яшил дарахт”, “Жозиба” сингари мазмундор ва жозибадор китоблари пайдо бўлди.

Табиийки, бадий мукамалликка интилиш самараларини аниқлаш билан бир қаторда танқидчиликда эстетик жиҳатдан заиф асарларни рўй-рост намоён қилиш, поэтика ночорлиги сабабларини

очиш тамойили ҳам майдонга келди. Шу тамойил тақозоси билан Озод Шарафиддиновнинг “Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси”, М.Қўшжоновнинг “Давр талаби ва ижод масъулияти”, Н.Худойбергановнинг “Бадиий ҳақиқат учун” сингари кескин танқидий руҳдаги мақолалари дунё юзини кўриб, уларда ёзувчи Ў.Умарбековнинг “Дамир Усмоновнинг икки баҳори”, “Иброҳим Раҳимнинг “Одам қандай тобланди”, Асқад Мухторнинг “Чинор” асарлари ҳар жиҳатдан бадиий мукамал чиқишига халақит берган иллатлар рўй-рост намоён қилинган эди. Эстетик таҳлил чуқурлашуви оқибатида бундай мақолаларда бадиий ижоддан ғоявий саёзлик, мафкуравий маҳдудлик қидириш камайиб, танқидчиликнинг ҳаққонийлик, самимийлик, жанговарлик, талабчанлик, мантиқийлик сингари хусусиятлари ярқираброқ кўрина борди.

Эстетик таҳлилга яқинлашиш билан боғлиқ ҳолда мазкур босқичда ўзбек танқидчилигининг жанрлар доираси ҳар вақтдагига қараганда кенгайди. Энди танқидчиликда илгариги шакллар билан бир қаторда ижод очерки, танқидий-биографик очерк, монография, сўзбоши, сўнгсўз, адабий фельетон, суҳбат, баҳс, “очиқ хат”, эссе каби жанр намуналари ҳам анча кўпайиб қолди. Улар орасида, айниқса, ёзувчи П.Қодировнинг “Ўйлар” номли эсселар ёки бадиалар китоби танқидчилигимизнинг савияси ҳар жиҳатдан, яъни ҳам мазмун, ҳам шакл эътибори ила анча юксакликка кўтарилганлигини кўрсатди.

Мазкур босқичда танқидчилигимизнинг анча тез ривожланишида бу соҳага худди шу даврда кириб келган С.Мамажонов, П.Шермухамедов, О.Тоғаев, Ф.Саломов, А.Қулжонов, С.Мирвалиев, Б.Қосимов, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, И.Ҳаққулов, Б.Норбоев, Ш.Юсупов, Б.Акрамов, Муҳсин Олимов, Р.Иноғомов каби мунаққидлар авлодининг ҳиссаси катта бўлди. Фақат улар орасида тўртта танқидчи, яъни Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Наим Каримов ва Иброҳим Ғафуров сингари мунаққидлар адабий жараёнга фаолроқ аралашувлари, адолат ва ҳақиқат мезонларига содиқликлари, бадиий асар таҳлилида жиддийроқ муваффақиятларга эришганликлари сабабли мазкур соҳа тараққиётининг юқорироқ поғоналарига кўтарилдилар. Худди шу танқидчиларнинг мақолалари 60-80-йилларда республикамиз сарҳадларидан ташқарига чиқиб, Москвадаги “Литературная газета”, “Дружба народов”, “Вопросы литературы”, “Литературное обозрение” сингари газета ва журналларда босилди ҳамда ўзбек адабиётининг шухратини кенгроқ миқёсларда ёйиш ишига хизмат қилди.

Шунга қарамай, бу босқичдаги танқидчиликнинг ҳам ўзига хос чекланган томонлари, жаҳон миқёсидаги мавқеларга кўтарилишига ҳалақит берувчи иллатлари бор эди. Аввало, унда чуқурлашиб бораётган эстетик таҳлил тўлиғича умумбашарий бадиий тафаккур тараққиёти тажрибасидан эмас, балки ҳукмрон мафкура руҳидан, талабларидан келтириб чиқарилган мезонлар асосида амалга оширилар эди. Иккинчидан, эстетик таҳлилда амал қилинган мезонлар-у қоидаларнинг аксарияти ҳукмрон мафкура тақозоси билан жорий этилган социалистик реализм методининг қатъий қолиплари доирасида чеклаб қўйилган эди. Гарчанд, 70-йилларга келиб, социалистик реализм англанган “очиқ система”, яъни қиргоқлари анча кенгайтирилган оқим сифатида талқин этила бошланган бўлса-да, адабиёт ва танқидчилик мазкур босқичда ҳам унинг деярли схемага айланиб қолган асосларидан тўлиқ халос бўла олмаган эди.

Ниҳоят, бу даврда танқидчилигимиз биқикликдан буткул қутулишига имкон бермаган нуқсонлардан яна бири унинг кўпроқ ўз қобиғига ўралиб қолиб, ҳурфикрлиликнинг олий чўққиларига кўтарила олмагани эди. 80-йилларнинг ўрталарида “Вопросы литературы” журналида эълон қилинган мақоласида танқидчи Н.Худойберганов бу иллатни “маҳаллийчилик” деб атаган эди. Ўша йиллари Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” комедияси ноҳақ қораланганлиги, Чўлпон ва Фитрат ижодининг тўлиғича халққа қайтарилмаганлиги худди шу маҳаллийчилик касалининг асоратлари эди.

4. Талқинларнинг янгиланиш босқичи (1991 йилдан ҳозирги кунларгача ўтган муддат). Бу босқич Ўзбекистон миллий мустақилликка эришган йилдан бошланиши ғоятда табиийдир, чунки худди шу даврда онгимиз гўё янгидан уйғонгандек, бутун борлиқни, ўтмишу тарихни, барча ижтимоий ва маънавий қадриятларни ўзгача идрок этиб, муайян бир мафкура нуқтаи назаридан эмас, балки умуминсоний мезонлар асосида қайта тушуна бошладик. Натижада танқидчиликнинг илгариги деярли барча намуналарини, бутун тажрибасини қайтадан тафаккур призмасидан ўтказиб, адабий жараённи, алоҳида ёзувчилар ижодини, энг буюк бадиий кашфиётларни замон руҳига мос ҳолда бошқатдан таҳлил қилиб, ўзгача тушунтириш, ҳаққоний баҳолаш зарурати туғилди. Фақат бу жараён жуда оғриқли кечди, чунки танқидчилик янгича талқинлар учун мос келадиган йўллар, мезонлар, тамойиллар, фалсафий ёки эстетик асослар қидириб, гўё чексиздек туюлувчи изланишлар гирдобига тушиб қолди. Бироқ тубсиздек гирдобда ҳам холислик ва ҳаққоният манзилларига олиб борадиган таҳлил йўллари, усуллари секин-секин кўрина бошлади. Улар орасида асарнинг ғоявий моҳиятини,

қахрамонларининг жозибасини, шаклу шамойилининг гўзаллигини, тили-ю услубидаги насофатни ва бошқа бадиий хусусиятларини ўзаро боғлиқликда очиб берувчи таҳлил усули ярқираброқ нур сочаётганлиги аён бўла борди. Шу тариқа ҳозирги танқидчиликда социологик ва эстетик тадқиқот унсурларини ўзида синтезлаштирган бир йўналиш, яъни системали таҳлил методи устиворлик касб этиб, дастлабки умидбахш нишонларини бера бошлади. Ҳозирча танқидчиликдаги худди шу таҳлил усули янгича талқинлар учун кўпроқ мос ва самарадорроқ эканлиги исботланиб борилмоқда.

Социалистик реализм методидан узоқлашиш натижасида эндиликда ҳар бир адабий ҳодисани умумбашарий нуқтаи назардан ва инсониятнинг бадиий тафаккури ривожидида самарадорлиги аниқланган қоидалар-у мезонлар ҳамда қонуниятлар асосида таҳлил этиш жараёни бошланди. Унинг дастлабки аён кўринган муваффақиятли нишонлари сифатида миллий истиқлол йиллари ўзбек танқидчилигида бир неча салмоқдор китоб майдонга келди. Улар жумласига Озод Шарафиддиновнинг “Ижодни англаш бахти”, “Довондаги ўйлар”, У.Норматовнинг “Қодирий боғи”, М.Қўшжоновнинг “Ўзбекнинг ўзлиги”, Наим Каримовнинг “Чўлпон” ва Б.Назаровнинг “Ғафур Ғулом олами” сингари асарлари киради. Бу китобларда яқин ўтмиш адабиёти ҳодисаларини қайтадан назардан ўтказиш, кўплаб ноҳақ бадном этилган санъаткорлар тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқариш, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ғафур Ғулом каби ёзувчилар ижодини янгидан кўптомонлама таҳлилдан ўтказиш, айрим бадиий асарлар мағзига яширинган маъноларни илғашга интилиш, қатъий мантиққа асосланган илмий мушоҳадани эҳтиросга бой публицистик руҳ билан чатиштириб юбориш сингари тамойиллар яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги ўзбек танқидчилигининг энг характерли белгиларидан бири шундаки, эндиликда унинг бадиий адабиёт билан алоқаси ҳар вақтдагига қараганда мустаҳкамлангандек туюлади. Буни шундан ҳам пайқаш мумкинки, сўнгги йиллар танқидчилиги асосий эътиборини ҳаммадан кўра кўпроқ бевосита ҳозирги адабий жараён тақозо этган муаммолар тадқиқига қаратмоқда. Масалан, сўнгги йилларда ижод эркинлиги кенгайиши билан боғлиқ равишда ўзбек модернистик адабиётини яратиш йўлида ҳаракатлар авж олиб кетди. Худди шу жараён тақозоси билан ўзбек адабиётида бир вақтлар ғарбда мода бўлган тажрибаларни такрорлашга, унутилган гоъвий майллар-у услубий йўналишларни қайта жонлантиришга, самараси мавҳум шаклларни она тили имкониятлари ёрдамида тирилтиришга,

баъзи номдор модернистларнинг ижод йўсинига эргашишга ёки тақлид қилишга интилиш кучайди. Натижада танқидчилик олдида модернизм тарихи-ю назарияси муаммоларини холис ёритиш ва ўзбек ёзувчиларининг ўшандай адабиёт яратиш йўлидаги тажрибаларини умумлаштириш ҳамда мантиқий хулосалар чиқариш зарурати туғилди. Оқибатда шу масаланинг турли жиҳатларини далиллар воситасида ёритувчи кўплаб тадқиқотлар, хусусан, Озод Шарафиддиновнинг “Модернизм — жун ҳодиса эмас” (“Ижодни англаш бахти” китобида), У.Норматов ва Улуғбек Ҳамдамовнинг “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи” (“Жаҳон адабиёти”, 2002, № 12), Б.Саримсоқов билан Э.Очиловнинг “Ҳозирги ўзбек шеъриятининг тараққиёт тамойиллари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2005, № 3) каби мазмундор мақола ҳамда суҳбатлари майдонга келди. Улар орасида ҳеч шубҳасиз, ёзувчи П.Қодировнинг “Маънавият, модернизм ва абсурд” (“ЎЗАС, 2004 йил 26 март”) номли мақоласи ғоятда кескин танқидий руҳга, бениҳоя катта ишонтириш қудратига эгаллиги, машаққатли изланишлар натижасида топилган далилларга, асосли хулосаларга ва чексиз самимиятга бойлиги билан ажралиб туради. Мақолада хориждаги модернизмнинг моҳияти, табиати, айрим гайриинсоний жиҳатлари рад қилиб бўлмайдиган далилу мисоллар воситасида очиб берилганлиги ва ўша тажрибалардан келиб чиқиб, ўзбек адабиётидаги ғарбнинг умрини ўтаб бўлган тамойиллари асосида ижод қилишга уринишлар яхши самараларга олиб келмаётганлиги ҳам шеърият, ҳам наср намуналари таҳлили воситасида исботланганлиги сабабли П.Қодировнинг мазкур тадқиқоти сўнгги йиллардаги танқидчилигимизнинг энг жиддий ютуқларидан бири даражасига кўтарилган бўлса, ажаб эмас. Бу хилдаги мақолалар ҳозирги ўзбек адабиёти ва танқидчилигида анъана ҳамда новаторлик муаммоси ниҳоятда долзарблик касб этганлигидан гувоҳлик беради. Энди унинг талқинида илгаригидан фарқли ҳолда, ғарб адабиётини ва айниқса модернизмни қуруқ қоралаш, балчиққа булғаш каби ғайриилмий майллар барҳам топиб, барча кузатиш-у умумлашмаларни самимий ҳамда ишонарли тарзда ифодалашга, турли халқлар сўз санъатининг ўзбек адабиётига кўрсатган ижобий таъсирини рўй-рост рўёбга чиқаришга, улардан ўтган умидбахш анъаналарни ардоқлашга даъват руҳи ҳозирги танқидчилигимизнинг пафосини белгиламоқда. Худди шундай руҳни жаҳонга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ижодига ва унинг анъаналари ўзбек адабиётига қандай баракали таъсир кўрсатаётганлигига бағишланган кўплаб мақолаларда яққол пайқаш мумкин. Улар орасида истеъдодли

мунаққид Сайди Умировнинг “Сайёравий тафаккур адиби” номли салмоқдор мақоласи 2004 йилда Москвада рус тилида нашр этилган “Ковчег Чингиза Айтматова” деган тўпламда дунё юзини кўрган бўлиб, мазкур тадқиқот оламга таниқли адиб ижоди юзасидан янги қарашларга, анъаналарининг умрбоқийлигига оид умумлашмаларга бойлиги туфайли ўзбек танқидчилигининг ҳозирги шароитда ҳам мамлакатимиз ҳуддуларидан ташқарида эътибор қозониш, равнақ топиш имкониятлари мавжудлигини исботлади. Бу хилдаги байналминал қимматга эга бўлган тадқиқотларда мустақиллик даври ўзбек адабиётида реалистик анъаналарнинг устиворлиги, улар билан модернизм аломатлари синтезлаштирилуви маълум ижобий самараларга олиб келаётганлиги тўғрисидаги илмий концепция юзага чиқмоқдаки, бундай асосли умумлашмалар ҳозирги танқидчилигимизнинг назарий дурдоналар хазинасини бойитиши шубҳасиздир. Уларда турли ижодий методларнинг ўзбек адабиётидаги тадрижини ва ўзаро муносабатларини ўрганиш чинакам бадиий кашфиётга яқин турувчи муваффақиятларни, яъни новаторлик ҳодисаларини намоён қилишга йўл очмоқда. Хусусан, бир қатор мазмундор китоб ва мақолаларда шоир Абдулла Орипов ижодининг XX аср ўзбек адабиётида чинакам новаторлик ҳодисаси даражасига кўтарилганлиги ва шундай кашфиётнинг юзага келиш сабаблари, омиллари кенг кўламда, аниқроғи, тарихий-гносеологик таҳлил йўллари воситасида тадқиқ этилди. Ундай тадқиқотлар, хусусан, М.Кўшшонов ва Сувон Мелининг “Абдулла Орипов” номли китоби ҳамда Б.Дўстқораевнинг “XX аср ўзбек шеърини ва Абдулла Орипов ижоди” (“Филология масалалари”, 2002, № 1-2) сарлавҳали мақоласи бадиийлик қонуниятларидан келиб чиқувчи ёндашувларга, қутилмаган қиёсларга, турли хилдаги таҳлил методлари унсурларнинг чатишувидан туғилган кузатишлар-у хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу хилдаги тадқиқотлар системали таҳлил методининг имкониятлари деярли чексизлигини ва танқидчилигимизни янгидан-янги марраларга олиб чиқишга қодирлигини яққол исботламоқда. Системали таҳлил методининг аҳамиятини тўлиғича англаб етмаслик ёки онгли равишда унга амал қилмаслик оқибатида сўнгги йиллардаги айрим китоб, мақола ва тақризларда ҳам эскича фикрлашга мойиллик, баёнчилик, мантиқсизлик, ёлғонлиги аён кўриниб турган мушоҳадаларни ҳақиқат сифатида тақдим этиш, маълум гапларни бир оз бошқача шаклга солиб такрорлаш, майда-чуйда далиллар-у тафсилотлар атрофида ўралашиш, ижодкорлар зиммасига ноҳақ айблар юклаш ҳамда чинакам санъат дурдоналари

қадр-қимматини асоссиз равишда пастга уриш, умрини ўтаган талқин усулларига берилиш сингари иллатлар барҳам топмай, танқидчиликнинг гуркираб ривожланишига ҳалақит қилмоқда. Ундай иллатларнинг аксарияти С.Мирвалиевнинг “Абдулла Қодирий”, А.Расуловнинг “Истеъдод ва эътиқод” сингари китобларида, Ҳ.Каримовнинг “Ғоя ҳақиқатга мосми?” (“ЎзАС”, 1998 йил 26 июнь), А.Расуловнинг “Теран тадқиқот — методологик асос” (“ЎзАС”, 2005 йил 1 сентябрь), “Тоғиб, билиб айтиш санъати” (“ЎзАС”, 2005 йил 21 октябрь) номли мақола ва тақризларида ҳозирги адабий жараёндаги кўпдан-кўп ҳодисаларнинг моҳиятини бузиб, сохталаштириб талқин қилишга йўл очди. Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун ўшандай китобу мақолалардан баъзи мисолларни келтириб, муаллифларнинг билими, танқид соҳасидан хабардорлиги нақадар чекланганлигини яққол намоён қилиш ўринли кўринади. Чунончи, С.Мирвалиевнинг “Абдулла Қодирий” номли китобида адибнинг илк шеърлари, “Ҳеч ким билмасин” комедияси, дафн этилган жойи юзасидан баъзи янгидек кўринувчи далиллар келтирилгани билан йирик асарлари ва ҳажвиёти ҳақидаги узоқ йиллардан бери тадқиқотдан тадқиқотга кўчиб юрган гаплар такрорланган, қаҳрамонлар образига бирин-кетин таъриф берилиб, улар қатнашган воқеалар қайта сўзлаб кетилаверган. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, унда гўё янги аниқлангандек тақдим этилган далилларнинг ҳам аксарияти адабиёт оламига анчадан бери маълумлиги англашилади. Жумладан, С.Мирвалиев ёзувчининг “Ҳеч ким билмасин” комедияси оригинал ёки таржима қилинган асар эканлигини илк бор кашф этгандек, кўксига уриб гапирар экан, ушбу пьеса ҳақида заҳматкаш олим Шерали Турдиев 1961 йилдаёқ “Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари” номли тўпламларнинг иккинчи китобида босилган “Абдулла Қодирий меросини ўрганиш тарихидан” сарлавҳали мақоласида маълумот бериб, унга оид тақризларгача санаб ўтганлигини тилга ҳам олмаган. Агар уларни эслаганда, ҳатто шу комедия тўғрисидаги маълумот ҳам мутлақо янги эмаслиги сув юзига қалқиб чиқиб қолар эди. Энг муҳими, С.Мирвалиев китобида Абдулла Қодирий ижодига оид янги концепция йўқдек ёки яхши ифодаланмагандек туюлади.

А.Расуловнинг “Истеъдод ва эътиқод” китоби кўплаб эскирган саҳифалардан иборатлиги шундан келиб чиққанки, у, асосан, муаллифнинг чорак аср аввал эълон қилинган “Озод Шарафиддинов” номли адабий портрети заминида яратилган. Тўғри, китобга ўша портрет матни деярли тўлиғича сингдириб юборилгани

ҳолда, баъзи янги боблар ҳам қўшилган. Фақат янги бобларнинг аксарияти танқидчи портретига алоқаси кам тафсилотлар, олди-қочди гаплар билан тўлдириб юборилган. Масалан, янги бобларнинг бири Сирдарёда Озод Шарафиддинов шаънига адабиётшунос Қодир Пирматов томонидан берилган зиёфат тасвирига бағишланган. Унда муаллиф ҳеч эринмасдан зиёфатда кимлар қатнашганини, нечта тўн кийгизилиб, қанча белбоғ боғланганини, Қодир Пирматовнинг ўзи бир соатча қадаҳ сўзи айтганини, меҳмонларнинг ҳаммаси терлаб кетганини завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Кейин маълум бўлишича, бу майда-чуйда тафсилотларнинг барчаси Озод Шарафиддиновнинг битта гапини, яъни шогирдларига қарата: “Сизларга ўргатавериб, ўзимга ҳеч нарса қолмади”, — қабилидаги ҳазилини келтириш учун эсланган экан. Китобхонга қизиқарлидек туюлгани билан бу тафсилотлар танқидчи портретини қанчалик бойитиши маълум бўлмай қолаверади. Агар А.Расулов ақалли ўша зиёфат таъсирида танқидчининг биронта мақоласи туғилганлигини ёки характеридаги қандайдир жиддий ўзгаришни кўрсатиб берганда, биографик метод муайян илмий мақсадга хизмат қилдирилган бўлур эди. Ҳозирги ҳолида эса, юқоридаги тафсилотлар муаллифнинг танқидчи ҳаёти икир-чикирлари орасида ўралашиб қолиб, улардан салмоқдорроқ хулосалар чиқара олмаганини билдиради.

Демак, юқоридаги китоблар танқидчилигимизнинг эскича андозалардан қутулиши ва талқинларнинг янгиланиши йўлига ўтиши ниҳоятда қийин кечаётганлигидан гувоҳлик беради.

Сўнгги йилларда эълон қилинган қатор мақолаларда эса, бу жараённинг янада оғриқли нуқталарини кузатиш мумкин. Масалан, А.Расулов “Теран тадқиқот — методологик асос” мақоласида ҳозирги ўзбек танқидчилигида қандай камчиликлар мавжудлиги тўғрисидаги саволга жавоб қайтарар экан, ундай нуқсонларнинг баъзилари рус тилида нашр этилган “Янги ўзбек адабиёти” дарслигида учрашини эслатади. Буни ўқиган газетхон ҳайратдан ёқасини ушлайди, чунки унинг онгида ўша заҳотиёқ: “Ахир, дарслик танқид намунаси эмас, балки адабиётшунослик асари-ку?” — деган қонуний савол туғилади. Танқид нуқсонини адабиётшунослик асаридан қидириш худди беҳи тукини олмадан излашга ўхшаб кетади. Бундай қилиш эса, танқидчиликнинг худди бир вақтлардагидек, тухумдан тук қидириш ҳолига қулаб кетиш хавфи йўқолмаганлигидан далолат беради. Демак, танқид билан адабиётшуносликнинг фарқига бормайдиган мутахассиснинг: “Теран тадқиқот — методологик асос”, — дея бонг уриши кулгидан бошқа нарса уйғотмайди.

Танқидчиликдаги фикрий саёзлик ёки далилу мушоҳадалар ифодасининг номукамаллиги шу даражага бориб етяптики, натижада айрим гениал шоирлар ижодининг улуғворлиги, сўз ишлатишдаги санъаткорлигининг юксаклиги ниҳоятда пасайтириб, ерга уриб юбориляпти. Бунга иқрор бўлмоқ учун А.Расуловнинг “Тил – миллат тақдири, табиати, тарихи” номли тақризини эслаш мумкин. Тақриз ёзувчи П.Қодировнинг “Тил ва эл” китоби таҳлилига бағишланган. Фақат тақризда таҳлил ўрнини деярли бошдан-оёқ китоб мазмунининг айрим тафсилотларини қайта баён қилиш эгаллаган. Баъзида баён шу қадар сохталашадики, оқибатда ўқувчи ҳайратдан ўзини қўярга жой тополмай қолади. Бунга иқрор бўлмоқ учун тақриздан қуйидаги кўчирмани ўқиш кифоя: “Навоий насрий асарларида бир миллион 378 минг сўз ишлатган. Умуман, Навоий асарларида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаганки, у Пушкин, Сервантес, Шекспир қўллаган сўзлардан анча кўп” (“Жаҳон адабиёти”, 2005, № 12, 148-бет).

Демак, бу кўчирмадан “умуман, Навоий асарларида”, яъни бутун ижодида 26 минг, унинг кичик бир қисми ҳисобланувчи насрида эса бир миллион 378 минг, аниқроғи, 53 марта кўп сўз қўллаган бўлиб чиқади. Аслда бундай бўлиши мумкин эмаслиги арифметикадан бироз хабардор мактаб ўқувчисига ҳам маълум, чунки фақат насрий асарлардаги сўзларнинг ўзи бир миллион 378 минг бўлгандан кейин уларга Навоий шеърини ва дostonлари қўшилганда, мазкур рақам 26 мингга тушиб қолмасдан, бир неча марта кўпайиб кетиши кундек равшандир. Фақат А.Расулов келтирган рақамлар ҳаводан олинган эмас. Улар тилшуносликда анчадан бери мавжуд бўлиб, П.Қодировнинг “Тил ва эл” китобида ҳам эса олингани табиийдир. Теран мушоҳадакор, ўйловли алабиётшунос П.Қодировнинг моҳирона тушунтиришидан аён бўлишича, мазкур рақамлар ўз ўрнида ва тўғри талқин этилса, муайян мантиқли маъно билдиради. Умуман, Навоий асарларида 26 мингдан ортиқроқ сўз қўлланган, дейилганида, П.Қодиров изоҳлашича, уларнинг такрор-такрор эмас, балки бир карра ишлатилиши ҳисобга олинган. Аниқроқ айтсак, айни калом Навоий асарларида неча бор қайтарилишидан қатъи назар битта сўз саналган. Навоийнинг насрий асарларидаги сўзлар миқдори бир миллион 378 мингга етиб кетишининг сабаби шундаки, улар неча марта қўлланган бўлса, ўшанча миқдорда ҳисобга киритилган. А.Расулов тақризидаги ушбу маълумотларнинг қайта баёни ўта мавҳум, мужмал, ночор бўлганлиги учун ундан юқоридаги маъно келиб чиқмаган ва Навоийнинг сўз санъатидаги буюклиги

туғрисида мантиқсиз, кемтик тасаввур туғдирувчи замин яратилган. Демак, баёнчиликни ҳам эплаган одам қилиши керак экан-да. Қизиги шундаки, тақризчи Навоийнинг буюклигини кўрсатиш мақсадида далил келтиргани ҳолда, унга тош отиб қўйганини сезмай қолган. Улуг ижодкорларга ёки алоҳида асарларга тош отиш эса А.Расуловнинг ўзи қайта-қайта таъкидлаганидек, танқидчилигимиз ривожининг илк босқичларидан қолган сарқит ҳисобланади.

Англашиладики, катта билим, масъулият, ақл-заковат ва маҳорат билан қўллангандагина, системали таҳлил методи танқидчилик равнақи учун маҳсулдор замин бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳар ҳолда, ҳозирча худди шу йўл, яъни илгариги кўплаб усулларнинг, хусусан, социологик, фалсафий, қиёсий, типологик, биографик, тарихий гносеологик, функционал, эстетик, структурал талқинларнинг энг яхши унсурларини ўзида мужассамлаштирган системали таҳлил методи танқидчилигимиз олдида чароғон уфқлар очиши мумкинлиги аниқроқ аён бўлмоқда.

Тахминан шундай даврлаштирилганда, ижтимоий тараққиётнинг таъсири ҳам, адабий жараён, бадиий ижод ва алоҳида асарнинг ўзига ҳослиги ҳам, танқидчиликнинг ички ривожланиш қонуниятлари-ю таҳлил тадрижи ҳам яхлит ҳолда ҳисобга олинган, бинобарин, ҳақиқатга кўпроқ яқинлашилган бўлади.

Ҳақиқат туйғусининг кемтиклиги Б.Раҳмонов қўлланмасининг “Ўзбек танқидчилигининг намояндалари” деб аталган сўнгги бўлимида ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келган. Унда ўзбек танқидчилигининг кўплаб вакиллари ижоди ҳақида мухтасар маълумот берилган бўлиб, мунаққидларни танлаб, саралаб қўлланмага киритиш ўрнига палапартишликка, шошма-шошарликка йўл қўйилган. Одатда, бундай бўлимлар олий ўқув юртларида ўтиладиган “Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи” фани бўйича амалда бўлган дастурга мос равишда тузилиши жоиз ҳисобланади. Б.Раҳмонов бўлса, дастурда бор танқидчиларнинг ҳам, унда йўқ мунаққидларнинг ҳам фаолиятига доир маълумотларни саҳийлик билан қўлланмага киритаверган. Қўлланма тузишда энг муҳими, ундай маълумотларни танлашда мунаққиднинг ўзбек танқидчилиги тарихида тутган ўрнини, шу соҳа ривожига қўшган ҳиссасининг қийматини инобатга олиш зарурлиги унутиб қўйилган. Шунга кўра қўлланма дастурда йўқ. А.Расулов, ўзбек танқидчилигида сезилар-сезилмас из қолдирган Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим сингари мунаққидлар фаолиятига оид маълумотлар, аниқроғи, мақолаларининг саноғи ҳисобига ўринсиз равишда семиртириб

ҳеч бир олий ўқув юрти дастури ёки режаларида йўқ экан, бундай фанни муаллифларнинг ўзлари ўйлаб чиқарганлари ва Андижон Давлат университети илмий кенгашига тиқиштирганликлари аён бўлади. Зеро, китобнинг дастлабки варағида: қўлланма-хрестоматия «Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети илмий кенгаши қарорига асосан нашрга тавсия этилган», деб ёзиб қўйилган. Олий ўқув юртлари амалиётидан бироз бўлса-да хабардор китобхон бу сўзларни ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлайди. Бунинг сабаби шундаки, азал-абаддан амалиётда олий ўқув юртларида ўтиладиган ва уларнинг дастурлари-ю режаларига кирган, яъни чиндан мавжуд фанлар бўйича яратилган дарслик, қўлланма, хрестоматияларгина илмий кенгашлар томонидан нашрга тавсия этилади. Юқоридаги тавсияномани ўқир эканмиз, дарҳол хаёлимизда: «наҳотки, Андижон Давлат университети илмий кенгаши аъзоларидан биронтаси ҳам «Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи» деган фан йўқлигини билмаса?» — қабилдаги сўроқ туғилади. Нуфузли олимлардан биронтаси ҳам буни билмаслигига ақл бовар қилмайди. Шундай экан, бири декада иккинчиси проректор бўлган муаллифлар мавқеларидан фойдаланган ҳолда тазйиқ ўтказиб, кўпчиликни шундай фан борлигига иқрор қилганликлари ўз-ўзидан англашилади. Шу тариқа афсун билан мавжуд бўлмаган фан бўйича «ўқув-қўлланма-хрестоматия»ларини илмий кенгашдан бир амаллаб ўтказиб олган муаллифлар навбатдаги кароматларини намоёиш қилиб, унинг кимга мўлжалланганлиги ҳақида гапирар эканлар, жуда қизиқ йўл тутадилар. Улар китобнинг талабаларга мўлжалланганлигини қайд этар эканлар, «фан» сўзини мутлақо ишлатмайдилар ва «Сўз боши ўрнида» деган фаслда шундай деб ёзадилар: «Қўлингиздаги китоб талабаларни Европа адабий-танқидий тафаккури тарихи билан таништириш йўлидаги бир уринишдир. Ушбу масалани ўрганиш учун ўзбек тилидаги манбаларнинг жуда камлигини эътиборга олиб, унга икки қисмдан иборат қилиб тартиб бериш мақсадга мувофиқ кўринди. (л — С.С.)ди» (3-бет).

Англашиладики, зукко муаллифлар олий ўқув юртларида ўтиладиган муайян фан бўйича эмас, балки алоҳида бир «масала» юзасидан қўлланма чиқарганлар. Фан билан алоҳида масалани бир нарса деб айнанлаштиришдан ўзга кулгилироқ каромат топиб бўлармикин бу дунёда?

Одатда, университет илмий кенгаши нашрга тавсия этган дарслик, қўлланма ҳамда хрестоматиялар талабаларга ёки профессор ва ўқитувчиларга мўлжалланиб, мазкур ўқув юртида чиндан ўтиладиган муайян фан юзасидан яратилган бўлади. Демак, Д.

Қуронов ва Б. Раҳмоновлар китоблари кимга мўлжалланганлигини кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, унинг қайси фан бўйича тузилганлигини ҳам аниқ эътироф этишлари зарур эди. Ундай фанни эса доно раҳбарлар ўйлаб топа олмаганлар. Китобни бир амаллаб олий ўқув юр்தларининг дастурларига ёки режаларига боғлаш учун муаллифлар қўлида битта имконият бор эди. Улар ўз китобларини «жаҳон адабиёти», «чет эллар адабиёти тарихи» фанларини ёки шунга яқин махсус курсларни ўзлаштириш учун қўшимча материаллар сифатида тақдим этишлари мумкиндек эди. Бироқ муаллифлар бундай қилмаганлар, чунки уларга олий ўқув юр்தлари амалиётидаги бир ҳақиқат жуда яхши маълум. У ҳақиқат шундан иборатки, юқоридаги фанлар бўйича тавсия этиладиган бадиий асарлар фавқулудда кўплигидан талаба улардан орттириб, адабий тафаккур тарихи юзасидан яна қўшимча қўлланма ўқишга мутлақо вақт тополмайди. Энг муҳими, талаба олий ўқув юр்தларида ўтилмайдиган, яъни мавжуд бўлмаган фан, аниқроғи, масала юзасидан тузилган 275 бетлик сўлоқмондай китобни мутолаа қилишни ўзи учун зарур деб ҳисобламайди. Демак, Д. Қуронов ва Б. Раҳмоновлар олий ўқув юр்தлари учун зарурлиги етарлича асосланмаган ўқув қўлланма-хрестоматия чиқариб юборганлар. Уларнинг ноғорасига ўйнаб, китобни нашрга тавсия этиб юборган Андижон Давлат университети илмий кенгаши эса ислоҳга муҳтож кўринади. Ўз-ўзидан мазкур хулосалардан бир мантиқий савол туғилади: республикамиз олий таълим вазирлигидаги раҳбарлар Андижон университетидаги бундай аҳволдан, ўзбошимчаликлардан, волюнтаризмдан хабардормиканлар?

Дарвоқе, муаллифлар ўз китобларининг керакли қўлланма эканлигини исботлаш учун яна бир асос келтиришлари мумкиндек кўринади. Улар китобдаги ғарб адабий-танқидий тафаккури ривожига таҳлилидан ва тақдим этилган мақолалар-у асарлардан илмий тадқиқот олиб борувчилар фойдаланиши мумкинлигини даъво қилсалар бўладиганга ўхшайди. Фақат бунинг учун китобдаги барча таҳлиллар олий мақомда ёзилиши ва танқидий тафаккур тараққиётини мужассамлаштирган мақолалар чуқур ўйлаб танланган ҳамда юксак савияда таржима қилинган бўлиши зарур ҳисобланарди-да. Афсуски, шошма-шошарлик билан ва теран ўйланмай тайёрланганлиги сабабли таҳлиллар ҳам, таржималар ҳам юксак савияга кўтарилиш у ёқда турсин, ёзувчи Майн Рид тасвирлаган бошсиз чавондозга ўхшаб қолган. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун китобнинг тузилишини қисқача эслаб, очерклардаги ва таржималардаги осмонўпар нуқсонлар устида тўхталиб ўтиш зарур

бўлади. Китоб икки қатга бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси қўлланма, кейингиси хрестоматия ёки мажмуа сифатида тақдим этилган (китобнинг устида «хрестоматия», ичида «мажмуа» сўзлари ишлитилган). Қўлланма қисмида ғарб адабий-танқидий тафаккурининг антик даврлардан XVIII асргача бўлган тарихи тўрт босқичга ажратиб шарҳлаб чиқилган. У босқичлар қаторига антик замонлар, ўрта асрлар, уйғониш даври ва классицизм палласи киритилган бўлиб, бундай тасниф ҳақиқатдан йироқ ҳисобланмайди, чунки бари жаҳон адабиёти тараққиётининг асосий фаслларига мослаб, рус адабиётшунослигидан кўчириб олинган. Уларда ҳар қайси давр адабий-танқидий тафаккури тараққиётини ижтимоий-тарихий шароит ҳамда ижодий жараён хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда талқин этишга, турли-туман санъаткорлар қарашларидаги муштарак томонлар-у тафовутларни аниқ кўрсатишга интилиш сезилади. Фақат мазкур масалаларнинг деярли барчасига оид мулоҳазалар, кузатишлар ва хулосаларнинг аксарияти ҳам нуқул рус адабиётшунослигидан танлаб, саралаб, жамлаб ҳамда таржима қилиниб келтирилгандек таассурот қолдираверади. Улар билан танишар экансиз, илгарилари деярли барчасини қаердадир учратгандек, рус тилидаги қайсидир китобда ўқигандек бўлаверасиз. Фақат ўша мулоҳазалар-у талқинлар қай бир манбадан яхлит ҳолда кўчириб олинган, деб айблаш мумкин эмас, чунки улар кўплаб китоблардан тўпланиб, усталик билан бир-бирига ёпиштирилган. Ғарбдаги танқидий қарашлар ва уларга оид мулоҳазалар-у талқинлар, асосан, русча манбалардан йиғиб олинганлигини яна шундан ҳам пайқаш мумкинки, Европа эстетик тафаккури самаралари китобнинг ҳеч ерида шарқдаги адабиётга доир фикрлар билан қиёсланмаган ҳам, фарқлари-ю умумий хусусиятлари аниқланмаган ҳам. Ҳатто китоб муаллифлари худди ўшандай мушкул вазифани адо этган Н. Комилов ва Ф. Сулаймоноваларнинг шу масалаларга доир салмоқдор тадқиқотлари мавжудлигини қайд қилиб ўтишни ҳам ўзларига эп кўрмаганлар. Демак, Д. Қуронов ва Б. Рахмоновлар қўлланмасидаги таҳлилларнинг дастлабки кемтик томони шундаки, уларда ғарб адабий тафаккури шарқдаги танқидий қарашлар билан мутлақо боғланмаган ҳолда талқин қилинган. Бундай думбул талқин юзага келишига муаллифларнинг фақат русча манбаларга таяниш билан чекланганликлари сабаб бўлган.

Афсуски, шарқдаги танқидий қарашлардан буткул узиб олиниб талқин қилинган ғарб адабий тафаккури ривожини таҳлили ҳам китобда тўлақонли чиққан дейиш қийин. Бунга китобнинг қўлланма қисмида ҳам, мажмуа бўлимида ҳам деярли барча йирик даврларга мансуб

Энг улкан адибларнинг танқидий қарашлари онгли равишда эътибордан буткул четда қолдирилганлиги сабаб бўлган. Жумладан, китобнинг қўлланма қисмидаги «Антик давр адабий-танқидий тафаккури» деб аталган дастлабки очеркда жуда кўп қадимги юнон ва рим ижодкорларининг қарашлари кетма-кет таърифлаб чиқилгани ҳолда, ўша замонларнинг энг йирик трагедиянавислари бўлмиш Эсхил ва Софоклнинг бадиий ижодга оид биронта мулоҳазаси тилга ҳам олинмаган. «Уйғониш даври Европа адабий-танқидий тафаккури» деб номланган очеркда эса, ҳозирда деярли унутилган кўплаб адибларнинг фикрлари жонлантирилгани ҳолда, ўша босқичнинг энг буюк номояндалари бўлмиш Сервантес ва Шекспирнинг танқидий қарашлари ёки эстетик принциплари бутунлай таҳлил доирасидан четда қолдирилган. Наҳотки, доно муаллифлар Шекспир ва Сервантес қарашлари ҳамда эстетик принципларисиз Уйғониш даври адабий тафаккури қай даражада юксакликка кўтарилганлигини билмасалар? Агар муаллифлар Шекспир ёки Сервантеснинг тилга олгулик қарашлари қолмаган, деб ҳисобласалар, бундай мулоҳаза юритиш бемаъ依ликдан бошқа нарса эмаслигини исботлаш учун Гамлетнинг: «Театр — ҳаёт ойнаси», — деган сўзлари деярли беш юз йилдан бери қанотли ибора сифатида сақланиб келаётганлигини эслатиб қўйишнинг ўзи етарли бўлса керак. Китобда Шекспирдек даҳо санъаткорнинг танқидий қарашларидан ёки эстетик принципларидан ақалли биронтаси тилга олинмаганлиги ҳимолой тоғи чўққисини кўзлаб йўлга чиққан альпинистларнинг Эвересга етолмай, тубсиз жарликка қулаб ҳалок бўлганлигидек фожиага ўхшаб кетади. Демак, китобда Шекспир қарашлари мутлақо ёритилмаганлигини муаллифлар каромат кўрсатишга уринишларининг яна бир самарасидан ўзга нарса деб баҳолаб бўлмайди. Худди шундай каромат кўрсатишга чираниш қўлланмадаги «XVII аср Европа адабий-танқидий тафаккури» деб сарлавҳаланган сўнгги очеркда ҳам яққол кўзга ташланади. Унда ҳам кўплаб адибларнинг қарашлари юзасидан маълумот берилгани ҳолда, ўша давр Француз адабиётининг энг йирик вакили Мольер ижодининг эстетикаси ёки айрим фикр-мулоҳазалари тилга ҳам олинмаган. Оқибатда китобда классицизм эстетикаси хусусида юритилган узундан-узоқ мулоҳазалар якунига етмай, тўмтоқдек бўлиб қолган.

Китобдаги очерклардан кейин тақдим этилган мажмуа бўлимида ҳам юқоридаги улуғ адиблар, хусусан, Эсхил, Софокл, Сервантес, Шекспир, Мольерларнинг танқидий қарашларини ўзида мужассамлаштирган биронта мақола ҳам ёки ундан парча ҳам ҳавола

қилинмаган. Шекспирдек жаҳон адабиётининг энг буюк намояндалари қарашлари ёки эстетик принциплари буткул китобга киритилмаганлиги натижасида Д. Куронов ва Б. Раҳмоновларнинг «Ўқув қўлланма-хрестоматия»лари бир вақтлар расм бўлган ибора билан айтганда, «миясиз фалсафа»га ёхуд Абдулла Қаҳҳор ҳикоясидаги бошсиз одамга ўхшаб қолган.

Китобнинг шундай чиқишига ва каромат кўрсатишга чиранишнинг ортиб кетишига, иккинчидан, муаллифларнинг деярли бутун дунё миқёсида эътироф этилиб, аксиомадек бўлиб қолган ҳақиқатларни бошқача талқин қилишга ёки уларнинг аксини тўғридек қилиб тақдим этишга уринганлари сабаб бўлган. Ўшандай ҳақиқатлардан бири сифатида қарийб икки минг йилдан бери христиан динининг, асосан, бутун жаҳон миқёсида ғарб деб эътироф этилган минтақага тааллуқлилиги тўғрисидаги қарашни эслаш мумкин. Бу қараш бутун дунё томонидан сира шубха уйғотмайдиган аксиомадек ҳақиқат сифатида тан олинганлиги ёш болага ҳам маълум. Шунга қарамай, Д. Куронов ва Б. Раҳмоновлар мазкур ҳақиқатни ўзлари хоҳлаганларича, яъни бошқача талқин этишга уринаверганлар. Мана, уларнинг бу хусусидаги мулоҳазалари: «Европа маданияти тарихида ўрта асрлар қарийб 1000 йилни — V асрдан XIV асрга қадар бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда эски юнон-рим маданиятининг емирилиши, унинг ўрнида шарқ асосидаги христиан маданиятининг юзага келиши билан характерланади» (27-бет).

Мелоднинг 988 йили князь Владимир Мономах Киев русини христиан динига киритган чоғларда ҳам бу мафкура ғарбдан қабул қилиб олинганлиги айтилган эди. Балки ўшандан бери христиан дини асос эътибори билан ғарбга тааллуқли мафкура эканлиги ҳеч бир шубха туғдирмайдиган ҳақиқатга айланиб қолгандир. Энди, яъни орадан минг йил ўтиб, Д. Куронов билан Б. Раҳмоновларнинг «шарқ асосидаги христиан маданияти» деган жумлани ишлатишлари жуда эриш туюлади. Албатта, муаллифларни шундай жумлани қўллаганликлари учунгина қоралаб бўлмайди, чунки ҳар ким исталган масала юзасидан ўз қарашини ифодалашга ҳақли. Фақат ҳамма гап шундаки, кимда ким қайсидир масала юзасидан ўзининг янги қарашини илгари сурар экан, уни етарлича далиллар воситасида асослаши зарур бўлади. Акс ҳолда, унинг янги қарашига ҳеч ким ишонмайди. Афтидан, қўлланма муаллифлари шу ҳақиқатни унутиброқ қўйганга ўхшайдилар, чунки улар христианликни «шарқ асосидаги маданият» деб эълон қилганлари ҳолда, мазкур янгидек қилиб тақдим этилган қарашнинг исботи учун биронта ҳам жиддий асос келтира олмаганлар. Балки, шунинг учун бўлса керак, мен

китобнинг охирига қадар ҳам христианлик нима учун ғарб дунёсининг маҳсули эмас, аксинча, «шарқ асосидаги маданият» бўлиб қолганлигини англаб ета олмадим. Балки шу қарашни исботлаб берганларида, Д. Куронов билан Б. Раҳмонов чиндан ҳам жаҳон миқёсида мислсиз кашфиёт қилган бўлармидилар? ҳозирча бу қараш қуруқ сафсатадан, навбатдаги кароматдан ўзга нарса даражасига кўтарилмаган. Шундай қарашлар мавжудлиги қўлланмадаги очекрлардан фойдаланиш мумкинлигини даргумон қилиб қўяди.

Афсуски, худди шундай хулосани китобнинг мажмуа бўлими юзасидан ҳам бемалол чиқариш мумкин. Юзаки қараганда, бу бўлимга қадимги юнон адиби Гесиоддан тортиб, XVII аср француз классицизми назариётчиси Никола Буалогача бўлган катта даврдаги ниҳоятда кўп ижодкорларнинг асарлари ёки улардан парчалар киритилгани учун адабиёт ҳақидаги мазкур доноликка тўлиқ дурдоналардан илмий тадқиқот ишларида бемалол фойдаланиш мумкиндек туюлади. Фақат бунинг учун ўша асарларнинг барча таржималари баркамол бўлиши зарур эди. Афсуски, китобдаги таржималар ҳар хил савияда амалга оширилган бўлиб, айримлари номукамаллиги, хатолар-у нуқсонларга бойлиги туфайли аксарият асарлардан илмий тадқиқотларда фойдаланишни жуда мушкул қилиб қўйган. Албатта, таржималарнинг ҳар хил чиқишида фақат китоб муаллифларининг ўзларинигина айблаш ўринли бўлмайди, чунки улар қўлланма бошида қайд қилганларидек, мажмуага Ойбек, М. Маҳмудов ва Жамол Камол томонидан ўзбекчалаштирилган асарларни ҳам киритганлар. Фақат муаллифларнинг айби шунда бўлса керакки, улар қайси асарни Ойбек, М. Маҳмудов, Жамол Камол таржима қилганини ва қай бирларини ўзлари ўзбекчага ўгирганликларини ҳар мақола ёки парча охирида, изоҳларда ёхуд мундарижада кўрсатиб ўтмаганлар. Шунинг учун қайси таржиманинг номукамал чиққанида кимнидир айблаш анча мушкул кўринади. Таржималарнинг номукамал чиққанлиги бир неча жиддий сабабларга бориб боғланади. Қизиғи шундаки, таржимадаги нуқсонларнинг айримлари ҳамкаромат кўрсатиш хуружининг тазйиқи остида туғилганга ўхшайди. Муаллифларнинг таржимадаги кароматлари шунда кўринадики, улар ўзбек адабиётшунослигида узоқ йиллардан бери турғунлашиб қолган, кўпчилик томонидан эътироф этилган айрим атамаларни ўз билганларича бошқача қўллаб, гўё осонлик билан янгилик яратган кашфиётчилардек ном қозонишга интиланлар. Бунга иқрор бўлмоқ учун мажмуадаги бир жумлани, яъни классицизм намояндаларидан драматург Корнель мақоласининг

сарлавҳасини ўқишнинг ўзи кифоя қилади. Мақола сарлавҳаси муаллифлар томонидан: «Уч бирлик — воқеа, вақт ва жой бирликлари ҳақида мулоҳазалар», — деб таржима қилинган (237-бет). Бу сўзларни ўқиган деярли ҳар бир адабиётшунос дарҳол сарлавҳадаги атамаларнинг шу пайтга қадар ўзбек тилида бошқача шаклда, яъни «макон, замон ва ҳаракат бирлиги» тарзида қўлланиб келганлигини эслайди. Мазкур атамалар ўрнига янгиларини, аниқроғи синонимларини таклиф этар эканлар, таржимонлар сўзларининг маъноси ўзгармаслигига суяниб, ўзларини кашфиёт яратган қаҳрамонлар даражасига кўтаришни кўзлаганлар. Фақат бундай «кашфиёт» оқибатида улар адабиётшунослик атамалари айқаш-уйқаш бўлиб кетишини, натижада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган чалкашликлар келиб чиқишини ўйлаб ўтирмаганлар. Адолат юзасидан шуни ҳам эътироф этиш керакки, китобдаги очеркларнинг у ер-бу ерида юқоридаги синонимлар ўрнида «макон, замон ва ҳаракат бирлиги» атамаларининг қўлланганини учратган эдик. Демак, бундан таржималарнинг иккинчи камчилиги, яъни уларда адабиётшунослик атамаларини қўллашда изчиллик, бир хиллик сақланмаганлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Деярли барча томонидан расман қабул қилингандек бўлиб қолган қоидага биноан кеча бир хил аталиб келган ҳодисалар бугун кимнингдир хоҳшига кўра тўсатдан бошқача номлана бошланса, илм-фанда тушунмовчиликдан, бетартибликдан, бошбошдоқликдан ва оқибатда инқироздан ўзга нарса юзага келмаслиги инсоният тарихида қайта-қайта исботланган. Гўё шу ҳақиқатни унутгандек, «макон, замон ва ҳаракат» сингари расман қабул қилингандек бўлиб қолган атамалар ўрнида «воқеа, жой ва вақт» сўзлари ишлатилганлигидан китобни номдор олимлар, яъни фан номзоди-ю доктори эмас, балки ўзбек адабиётшунослигига энди кириб келган ҳамда унинг тажрибасидан, классицизм тарихидан деярли беҳабар илмий ходимлар ёзгандек таассурот туғилади.

Китобдаги таржималарнинг номукамал чиқишига ҳозир деярли ҳеч ким тушунмайдиган, ҳаддан ташқари архаиклашиб қолган сўзларнинг қўллангани ҳам сабаб бўлган. Бунинг мисолини Квинт Гораций Флаккнинг «Поэзия илми» деган шеърини асари таржимасида учратиш мумкин. Очеркларда ҳам, мажмуада ҳам асардан қуйидаги мисралар бир хилда келтирилган:

*Хом шеърларни қабул этмас виждонли, онгли судья,
Дағалини чиқит қилар, қоришиқ байт остига
Қора тортар, такаббурлик пардозларин кесиб ташлар;*

*Муғлоқ шеърни равшанлашга мажбур этар; йўл қўймас
Тутал гапга... (26-бет).*

Бу мисраларни ўқигач, мен ўзим дарс берадиган Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон тиллари университетида қизиқ бир тажриба ўтказдим. Ўзбек филологияси ва халқаро журналистика факультетларида ўқийдиган тахминан уч юз талаба орасига мен: «Муғлоқ шеър» ҳамда «Тутал гап» бирикмалари қандай маънони англатади?» — деган савол ташладим. Буни қарангки, ўша талабалардан биронтаси мазкур сўзларнинг маъносини тушунтириб беролмади. Демак, муаллифлар китобларига қачонлардир қайсидир шоир томонидан қилинган таржималарни киритар эканлар, улардаги ҳозир архаиклашиб қолган сўзларни тушунарли қилиш, ақалли эскирган бирикмаларга изоҳ бериш зарурлигини буткул унутган кўринадилар.

Агар юқоридаги архаик унсурлар ўрнига «Мавҳум шеър» ва «Мужмал гап» бирикмалари ишлатилганда, олам гулистон эди, чунки ўша кичик таҳрирнинг ўзи билан шеър тузилишига ҳеч бир пуғур етмагани ҳолда, маъно ҳозирги замон учун тушунарлироқ шаклда ифодаланган бўлур эди. Муаллифлардан бошқа шоир таржимасига таҳрир киритилганини эса изоҳларда кўрсатиб ўтиш мумкин эди. Афсуски, каромат кетидан қувиш истаги бундай зарурий ва хайрли ишни хаёлга келтириш имконини қолдирмаган. Шу сабабли таржималардаги яна кўплаб сўзлар ёки бирикмалар таҳрирга маҳтожлигича ҳамда замонамиз кишилари учун тушунилиши қийин шаклда ифодаланганича қолиб кетаверган. Натижада деярли бутун китобнинг ўзи архаиклашаб кетганга ўхшаб қолган.

Китобдаги таржималар жуда ночор чиққанлигининг асосий сабабларидан яна бири шундаки, муаллифлар улардаги услубга сайқал бериш ҳақида муғлоқ қайғурмаганлар. Натижада таржималарда ғализ ёки нотўғри тузилган жумлалар, бир гапда битта сўзнинг қайта-қайта такрорланиши, ўзбек тили синтаксиси қоидаларининг қўпол бузилиши сингари иллатлар ниҳоятда кўпайиб кетган. Чунончи, таржималарда сўзлар қанчалик ўйланмай такрорланаверганига иқрор бўлмоқ учун Пьер Даниэль Юэнинг «Романларнинг пайдо бўлиши ҳақида рисола»сидан қуйидаги икки жумлани ўқиш кифоя: «Илгари роман деб фақат насрда ёзилган романларни эмас, кўпроқ шеърый йўлда ёзилган романларни ҳисоблашган...

Ўқувчини хушвақт қилиш гўё маҳоратли романнавис ўз олдига қўйган мақсаддек туюлса-да, бу фақат асосий мақсадга тобе бўлган

мақсад, бош мақсад эса ақлга ўғит бериш ва хулқ-атворни тузатишдан иборатдир» (248-бет).

Кўринадики, кўчирмадаги биринчи жумлада «роман» атамаси уч карра, иккинчи гапда «мақсад» сўзи тўрт марта такрорланган. Бу парчани ўқиган деярли ҳар бир талаба: «Таржимонлар ўзи «роман», «мақсад» сўзларидан бошқасини ҳам биладиларми ёки тўти қушга ўхшаб ёдлаб олганларини такрорлайверадиларми?» — деган саволга жавоб тополмай қийналиши шубҳасиздир. Услубнинг бу қадар хароблиги китобда илгари сурилган, тарғиб қилинган эстетик принципларга буткул номувофиқлигини муаллифларнинг ўзлари сезмай қолган кўринадилар. Бинобарин, улар кейинроқ китобда Буало тили билан адибларни мана бундай доно ҳикматларга амал қилмоққа даъват этгандек бўладилар:

*Истайсизми, сизни севсинлар жондан,
Қочинг бир хилликдан, қочингиз ундан!
Минғиллаб оқувчи, якранг сатрлар
Уйқу дарёсига бизни фарқ этар (259-бет).*

Буалонинг ушбу мисралари олинган «Шеърый санъат» асари таржимаси китобда энг яхши чиққанлигини эътироф этган ҳолда, бошқа рисола-ю мақолалардан аксариятини ўзбекчалаштиришда унинг услубий гўзаллигидан ақалли заррача сақланмаганлиги кишида чексиз афсус-надомат уйғотишини ҳам қайд қилиб ўтиш зарур бўлади. Шунини айтсалар керак-да: «Илмига амал қилмаган мулладан устига китоб ортилган эшак яхши», — деб.

Ниҳоят, таржималар услубининг ғализлигини тугдирган омиллардан яна бири шундаки, муаллифлар айрим ўринларда ҳозирги ўзбек тилининг ҳаммага маълум гап тузилиши қоидаларига очиқдан-очиқ амал қилмагандек таассурот қолдирадилар. Китобда гап тузилиши қоидалари қандай бузилганлигини тасаввур қилмоқ учун юқоридаги рисоладан ушбу парчани ўқиш кифоя: «Давримизнинг одатига мувофиқ бу тарихлар насрда баён қилиниши, маҳорат билан ва муайян қоидалар асосида иншо қилиниши лозим, чунки акс ҳолда шаклсиз бир уюм ҳосил бўладики, унда на тартиб ва на гўзаллик бўлмайди» (248-бет).

Аслида кўчириб келтирилган жумладаги кесим «бўлади» шаклида берилиши зарур эди, чунки ўзбек тили синтаксиси қоидаларига кўра бир гапда «на» инкор боғловчиси икки-уч марта такрорланса, унинг кесими бўлишли феъл тарзида қўлланиши талаб қилинади.

Қизиғи шундаки, таржималарда жуда кўнгилсиз оқибатларга олиб келган каромат кўрсатишга чираниш хуружи китобнинг изоҳлар қисмида бир мунча сўниб қолгандек туюлади. Бунинг сабаби шундаки, муаллифлар қайси асар таржимасини тақдим этмасинлар, улардаги нотанишроқ бўлиб қолган унсурларга рус тилидаги манбалардаги изоҳларни ўзбекчалаштирган ҳолда кўчириш билан чекланганлар. Улар китобдаги барча таржималар ҳозирги замон китобхонига тушунарли чиқиши учун ўзларидан ҳам изоҳлар кўшиш зарурлигини унутганга ўхшайдилар. Бунинг оқибатида таржималардаги айрим сўзлар ҳозирги давр кишилари учун мутлақо тушунилмайдиган бўлиб чиққан. Фикримизнинг исботи учун Корнелнинг юқорида тилга олинган мақоласидан қуйидаги парчани ўқиш ўринли бўлади: «Ечимда иккита нарсадан қочмоқ керак: мақсадларнинг оддийгина ўзгариши ва машинадаги худодан» (242-бет).

Очиғини айтсам, мен бу ердаги «машина» сўзи қандай маънони билдиришини англаб етмадим. Корнель яшаган XVII асрда бизнинг замонимиздаги машиналар ёки автомобиллар бўлмаган. Шундай экан, юқоридаги парчани ўқиган ҳар бир одамда: «Корнель замонидаги саҳналарда худодлар қандай машиналарга жойлаштирилган ҳолда кўрсатилган?» — деган мантиқий савол туғилади. Унга жавоб бермоқ учун Корнель замонидаги «машина» атамасига изоҳ ҳавола этиш зарур эди. Ўшандай изоҳ йўқлиги учун Корнель «машина» деганда нимани кўзда тутганлиги ҳозирги замон китобхонига бутунлай қоронғи бўлиб қолган.

Англашиладики, Д. Қуронов ва Б. Раҳмоновларнинг «Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари» ўқув қўлланма-хрестоматиясидаги илмий фасллар ҳам, таржималар ҳам, тил ва услуб ҳам, изоҳлар ҳам қўп жиҳатдан номукамал, ночор, хароб чиққан. Демак, деярли ҳар жиҳатдан яроқсиз сўзлар ғарами 500 нусхада китоб ҳолида босиб чиқарилганини эрта пишган фан номзоди ва докторининг ўз кароматлари-ю афсунлари билан бутун илм аҳлини лақиллатишга интилишдан бошқа хатти-ҳаракати деб баҳолаб бўлмайди. Фақат афсунгарлар қанчалик устомон бўлмасинлар, балки тўрт эчкини рақсга туширсалар туширарлар-у, лекин бутун таълим оламини ёки жамиятни ўйната олмасалар керак, чунки бутун халқ бефарқлик, билимсизлик, нодонлик касалига йўлиққан эмас ва йўлиқмайди ҳам.

ФАЙЛАР САНГАМИ

Ҳар гал “Эски мактаб” деган сўз бирикмасини эслар эканмиз, дарҳол хаёлимизда ёзувчи Садриддин Айнийнинг худди шу номдаги қиссаси ва унда тасвирланган даҳшатли манзаралар жонланади. Айниқса, улар орасида ўқувчиларнинг товонларига таёқ билан аямай урилгани, оёқ ёрилиб, қон отилиб турган яра ичига туз сепилгани ва ёш боланинг дод солиб чинқиргани ҳар доим ёдимизга тушганда, бутун вужудимиз ларзага келади ҳамда онгимизда беихтиёр: “наҳотки барча эски мактаблар худди шундай бешафқат калтак тизими асосига қурилган бўлса?” — деган савол туғилади. Агар ўшандай машъум тартиблар ҳукм сурган бўлса, асрлар давомида ўлкамиздаги эски мактаблардан Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийдек буюк алломалар-у шоирлар етишиб чиқиши мумкин эмас эди. Бундай хаёлга борар эканмиз, онгимизда: “балки 1480 йилдан кейин юртимиздаги мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш жуда чеклаб қўйилиши натижасида улар Айний тасвирлаган аҳволга тушиб қолганмикин?” — қабилдаги мулоҳаза туғилади. Ундай десак, адиб тасвирлаган ўта аянчли манзара ҳукм сурган мактабдан Садриддин Айнийдек ёзувчининг ўзи қандай етишиб чиқди экан, деган навбатдаги қонуний савол руҳимизда безовталиқ уйғотади. Саволларга жавоб қидирар эканмиз, беихтиёр: “Садриддин Айний эски мактаб иллатларини биров бўрттириброк, ошириброк қўрсатган бўлса ажаб эмас”, — деган хулосага келамиз. Онгимизда шу хилдаги мушоҳадалар туғилишига таниқли адабиётшунос олим Улуғбек Долимовнинг “Туркистонда жаҳид мактаблари” номли китоби (Т., Университет, 2006) туртки берди. Бунинг сабаби шундаки, китоб муаллифи қайсидир ўқитиш усулини нуқул қоралаш ёки оқлаш йўлидан бормай, қадим замонлардан то XX асрнинг бошларигача ўлкамизда мавжуд бўлган деярли барча мактаблар-у мадрасалар ҳақида холис ва ҳаққоний тасаввур туғдиришга интилган. Ўз мақсадига эришмоқ учун Улуғбек Долимов китобида ўша мактабларнинг уч хил кўриниши, яъни усули тааҳажжи (ҳижо усули), усули маддия (чўзиш усули) ва усули савтия (товуш усули) ҳақида тарихий ҳамда назарий йўсинда муфассал маълумот беради. Тарихимизда мавжуд бўлган мактаб ва мадрасалар тўғрисида мушоҳада юритар экан, муаллиф ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини, чекланган томонларини ҳамда афзалликларини рўй-рост кўрсатишга ҳаракат қилган. Жумладан, у XX аср бошларигача юртимизда энг кенг тарқалган мактабларнинг келиб чиқишини мана

бундай тарзда изоҳлайди: “VIII асрдан бошлаб Марказий Осиё араблар томонидан босиб олингач, халифа ҳамма масжидлар қошида мактаблар очиш ҳақида буйруқ берди. Асосан масжид имоми ўғил болаларни йиғиб ўқита бошлади”.

Фақат Улуғбек Долимов эски мактабларда, асосан, ўғил болалар ўқитилганини таъкидлагани ҳолда, бу далилни ўша ўқув юртларининг чекланган томони сифатида талқин этмайди. У холислик юзасидан ўтмишда қизлар учун ҳам қандайдир мактаблар бўлганлигини, фақат улар махсус биноларда эмас, балки хароб ҳолда, яъни отинойилар уйида жойлашганлигини аниқ далиллар, хусусан, чор ҳукуматининг маҳаллий мактаб ва мадрасалар бўйича назорат комиссияси бошлиғи В.Наливкин хатлари воситасида кўрсатиб берган. Эски мактаблардаги ўқитиш тартибини таҳлил қилар экан, китоб муаллифи унинг бутунича таёқ тизимига асосланганлигини рўкач қилавермайди, балки ўша ўқув юртларидаги таълимнинг моҳияти, кўлами, асосий фанлари ва методикаси ҳақида атрофлича маълумот беради. Хусусан, университетда педагогика ўтган бўлсак ҳам, менга Улуғбек Долимов китобида усули тааҳажжи, усули маддия ва усули савтия тўғрисида берилган маълумотларнинг кўпчилиги буткул янгиликдек туюлди. Юқоридаги атамалар илгарилари ҳам унда-мунда қулоғимга чалинган бўлса-да, уларнинг юзага келиши, ўзаро фарқлари ва методикаси юзасидан илк бор Улуғбекнинг мана шу китобидан атрофлича тасаввур олгандек бўлдим. Бунинг сабаби шундаки, бизларга университетда педагогика фани ўқитилган бўлса-да, кўпроқ Европа ва Россиядаги таълим тизими юзасидан билим берилиб, Ўрта Осиёдаги эски мактаблар моҳияти, асосан, “қора” бўёқлар ёрдамида очилар эди.

Эски мактаблардаги таълим кўринишлари ҳақидаги умумий маълумотлар билан бир қаторда Улуғбек Долимов китобида улар юзасидан биринчи марта педагогикамизга олиб кирилган янгиликлар ҳам учрайди. Чунончи, муаллиф эски мактабдаги ўқитиш усуллари устида фикр юритар экан, 1851 йилда худди шу масала юзасидан Вождид Али Мужмалий деган муаллимнинг “Матлаъ-ул улум ва мажмаъ ул-фунун”, яъни “Илмлар боши ва фанлар йиғини” номли китоби яратилганлигини эслатадики, бу далил аввалги педагогикага оид нашрларнинг биронтасида учрамайдигандек кўринади. Гарчанд, таълим методикасига оид махсус китоб яратилган экан, ўз-ўзидан мазкур далилдан эски мактабларни тўлиғича яроқсиз деб ҳисоблаш ўринсиз эканлиги ҳақидаги илмий хулоса келиб чиқади. Шу хилдаги янгиликлар ва педагогика фанимизни бойитувчи умумлашмалар

Улуғбек Долимов асарида ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг барчасини санаб ёки тавсифлаб ўтиш учун китобни қайтадан ёзиб чиқиш зарур бўлади.

Эски мактаблардаги ўқитиш усулларини тўлиғича қоралаш фикридан йироқ бўлса-да, Улуғбек Долимов замонлар ўтиши билан Европада ҳам, Туркистонда ҳам улардан воз кечиш зарурати туғилганлигидек тарихий ҳақиқатдан кўз юммайди, балки бу ҳодисанинг сабабларини, рўй беришидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий шароитларни ва илмий омилларни муфассал таҳлил қилиш йўлидан боради. Албатта, муаллиф мактабларни янгилаш заруратини туғдирган асосий сабабни, биринчи навбатда, мазкур ўқув юртлари ривожининг ички қонуниятларидан, яъни XIX асрда улар тушиб қолган вазиятдан қидиради. Хусусан, у эски мактабларнинг умри тугаганлигидаги бош сабабни қуйидагича изоҳлайди: “Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий каби буюк жаҳоний мутафаккирларни тарбиялаб етиштирган анъанавий миллий мактаблар XVI асрдан бошлаб жаҳон тараққиётидан бутунлай узилиб қолган, бунинг устига, мустамлака тузуми туфайли пароканда аҳволга тушган” эди (3-бет).

Кўчирмадан кўринганидек, эски мактабларнинг янгилинишини тақозо қилган иккинчи муҳим ижтимоий омил сифатида китобда XIX асрнинг ўрталаридан Туркистоннинг Россия мустамлакасига айланишидек тарихий ҳодиса қайд қилинади. Фақат бу ҳодиса талқинида муаллиф эндиликда эскирган йўлдан, яъни Россияга қўшилишнинг нуқул прогрессив аҳамиятини таъкидлаш тамойили изидан бормайди. У Россияга қўшилишнинг Туркистон халқлари, хусусан, маҳаллий мактаблар тақдирида муайян прогрессив аҳамияти бўлганлигини, яъни газеталар чиқарилгани-ю рус-тузем мактаблари очилганлигини эътироф этгани ҳолда мазкур тарихий ҳодисага илгаригидан бошқачароқ, аниқроғи, холисроқ назар ташлашга ҳаракат қилган. Натижада Улуғбек Долимов тарихимиз ёки педагогикамизда илк бор чор ҳукуматининг, мустамлакачиларнинг Ўрта Осиё халқларига ва таълим соҳасига муносабатида уларни итоатда тутиш, тараққиётини чеклаш ҳамда пировардида руслаштириш сиёсати устунлик қилганлигини ишонарли далиллар ёрдамида исботлаб беришга муваффақ бўлган. Жумладан, бу фикрни исботлашда Россия маориф министри Д.А.Толстойнинг 1870 йилда билдирган бир фикри, аниқроғи: “Бизнинг Ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охирги мақсади, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан

бирлаштиришдан иборат бўлиши керак”, — деган фармойиши таянч нуқтаси сифатида хизмат қилган. Мазкур фикр фақат чор амалдорларигагина тааллуқли бўлиб қолмай, анча машҳур, нуфузли рус зиёлилари томонидан ҳам сиёсат даражасига кўтарилганлигини тўлиқ намоён қилишга интилар экан, китоб муаллифи ғоятда кутилмаган ва кишини чексиз ҳайратга соладиган далилларни келтиради. Улар орасида, айниқса, машҳур шарқшунос Н.Ильминскийнинг мустамлака халқларига муносабат ҳақидаги қарашлари ўқувчида бу олимга нисбатан зиддиятли мулоҳазалар-у туйғулар уйғотади. Анча вақтдан бери биз Н.Ильминскийни “Бобурнома”дек улкан асарни рус тилига таржима қилган билимдон олим ва ўзга халқлар маданиятини беҳад қадрловчи зиёли сифатида тасаввур қилиб келар эдик. Унинг Улуғбек Долимов китобида келтирилган қарашлари бундай тасаввурларни чилпарчин қилиб ташлагандек бўлади. Чунончи, Н.Ильминскийнинг кишини чексиз даҳшатга соладиган қарашларидан бири сифатида қуйидаги сўзларини кўчириб келтирмасликнинг иложи йўқ: “Олимлардан ва ўта билимли ўқитувчилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларга нисбатан уларни қаттиқ кузатув остига олинглар. Рус билимини олмаган, рус тилини билмайдиган фанатик биз учун русча билим олган татарга қараганда яхшироқ, янада ёмони аристократ, ундан ҳам ёмони университет билимини олган кишидир. Биз учун энг муносиб одамлар рус тилини яхши билмаслигидан қизарадиган, анчагина хато билан ёзадиган, губернатордангина эмас, оддий маъмурларимиздан кўрқиб турадиган кишилардир” (36-бет).

Бу сўзлар бизнинг кўз ўнгимизда Н.Ильминскийни ҳақиқий маърифатпарвар олим эмас, балки мустамлакачиларнинг маддоҳига, улар учун зулм пичоғини қайраб берувчи малайга айлантириб қўяди. Унинг китобда келтирилган мана бу иккинчи қараши эса, мустамлакачиларнинг маҳаллий мактабларга нисбатан юргизган сиёсатининг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди. Мана, Н.Ильминскийнинг ўша, яъни жадид мактаблари тўғрисидаги сўзлари: “Тараққиёт сари юз тутиб, ислоҳ бўлаётган мусулмонлик ғарб маданияти келтириб чиқарган техник имкониятлардан фойдаланса, шу билан бирга, замонавий мактаблар очишга кучини сафарбар этса, у янги тарихий босқичга чиқади ва насронийлик учун жиддий хавф туғдиради. Шу сабабли Гаспарали илгари сураётган жадидчилик оқимига қарши чиқишга мажбурмиз. Рус ҳукумати ва

зиёлилари жадид мактабларининг очилишига руҳсат бериш билан ўзлари ўтирган дарахт шохини кесмоқдалар” (36-бет).

Энди бу сўзлар Н.Ильминскийни шарқ маданияти дурдоналарининг қадрловчисидан мустамлака халқларининг равнақини кўролмайдиган, уларни абадий қулликка маҳкум этувчи ашаддий душман қиёфасига тушириб қўяди. Унинг сўзлари воситасида У.Долимов ўз китобида чор мустамлакачиларининг Ўрта Осиё халқларига ва хусусан, уларнинг таълим тизимига нисбатан юргизган сиёсатининг авра-астарини очиб ташлайди. Китобдан чор мустамлакачилари Ўрта Осиё халқларини абадий жаҳолатда сақлашга интилгани ва шу сабабли янги усул мактабларига ҳар жиҳатдан тўсқинлик қилганлиги, натижада маҳаллий аҳоли орасидан мазкур сиёсатга қарши жадидчилик ҳаракати ҳамда унинг таълим дастури етилиб чиққанлиги табиий, қонуний ҳодиса эканлиги яққол англашилади. Янги усул мактабларининг юзага келишини тақозо этган мана шу ижтимоий шарт-шароитларни асослашга хизмат қилган юқоридаги каби далилларни китоб муаллифи Россия марказидаги архивлар, кутубхоналар, хорижий мамлакатлардаги нашрлар ва Ўзбекистондаги матбуоту чексиз кўп муассасалардан қидириб топган. Жумладан, Н.Ильминскийнинг юқоридаги сўзлари унинг муқаддас синод обер-прокурори К.П.Победоносцевга ёзган хатидан ҳамда Меҳмет Саройнинг 1987 йилда Анқарада нашр этилган “Турк дунёсида таълим ислоҳоти ва Гаспарали Исмоил” номли китобидан олинган. Демак, У.Долимовнинг тадқиқоти узоқ йиллик изланишларнинг ва заҳматга тўла меҳнатнинг самараси ҳисобланади.

Агар У.Долимов юқоридаги каби фикрларни келтириш билан чекланганда, “ҳа, энди улар баъзи рус мустамлакачиларининг шахсий мулоҳазаси-да”, – деб ўйлашимиз мумкин эди. Лекин У.Долимов китобининг кейинги саҳифаларида шундай қизиқ далиллар келтирадики, улардан юқоридаги қарашлар куруқ сўзгина бўлиб қолмай, айнаи ўша мақсад, яъни мустамлака халқларини жаҳолатда сақлаш йўли билан руслаштириш учун кураш чоризмнинг давлат сиёсатига айлантирилганлиги яққол англашилади. Бунга иқдор бўлмоқ учун китобдаги жуда қизиқ бир далилни, яъни Мунавварқори Абдурашидхоновнинг Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари директори С.М.Граменискийга йўллаган “Илтимоснома”сини эслаш ўринли бўлади. 1911 йилда ёзилган бу хатида Мунавварқори Тошкент шаҳрида ўзи очган янги усул мактабида рус тили ўқитишга руҳсат сўраган эди. Юзаки қараганда, бу илтимос маҳаллий халқларни руслаштириш учун курашаётган

мустамлакачиларга айна муддаодек кўриниши мумкин эди. Ахир уларга ҳам бироз бўлса-да рус тилини билган одамни руслаштириш осонроқ кечиши маълум эди-ку? Фақат шундай бўлгани ҳолда рус амалдори Мунавварқорининг илтимосига жавоб қайтаришга, яъни унинг мактабида рус тили дарслари ўтилишига рухсат беришга шошилмайди, чунки у Н.Ильминский таклиф этган сиёсатдан келиб чиқиб, маҳаллий ёшларни имкон борича кўпроқ жаҳолатда сақлашни маъқул кўрар эди. Шунга кўра оддий бир “Илтимоснома”га уч йилдан кейин ижобий жавоб қайтарилади. Бироқ шунда ҳам барча илм даргоҳларида эмас, балки фақат Мунавварқорининг мактабида рус тили дарслари ўтилишига рухсат берилади. Бундай қизиқарли маълумотлар маҳаллий халқларни жаҳолатда сақлаш йўли билан руслаштириш мақсади мустамлакачилар томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда давлат сиёсатига айлантирилганлигини шубҳа туғдирмайдиган даражада исботлашга имкон берган.

Чоризмнинг мана шу ғайриинсоний давлат сиёсатига нисбатан акс-садо сифатида майдонга келиб, миллат равнақи, ёшлар бахти ва усули савтия тантанаси йўлида кураш заруратини тақозо қилган энг муҳим омил тарзида китобда жадидчилик ҳаракати кўрсатилган. Жадидчилик ҳаракати билан усули савтия мактаблари орасидаги мазкур узвий боғлиқлик китобда мана бу тарзда аниқ ва лўнда ифодаланган: “Жадидчилик ҳаракатининг тамал тоши усули жадид мактабларидир. Бу — жадидшунослар томонидан яқдил эътироф этилган фикр. Бу ҳаракатнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини танитиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ қилиш, миллат, Ватан истиқлоли эди” (3-бет).

Мазкур қарашини асослаш учун китоб муаллифи жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан Исмоил Гаспарали, Мунавварқори Абдурашидхонов, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Суфизода, Ҳамза каби миллат фидойиларининг усули савтия ҳақидаги таълимотларини ва янги мактаб яратиш йўлидаги курашларини бир-бир таҳлилдан ўтказди. Усули савтия тантанаси йўлидаги жадидлар курашининг самаралари сифатида китобда XX аср бошларида Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларида бирин-кетин янги мактаблар очилиши, ёпилиши ва қайтадан оёққа қўйилиши манзаралари мароқ билан чизилади. Чор мустамлакачилари ва маҳаллий мутаассибларнинг қаршилигига қарамай, Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида усули савтияга асосланган ўқув юртларининг кўзиқориндай кўпайиб кетиши манзарасидан жадид мактабларининг

пайдо бўлиши миллат тараққиётидаги қонуний ҳодиса эканлиги тўғрисидаги хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Худди шу умумлашма Улуғбек Долимов тадқиқотининг бош илмий концепцияси ҳисобланади.

Жадид мактабларининг юзага келиши муқаррарлигига ишонтириш учун муаллиф унинг эски билим даргоҳларидан фарқли хусусиятларини ва энг муҳими, ноёб устунликларини, афзал томонларини қиёсий таҳлил воситасида намоён қилади. Қиёсий таҳлил билан танишар эканмиз, муаллиф эски ва янги мактаб ўртасидаги фарқлар ҳамда усули савтиянинг устунликлари юзасидан педагогикамизда илк бор ғоятда аниқ маълумот берганлигига иқрор бўламиз. Унинг муфассал ҳикоясидан англашилишича, эски мактаблардан фарқли ҳолда жадид ўқув юртларида, аввало, диний дарсларни қисман камайтириш ҳисобига дунёвий ф а н л а р г а кенгроқ ўрин берилган. Иккинчидан, янги мактабларда гуманитар илмлар, хусусан, адабиёт дарслари асосий ўрин тутгани ҳолда, табиий фанларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Учинчидан, уларда Беҳбудийнинг “икки тил эмас, тўрт тил зарур”, – деган шиоридан келиб чиқиб, чет тиллар чуқурроқ ўргатила бошланган. Тўртинчидан, янги мактаблардаги таълим тизими имкон борича дунёдаги ривожланган мамлакатлар маорифи даражасига яқинлаштирилган. Шунга кўра уларда калтак тизими тугатилиб, ўқувчиларни жазолаш ёки рағбатлантиришнинг маданийроқ шакллари қўлланилган. Ва ниҳоят, бешинчидан, жадид мактабларида ўтиладиган фанларнинг, айниқса, адабиёт дарсларининг ўқитилиш методикаси ишлаб чиқилган. Китоб муаллифи мазкур хусусиятларни бизга ўхшаб тартиб рақами бўйича санаб чиқиш билан чекланмайди, балки уларнинг чиндан ҳам амалиётда мавжудлигига Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Намуна” мактаби ҳақида атрофлича маълумот бериш воситасида ишонтиради. Муаллиф Мунавварқорининг мактаби чиндан ҳам асос эътибори билан янги бўлганлигини исботлаш учун унда ўқиш неча йил давом этганлиги, қайси синфда қандай фанлар ўтилганлиги, дарслар неча дақиқа чўзилганлиги, ота-оналар қай тартибда ҳақ тўлаганлиги, болаларнинг танаффусда нима қилганлиги, қандай овқатланганлиги ва бошқа тафсилотлар юзасидан ниҳоятда кенг кўламли маълумот беради. Мунавварқори мактаби тўғрисидаги мароқли ҳикоя ўқувчиларда, хусусан, менда ранг-баранг туйғулар, ўйлар ва таассуротлар тугдиради. Хусусан, ҳикоя билан танишар эканман, аср бошларида менинг отам Мириди Содиқов худди ўша Мунавварқори мактабида ўқиганлигини эслаб, қалбим

шодликка тўлиб кетди. Шу ҳодисани хотирлар эканман, онгимдан беихтиёр: “Агар отам ўша жадид мактабида ўқимаганда ва замонининг етук муаллимларидан бири бўлиб етишмаганда, балки мендек кўзи ожиз фарзандининг махсус мактабда ўқиши ҳақида қайғурмаган бўлиши мумкин эди ҳамда у фан доктори даражасига кўтарилиш у ёқда турсин, буткул жаҳолат дунёсида қолиб кетиши ҳеч гап эмас эди”, – деган ўйлар ўтди. Демак, Улуғбек Долимовнинг Мунавварқори мактаби ҳақидаги қизиқарли ҳикоясидан усули жадид ўқув юртлари таълим тизимимизнинг кейинги равнақи ва кишилар бахт-саодати учун порлоқ йўл очган омил бўлганлиги тўғрисидаги хулоса мантиқий равишда келиб чиқади.

Жадид мактабларига хос дастлабки тўрт хусусиятни китоб муаллифи Мунавварқори очган ўқув юртининг муфассал манзарасини гавдалантириш орқали юзага чиқарган. Бешинчи хусусиятни эса у жадид мактаблари учун тузилган дастлабки дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмаларнинг бирма-бир таҳлили ёрдамида кўрсатиб берган. Жумладан, китобда Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал” алифбосидан бошлаб, Мунавварқори, Бехбудий, Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Али Асқар Байрамали Калинин, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли, Аҳмадхўжа Эшон, С.М.Грамениский ва бошқа муаллимларнинг йигирмадан ортиқ китоби тавсифлаб чиқилганки, бу ҳам Улуғбек Долимов тадқиқоти катта заҳматнинг, яъни ҳозир қўлга киритилиши амри маҳол асарларнинг топилиши ва таҳлилдан ўтказилишидек оғир меҳнатнинг самараси эканлигидан гувоҳлик беради.

Дастлабки дарсликлар-у қўлланмалар таҳлилидан жадид мактабларида тил ва адабиёт ўқитиш методикасининг айрим замонавий куртаклари ниш ота бошлаганлиги англашилади, чунки Улуғбек Долимов кўплаб мисоллар ёрдамида бадий асар ўтишнинг баъзи ҳозирги усуллари ўша вақтлардаёқ шаклланганлигини исботлаб берган. Чунончи, у беҳисоб далилларга таянган ҳолда жадид мактабларидаги тил ва адабиёт ўқитиш методикаси юзасидан қуйидаги умумлашмани илгари суради: “Хулоса қилиб айтганда, Саидрасул Саидазизов, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шакурый, Ҳамза каби жадид педагоглари XX аср тонгида биринчилардан бўлиб ўқитишда янги педагогик технологияларга асос солдилар, оғзаки ва ёзма нутқ ўстиришнинг, ифодали ўқишнинг янги шакллари ишлаб чиқдилар” (115-бет).

Энг қизиғи, жадид мактабларидаги тил ва адабиёт ўқитиш услубиятини таҳлил қилар экан, муаллиф унда ҳозирги кунларимиз учун ибратли жиҳатлар борлигини ҳам аниқлашга муваффақ бўлган. Хусусан, жадид мактабларида ёзма нутқ ўстиришга катта аҳамият берилганини эслатар экан, Улуғбек Долимов ҳозирги даврда битирув ва кириш имтиҳонларидан иншо олиб ташлангани ўша самарадор анъанадан чекиниш бўлганлиги ҳамда шу кунларнинг ўзидаёқ ачинарли оқибатларга олиб келаётганлиги тўғрисида куюнчаклик билан мушоҳада юритади. Мушоҳадалар орасида китоб муаллифи жадид мактабларида тил ва адабиёт ўқитиш соҳасида яна бир ибратли ҳамда қизиқарли жиҳат бўлганлиги, яъни Абдулла Авлоний оғзаки нутқни ўстиришда техника воситаларидан фойдаланганлиги ҳақидаги унутилган ҳодисани эслатади. Унинг ёзишича, Абдулла Авлоний 1911 йилда мактаб ўқувчиларидан болалар хори тузиб, ўзининг “Мактабга тарғиб” шеърини айттирган ва граммофон пластинкасига ёздирган. Сўнгра дарсларда ўша пластинкалардан фойдаланиб, болаларга шеърни ифодали ўқиш ўргатилган. Албатта, бундай далилларни ҳам тадқиқотчи осмондан олмаган, балки отаси Субутой Долимовдек мўғтабар аллома хотиралари асосида жонлантирган. Бу далилдан ўз навбатида ҳозирги даврда таълим соҳасига замонавий техника ва технология ютуқларини имкон борица кўпроқ татбиқ эта бориш зарурлиги тўғрисидаги хулоса юзага чиқади. Демак, китобда деярли ҳар бир тафсилотнинг, маълумотнинг, матннинг, хотиранинг ва улар устидаги мушоҳадаларнинг муттасил далиллаб борилиши Улуғбек Долимовга педагогикамизни, хусусан, адабиёт ўқитиш методикамизни бойитувчи ҳамда энг муҳими, ишонарли умумлашмалар чиқариш имконини туғдирган. Лекин Улуғбек Долимов китоби фақат педагогикамизга эмас, балки адабиётшунослигимизга ҳам қўшилган сезиларли ҳисса ҳисобланади, чунки унда жадидлар яратган ва янги мактабларда ўқитган бадиий асарларни тушунишга, ҳис қилишга, ғоявий-услубий хусусиятларини, ижтимоий-эстетик моҳиятини англаб етишга имкон берадиган кўплаб ўй-мушоҳадалар, кузатишлар ҳамда асосланган қарашлар мавжуд. Жумладан, муаллиф Абдулла Авлонийнинг “Нима кимники” шеърини таҳлил қилар экан, унда “аччиқ кинояли оҳанг носоғлом тузумни фош этишда асосий қурол вазифасини ўтаган”, — деган қизиқ бир кузатишни (109-бет) ўртага ташлайдики, бу фикр асарнинг ғоявий моҳиятини очишда жуда ўринли топилган калидга айланади.

Бадиий асарлар юзасидан илгари сурилган қарашлар-у кузатишларни асослашда Улуғбек Долимов адабиётшуносликда синалган усуллар-у воситалардан ҳам унумли ва ўринли фойдаланган. Масалан, у болалар учун ёзилган асарларнинг тили устида мушоҳада юритар экан, шу масала юзасидан машҳур рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг қуйидаги сўзларини кўчириб келтиради: “Болалар билан кундалик ҳаётнинг жиддий масалалари тўғрисида фикрлашганда, адабиёт уларга ўз тилида мурожаат қилиши керак. Бу тил (болалар тили) ажратиб олинган махсус сўз ва иборалар эмас, балки умумхалқ тилининг болалар дунёқарашидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган шаклидир”.

Кўплаб мисоллар ёрдамида Улуғбек Долимов улуғ ёзувчининг ижодий тажрибасидан келтириб чиқарилган бу сўзлар болалар учун ёзилган асарларнинг ўзига хослигини ғоятда ҳаққоний акс эттирганлигини исботлаб берган.

Келтирилган мисоллар Улуғбек Долимовнинг китоби кўп жиҳатдан адабиётшуносликнинг самарадор тамойиллари асосида ёзилганлигини ва худди шу соҳани бойитувчи унсурларга эга эканлигини яққол тасдиқлайди.

Агар китобнинг нуқсонлари тўғрисида гапириш шарт бўлса, фақат ундаги аён кўриниб турган бир камчилик устида тўхталиб ўтиш ўринлидек туюлади. Бу камчилик шундан иборатки, баъзи бадиий асарлар устида фикр юритганда, муаллиф уларнинг ғоявий моҳиятини анча ишонарли очгани ҳолда, мазмуннинг қандай ифодаланганлиги, яъни бадиий қийматини етарли даражада ёритмай кетаверганга ўхшайди. Бунга иқрор бўлмоқ учун яна “Нима кимники” шеърини эслаш ўринли кўринади. Унинг ғоявий йўналишини юқоридаги тарзда тўғри белгилагандан кейин тадқиқотчи асарнинг қуйидаги матнини кўчириб келтиради:

Гар фақир ўлсанг, демас ҳолинг надур?

Меҳрибонлиғ олтину денгоники?

Эски тўн бўлсанг, бўлурсан хору зор,

Иззату ҳурмат тўни янгоники.

Илмдан бойлик юқорида турар,

Сухбату мажлис силлиқ саллоники.

Нега хомуш ўлдинг, эй аҳли хирад,

Бўлди дунё кори шармандоники.

Ушбу матндан кейин муаллиф: “Бундай шеърлар ифодали ўқишнинг оҳангдор чиқиши учун хизмат қилади ва ўқувчиларни ҳаяжонга солади”, — деб ёзади (110-бет). Фақат бу хулосага ишониш

қийин, чунки шеърнинг бадиий жиҳатдан жуда заифлиги ва тилининг ўта ночорлиги асар ҳақида кўтаринки оҳангда гапиришга имкон бермайди. Аввало, шеърда “денгоники”, “янгоники”, “саллоники”, “шармандоники” сингари сўзларнинг барчаси сохта қофия ҳосил қилиш учун бузиб ишлатилганлиги Абдулла Авлоний асарларининг тили мукаммаликдан анча йироқлигини кўрсатади. Иккинчидан, “Илмдан бойлик юқорида турар”, — мисрасида шеърнинг вазни ҳам, қофияси ҳам, рукнлари ҳам буткул бузилганлиги асарнинг бадиий савияси анча пастлигидан далолат беради. Учинчидан, “Иzzату ҳурмат тўни янгоники”, — дейилганда, эркаклар либоси хотинга кийгизиб қўйилгани инобатга олинса, шеърда оддий ҳаёт ҳақиқати ҳам сақланмаганлиги аён бўлади. Шу сабабли У.Долимов китобида “Нима кимники” шеъри юзасидан билдирилган фикр бирёқламароқ ва кўтаринкироқ бўлиб қолган. Хайриятки, китобда бундай ўринлар кўп эмас. Шунга кўра китобни ҳозирги ўзбек адабиётшунослигини ҳам бойитувчи тадқиқотлар қаторига қўшиш мумкин.

Машҳур ҳинд кинофильмида айтилишича, икки дарё қўшилган жой Сангам деб аталади. Гарчанд, Улуғбек Долимовнинг “Туркистонда жаид мактаблари” китоби педагогикамиз ва адабиётшунослигимизни туташтирувчи, энг муҳими, иккаласини бойитувчи тадқиқот бўлиб чиққан экан, уни ўзига хос фанлар Сангами деб аташ ўринли ҳисобланади.

ҚАРДОШЛИК САОДАТИ

Мен бу сарлавҳани таниқли адабиётшунос Раҳматилла Иноғомов қаламига мансуб мақолаларнинг биридан олдим. “Қардошлик саодати” бирикмасини у ўз асарларида қайта-қайта ишлатади. Бунинг сабаби шундаки, халқлар ўртасидаги дўстликни, қардошликни Р.Иноғомов улар равнақининг, бахт-саодатга эришувининг асосий омилларидан бири деб ҳисоблайди. Совет замонида бу ҳақиқатнинг шубҳасизлиги қайта-қайта тасдиқланган, яъни кўплаб халқларнинг истиқболи, фаровонлиги улар орасидаги дўстликка боғлиқ эканлиги такрор-такрор исботланган эди. Эндиликда замонлар ўзгариб, СССРдек катта мамлакат парчаланиши оқибатида ундаги халқлар мустақил тараққиёт йўлига кирган бўлсалар-да, уларнинг бир-биридан ажралган, яъни мутлоқ ёлғиз ҳолда яшашлари мумкин эмаслиги, интеграция зарурлиги кундан-кунга барчага аён бўлиб

бормоқда. Демак, қардошлик ҳали ҳам барчага саодат келтирувчи ҳаёт булоғи бўлиб қолмоқда. Ундан сув ичган ҳар бир одамнинг бахтга эришуви ҳам кундек равшан бўлиб бормоқда. Қизиғи шундаки, Р.Иноғомовнинг шахсий ҳаёти ҳам шу ҳақиқатнинг шубҳасизлигини тасдиқлайди. Зеро, у бутун онгли ҳаётини, фаолиятини халқлар ўртасидаги дўстлигу қардошликни мустаҳкамлашга бағишлади ва шунинг оқибатида ўзи ҳам бахт-саодатга эришди. Р.Иноғомовнинг саодатга, муваффақиятга эришгани шунда кўринадики, ҳозирги кунда у юртимизга машҳур адабиётшунос олим, Ўзбекистон Миллий университетининг етакчи доцентларидан бири даражасига кўтарилди, республика Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси, моҳир таржимон сифатида танилди ва ҳамма орзу қилса арзийдиган гўзал оила соҳибига айланди. Албатта, халқлар дўстлиги учун кураш Р.Иноғомов саодатининг асосий гарови ҳисобланса-да, унинг муваффақияти барча кишиларнинг муайян ютуққа эришуви учун шарт бўлган омилларга ҳам боғлиқ эди.

Деярли ҳамма учун шарт бўлган муваффақиятнинг қизиқ формуласини Альберт Эйнштейн куйидагича таърифлаган: $A=x+y+z$. Бу формулада A — муваффақиятни, x — фидокорона меҳнатни, y — туғма истеъдодни ва билимга интилишни, z эса тилни тийиб юришни англатади. Демак, А.Эйнштейн формуласига кўра ҳар бир одамнинг муваффақияти фидокорона меҳнатнинг, туғма истеъдоду билимга интилишнинг ва тилни тийиб юришнинг бирикуви натижасида юзага келади. Дастлабки икки фазилатнинг Р.Иноғомов сиймосида мужассамлашганлиги аниқ ҳақиқатдир. Унинг кўплаб китоблар чиқарганлиги, университетда ўқиган маърузалари барчага манзур бўлганлиги ва юзлаб шогирдлар етиштирганлиги худди шундан, яъни меҳнатсеварлигу туғма истеъдоддан, билимга интилишдан гувоҳлик беради. Муваффақиятнинг гарови бўлган учинчи шарт, яъни тилни тийиб юриш хусусияти-чи? У ҳам Р.Иноғомовга хосмикин? Умуман, А.Эйнштейн тилни тийиб юриш деганда, нимани тушунган экан? Ҳар ҳолда у тилни тийиш деганда, фирт соқов бўлишни тушунмагандир? Тилни тийиб юриш деганда, у бўлар-бўлмас гапларни гапиравермасликни, сафсата сотавермасликни, ҳадеб мақтанавермасликни тушунган бўлса керак. Худди шундай маънодаги тилни тийиб юриш, яъни камтарона сўзлаш, ўз ютуқларини нуқул кўз-кўз қилиб, мағрурланавермаслик фазилати Р.Иноғомов характериға гўзаллик бағишлаб турган хислатларидан саналади. Балки худди шундай тилни тийиб юриш фазилати бўлганлиги учун мен фақат мазкур мақолани ёзишга

кириша турибгина, Р.Иноғомовнинг йигирмага яқин китоби босилганлигини, юздан ортиқ мақоласи эълон қилинганлигини билиб олдим. Фақат бундай даражаларга, мавқеларга Р.Иноғомов бирданига эришгани йўқ. У етишган саодату муваффақиятлар узоқ йиллик изланишларнинг, интилишларнинг, заҳматга тўла меҳнатнинг, курашларнинг самараси ҳамда юқоридагилардан ташқари яна кўплаб омиллар, шарт-шароитлар таъсирининг ҳосиласи ҳисобланади. Ундай ҳаётбахш омилларнинг дастлабкиси сифатида Р.Иноғомовнинг онгли ҳаёти бошларида жуда ҳам юксак савиядаги илмий ва адабий муҳитга тушганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Уруғ қанчалик бўлиқ бўлмасин, унинг униб чиқиши ва яхши ҳосил бериши учун муайян шароит зарур бўлганидек, Р.Иноғомовнинг ҳар томонлама вояга етиши, камол топиши учун кўп жиҳатдан мўтадил муҳит ҳам лозим эди. Худди шундай муҳитни Р.Иноғомов Тошкентдаги 24-ўрта мактабни битиргандан сўнг 1955 йилда Ўрта Осиё Давлат университетига ўқишга кириб, филология факультетида топди. У кириб келган муҳитнинг юксак илмий савияси шу билан белгиланардики, ўша вақтда факультетда Айюп Фулом, Фулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов, Фозила Сулаймонова сингари йирик олимлар, етук педагоглар дарс берар эдилар. Ёш Раҳматилла илм соҳасида шу алломалардан сабоқ олиб, камолга етди. Шу билан бирга ўша вақтда Раҳматилла ҳар куни суҳбатлашадиган, бирга бўладиган талабалар давраси, ёшларнинг адабий муҳити ҳам фавқуллодда кўп миқдордаги истеъдодли йигит-қизлардан ташкил топган эди. Хусусан, Р.Иноғомов беш йил бирга ўқиган даврада кейинчалик катта шоир бўлиб етишган Эркин Воҳидов, Анвар Исроилов, Анвар Эшонов, танқид, адабиётшунослик ва журналистика соҳасида вақтлар ўтиб, донг таратадиган Талъат Солиҳов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Матлуба Исломова, Мамлакат Ҳошимова сингари истеъдодли ёшлар бор эди. Ёш Раҳматилла танқид ва адабиётшунослик осмондаги парвозлари учун шу даврадан битмас-туганмас руҳ олган бўлса ажаб эмас. Фақат бу осмонда бирданига қанот қоқиб, парвоз қилиб кетиш мумкин эмас эди. Ҳар қандай куш боласи учишга секин-секин ўрганганидек, танқид ва адабиётшунослик соҳасида тўғри йўлга тушиб олмоқ учун дастлабки қадамларни қўйиши лозим эди. Бунинг учун эса университетда олинган пухта билимдан ташқари муайян тажриба ҳам зарур эди. Шундай тажриба орттириш мақсадида Р.Иноғомов университетни муваффақият билан битиргандан сўнг 1960-1963

йиллар мобайнида “Билим” жамиятида маъруза ташкилотчиси ҳамда муҳаррир бўлиб хизмат қилади. Муҳаррирлик жараёнида қалам тутишга қўли келиб қолган Раҳматилла 1962 йилда танқидчилик соҳасида ўзининг дастлабки қадамини ташлайди. Албатта, унинг айрим хабарлари мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ матбуот саҳифаларида босилиб чиққан эди. Лекин унинг танқидчиликдаги биринчи мақоласи эса, худди ўша 1962 йили “Ўзбекистон маданияти” газетасида эълон қилинган эди. Шу мақолани, яъни “Қаҳрамонлик мадҳияси” деб аталган тақризни Р.Иноғомов ўзининг танқидчилик майдонидаги илк қадами ҳисоблайди. Тақриз ёзувчи Вали Фафуровнинг “Вафодор” романи таҳлилига бағишланган бўлиб, бутунча ўша давр танқидчилиги мезонлари асосида ёзилган эди. Ўша мезонларга мувофиқ ҳолда романнинг ғоявий йўналиши, қаҳрамонларнинг моҳияти масалаларига анча муфассал тўхталиб, муаллиф асарнинг бадиийлигига хос хусусиятлар ҳақида баъзи енгил-елпи фикрларни айтиш билан чекланган эди. Жумладан, романнинг ғоявий йўналиши тўғрисида тақризда қуйидаги эҳтиросга тўлиқ мулоҳазалар илгари сурилган эди: “Вафодор” романи Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида совет кишилари кўрсатган жасорат, ўзбек халқининг мамлакатимиздаги бошқа ҳамма қардош халқлар билан бир жон, бир тан бўлиб олиб борган кураши ва қаҳрамонлиги, республика меҳнаткашларининг фронтга ёрдам бериш учун астойдил меҳнат қилганликларини тараннум этишга бағишланган.

Роман уруш ҳақида бўлишига қарамай, гуманистик руҳда ёзилган, ҳаёт ҳақида, тириклар ҳақида ҳикоя қилади...

Вали Фафуров ўз романида ғоят муҳим бир ғояни — совет кишилари ҳар қандай оғир шароитда ҳам одамий бўлиб қолишларини моҳирлик билан таъкидлаб ўтган. Инсон фазилати — Ватанга ва халққа содиқлик, ўз бурчини ҳалол бажаришдан иборат эканлиги асарнинг ибтидосидан интиҳосигача қизил ип бўлиб ўтган.

Ёзувчи ҳаётни бутун мураккаблиги билан тасвирлайди”. (Иноғомов Р. Қаҳрамонлик мадҳияси, “Ўзбекистон маданияти”, 1962 йил 15 август).

Адабиётга энди кириб келган ёзувчининг биринчи асарини бу қадар кўтаринки баҳолаш, яъни унда ҳаёт бутун мураккаблиги билан тасвирланганлиги ҳақида гапириш ёш тадқиқотчининг сўз санъати намуналарини таҳлил қилишни энди ўргана бошлаганлигини, шу соҳада машқлар қилаётганини, изланаётганини кўрсатар эди. Бадиий асар таҳлилида тажриба орттириш, мукамалликка эришиш йўлидаги изланишлар яна шунда кўринар эдики, тақризда ўша давр

танқидчилиги тамойилларига қаттиқ суяниб, муаллиф романдаги асосий қаҳрамонларга, хусусан, Рустам ва Муҳаббат образларига муфассал таъриф-тавсиф бериб чиққан, асарнинг мазмунини қайта ҳикоя қилишга катта ўрин ажратган эди. Баёнчилик, айниқса, романдаги қаҳрамонлардан Муҳаббатга тааллуқли воқеаларнинг қайта ҳикоя қилинишида яққол кўринган эди.

Шу билан бирга тақризда танқидчи учун зарур ҳисобланган фазилатларнинг айримлари ҳам куртак ҳолида намоён бўлган эди. Чунончи, Р.Иноғомовда танқидчи учун зарур бўлган фазилатлар борлиги шунда аён кўринган эдики, у романни анча кўтаринки талқин этишига қарамай, нуқул мақтовга берилмасликка, асарнинг камчиликларидан кўз юммасликка, яъни қай даражададир холис баҳолашга интилган эди. Шунга кўра тақризчи романнинг баъзи камчиликларини тўғри қайд қилган ва уларнинг чиндан мавжудлигини қисман исботлаган эди. Масалан, Р.Иноғомов романнинг асосий камчиликлари юзасидан мана бу асосли кузатишлари билан ўртоқлашган эди: “Бизнингча, асардаги асосий камчилик унда бадиий ижоднинг зарур компонентларидан бири — қаҳрамонларни ҳаракатга келтирувчи кучли конфликтнинг йўқлигидир.. Иккинчидан, ёзувчи бадиий асарнинг эмоционал таъсир кучини оширишда, ўқувчиларда завқ уйғотишда, жонли образ яратишда тасвирий воситалардан бири бўлган қаҳрамонлар портретини чизишга аҳамият бермаган”.

Р.Иноғомовнинг иккинчи тақризи, яъни ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Чўри” қиссасига бағишланган мақоласи ҳам бутунича ўша давр адабий танқидчилиги мезонлари асосида ёзилган эди. Буни тақризга “Қора ўтмиш қиссаси” деб ном қўйилганидан ҳам яққол пайқаш мумкин, чунки ўша йиллар ижтимоий фанларида ва танқидчилигида Октябрь инқилобидан аввалги ҳаётни нуқул “қора” деб тақдим қилиш расм бўлган эди. Бу тақризда ҳам юқоридаги камчиликлар яққол кўринса-да, қиссанинг баъзи нуқсонларига оид нозик кузатишлар ҳам кўзга ташланар эди. Мана, улардан бири: “Фикримизча, повестдаги асосий нуқсонлардан бири тилдаги бадиийликнинг етишмаслигидир”.

Ўзининг бу кескин даъвосини исботлаш учун тақризчи тубандаги аниқ далилни келтиради: “Ёзувчи кенг ўқувчилар оммасига унча таниш бўлмаган “шикар омада”, “доҳил”, “тийрандоз”, “мароҳилни тай этиб”, “доволзон” каби сўзларни кўп ва кераксиз жойларда ҳам ҳеч қандай изоҳсиз ишлатиб юборади”. (Иноғомов Р. Қора ўтмиш қиссаси, “Ўзбекистон маданияти”, 1963 йил 16 март).

Кўрамизки, илк тақризларидаёқ ёш тадқиқотчининг изланишларида бадий асарни таҳлил этишда холислик томон интилиш секин-секин юзага чиқа бошлаган. Шу билан бирга бу тақризларда Р.Иноғомов тадқиқотларидаги асосий йўналишларнинг биринчиси белгиланаётганлиги ҳам аниқ сезилган эди. Бу йўналиш замонавий ўзбек адабиёти тараққиётини, муаммоларини, алоҳида намуналарини, айрим вакиллари ижодини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлиб, у Р.Иноғомов фаолиятида 60-йилларнинг бошларидан деярли умрининг охиригача давом этади. Хусусан, олим ўзбек адабиёти муаммоларидан ижобий қаҳрамон ва ёшлар ижоди масаласига кўпроқ эътибор берди ҳамда уларнинг тадқиқига “Бош қаҳрамон — замондошимиз”, “Адабиётимиз истиқболи” сингари учта китоб бағишлади. Мазкур китоблардан юқоридаги муаммолар хусусида муайян тасаввур олиш мумкин эди. Фақат бу тасаввур бизга илгаридан танишдек, онгимизга қай даражададир жойлашиб олгандек туюлар эди. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, мазкур китобларда ўша даврларда машҳур бўлган “Синчалак”, “Бўрондан кучли”, “Фолиблар”, “Туғилиш”, “Уч илдиз”, “Муқаддас”, “Диёнат” каби асарлар юзасидан бошқа танқидчилар илгарироқ билдирган кўп маълум фикрлар ҳар хил шаклларга солинган ҳолда такрорланган эди. Масалан, Р.Иноғомовнинг “Адабиётимиз истиқболи” китобидаги: “Адабиётга янги-янги ёш ижодкорларнинг кириб туриши адабиётимизнинг истиқболини кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири саналади... Адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи, унинг халқ ҳаёти ва жамият тараққиётида тутган ўрнини сўнгги йилларда адабиётга кириб келган ёшлар ижодисиз тасаввур этиш асло мумкин эмас” (Иноғомов Р. Адабиётимиз истиқболи. Т., ЎзКП МКининг бирлашган нашриёти, 1968, 3-бет), — деган сўзлари беихтиёр ҳаёлимизда танқидчи У.Норматовнинг сал илгарироқ эълон қилинган “Ижод эстафетаси ишончли қўлларда” номли мақоласини жонлантиради (Адабиётимизнинг ярим асри. Т., Ф.Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967). Бу ерда гап кўчирмачилик ҳақида эмас, балки маълум фикрларнинг бошқачароқ шаклда ёки тартибда такрорланиши тўғрисида кетаяпти. Шунга кўра Р.Иноғомовнинг юқоридаги китобларидан кўчирмачилик иллатини қидириш мутлақо ноўрин бўлади. Фақат уларда мавжуд мулоҳазалар-у кузатишларнинг қай даражададир такрорланиши бадий адабиётни таҳлил қилишда тўғри йўл топишга уринишлар, изланишлар узоқ давом этганлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос беради.

Узоқ йиллар мобайнида, лекин муайян танаффуслар билан биринчи йўналишда қалам тебратиб, Р.Иноғомов кейинчалик ўзбек ёзувчиларидан Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Ў.Умарбеков, Х.Тўхтабоев, Ў.Усмонов, Ў.Ҳошимов, О.Ҳакимовларнинг ижоди ёки алоҳида асарлари ҳақида кўплаб мазмундор адабий портретлар, мақолалар, тақризлар яратдики, улар тадқиқотчининг изланишлар босқичидаги машаққатлардан, нуқсонлардан аста-аста қутила бораётганлигидан далолат беради. Уларда, хусусан, Х.Тўхтабоевнинг “Сехрли қалпоқча” ва “Сариқ девни миниб” асарларига бағишланган мақолаларида Р.Иноғомовнинг бадиий адабиёт намуналарини таҳлил қилиш маҳорати анча ортганлиги аниқ-равшан намоён бўлади.

Илк тақризлари чиққан кезларда Р.Иноғомов ҳаётида унинг ижодий парвозларига қўшимча қанот бахш этадиган икки воқеа юз беради. Аввало, тақдир Р.Иноғомовни кейинчалик унинг ажралмас қанотига, ҳаётининг мазмунига айланадиган Маликахон деган бир гўзал қизга рўбарў қилади. Бу ерда “гўзал” сўзи шунчаки бир сифатлаш тарзида ишлатилаётгани йўқ. Мазкур ўринда у А.П.Чехов таърифлаган ҳақиқий гўзаллик маъносини англатади. Ҳа, Маликахон тимсолида Р.Иноғомов ҳам ташқи қиёфаси, ҳам маънавий олами гўзал бўлган чинакам инсонни ва унинг чексиз муҳаббати-ю садоқатини, кейин қурилган оилада эса, бутун умрга татийдиган бахтни топган эди. Балки битмас-туганмас маънавий гўзаллик, руҳий бойлик, инсоний мукамаллик тимсоли бўлмаганда, ҳозир Малика опа республикамизнинг энг етук адабиёт муаллимлари қаторидан ўрин олиши даргумон эди. Маликахоннинг Р.Иноғомов парвозларига қанотлиги шу билан белгиланар эдики, у ўзи каби гўзал тўрт фарзанд ҳадя қилиш билан бирга ёш тадқиқотчининг эркин ва унумли ижод қилиши учун энг мувофиқ шароит ҳозирлаб бера олган эди.

Р.Иноғомов тадқиқотларининг самарадорлигига, унумдорлигига йўл очган иккинчи муҳим воқеа шундан иборат эдики, у 1963 йилнинг охирларида Тошкент Давлат университетининг проф. Л.Қаюмов раҳбарлигидаги қардош халқлар адабиётини тадқиқ этувчи кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтади. Ўшандан бери Р.Иноғомовнинг бутун фаолияти мана шу университет билан боғлиқликда кечди. Университетда у оддий ўқитувчиликдан доцент ва маълум вақт тайёрлов кафедрасининг мудири даражасига кўтарилди.

Университетга ўтиши Р.Иноғомов илмий ишларининг йўналиши маълум даражада ўзгаришига сабаб бўлади. Илгари у, асосан, ўзбек

адабиётини тадқиқ этиш билан шуғулланиб келган бўлса, энди халқимизнинг бошқа қардош миллатлар билан ижодий алоқаларини ўрганиш ва талқин этиш зарурати туғилади. Шундай қилиб, Р.Иноғомовнинг илмий фаолиятидаги иккинчи асосий йўналиш, яъни ўзбек ва қардош халқлар ўртасидаги адабий алоқаларни тадқиқ этиш жараёни бошланади. Бу алоқаларни теран тадқиқ этиш учун, аввало, қардош халқлар адабиётларини, уларнинг намояндалари ижодини ўрганиш зарурияти туғилади. Шу ишга астойдил киришгани сабабли Р.Иноғомов қисқа фурсатда кўплаб қардош халқ ёзувчилари ижоди юзасидан қатор китоблар яратади ва нашр эттиради. Қисқаси, илмий муваффақиятга элтувчи омилларнинг кўпайиши оқибатида 1964 йилда Р.Иноғомовнинг “Эрк куйчиси” номли биринчи китоби босилиб чиқади. Кенг халқ оmmasига мўлжалланган бу китобчада машҳур украин шоири Т.Г.Шевченконинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек ўқувчиларига тасаввур бериш мақсади қўйилган эди. Муаллиф ўз мақсадига, асосан, эришган, дейиш мумкин, чунки китобда шоир яшаган давр, таржимаи ҳоли, ижод йўли, асарлари, уларнинг моҳияти, ғоявий йўналиши, баъзи бадиий хусусиятлари тўғрисида жуда кўп маълумот келтирилган эди. Фақат бу маълумотларнинг деярли ҳаммаси рус адабиётшунослигидаги Т.Г.Шевченко ижодига оид асарлардан олинган эди. Лекин бу ҳам ўзига яраша меҳнатни талаб қилар эди, чунки Р.Иноғомов маълум далилларни Т.Г.Шевченко ижодига оид битта асардан кетма-кет кўчириб олмасдан, кўплаб илмий ва танқидий китоблардан тўплаган, саралаган, тартибга солган, шеърий парчалар таржимаси билан бойитган ҳолда Ўзбекистондаги ўқувчилар оmmasига тақдим этган эди. Барча ўзбек китобхонлари рус тилидаги шевченкошунослик намуналари билан таниша олмаслиги ҳисобга олинса, Р.Иноғомов яратган рисола республика миқёсида бўлса-да, муайян қийматга эга эканлиги аён бўлади. Демак, бу иш ҳам игна билан бўлмаса-да кетмон билан қудуқ қазишдек қийин ва керакли меҳнат ҳисобланади. Тўғри, китобнинг дунёга келишида муаллифнинг қисман бўлса-да, шахсий ҳиссаси ҳам бор. Чунончи, у рисолада Т.Г.Шевченко асарларининг Ўзбекистонда тарқалиши, таржималари ҳақида қисқача маълумот беради. Фақат худди шундай ўринларда, яъни муаллифнинг шахсий қарашлари, кузатишлари кўпроқ намоён бўладиган жойларда, хусусан, Т.Г.Шевченко ва ўзбек адабиёти муаммоси талқинида ёш тадқиқотчи юзаки, етарлича асосланмаган ёки хато мулоҳазаларга йўл қўяди. Масалан, у юқоридаги муаммога тўхталиб, шундай деб ёзади: “Украин халқининг улуг шоири Шевченконинг

баракали ижоди ўзбек адабиётига ҳам порлоқ саҳифа бўлиб киради. Чунки буюк санъаткор Туркистон меҳнаткашларининг ўтган асрнинг биринчи ярмидаги аянчли аҳволини ўз кўзи билан кўриб ачинган, буни қатор поэтик ва прозаик асарларида, бадийий полотноларда тасвирлаган эди” (Иноғомов Р. Эрк куйчиси. “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони сурх” бирлашган нашриёти. Т., 1964, 31-бет).

Ўзимизга яқинроқ бир мисолни, яъни Ойбек ижодини эсласак, юқоридаги мулоҳазанинг шубҳали эканлиги дарҳол аён бўлади. Ойбек Покистон сафаридан кейин у ердаги меҳнаткашлар ҳаётига қай даражададир алоқадор бўлган “Ҳақтўйлар”, “Зафар ва Захро”, “Нур қидириб” асарларини ёзган эди. Лекин шу билан ўзбек тилидаги Ойбек ижоди Покистон ёки ҳинд адабиётининг саҳифасига айланиб қолгани йўқ. Худди шунингдек, украин тилида яратилган Т.Г.Шевченко ижоди ҳам бевосита ўзбек адабиётининг бир қисмига айланиб қолмайди ва айланиб қолиши мумкин ҳам эмас. Афтидан, юқоридаги парчада Р.Иноғомов ўйлаган фикрнинг ифодаси муваффақиятли чиқмаган, чунки аслда у ушбу сўзлари билан Шевченко ижодининг ўзбек халқига яқинлигини таъкидламоқчи бўлган холос. Шунга қарамай, яхши асосланмаган ёки ифодаси номукамал фикрларнинг мавжудлиги илк китобда ҳам ёш тадқиқотчининг изланишлари давом этаётганлигидан гувоҳлик беради.

Изланишлар худди юқоридаги рисола қабилида ёзилган кейинги икки китобда ҳам давом этади. Шота Руставели ҳақидаги “Грузин шеърятининг қуёши” ва М.Горький ижодига бағишланган “Инсоният адиби” номли ушбу китоблар ҳам худди юқоридаги усулда, яъни, асосан, мазкур санъаткорлар тўғрисидаги рус адабиётшунослиги материалларини жамлаш, умумлаштириш, маҳаллий ўқувчи савиясига яқинлаштириш йўли билан яратилган эди. Уларда ҳам шахсий қарашлар, кузатишлар салмоғи анча паст эди. Ҳатто бундай қарашларни юзага чиқариш имкони туғилган ўринларда ҳам муаллиф улардан деярли фойдаланмагани сезилади. Масалан, “Грузин шеърятининг қуёши” номли китобчасида у Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асари 1959 йилда Миртемир ва Мақсуд Шайхзода томонидан ўзбек тилига таржима қилинганини айтади, лекин унинг қандай амалга оширилганлиги, сифати тўғрисида биронта ҳам мулоҳаза билдирмайди. Бундай нуқсоннинг туғилиш сабаби шунда эдики, Р.Иноғомов таржимани таҳлил қилиш зарурлигини диққат

марказидан қочирган эди. Худди шу камчилик, яъни таҳлилнинг саёзлиги ёш тадқиқотчининг юқорида тилга олинган барча китобларида кўзга ташланар эди. Шу билан бирга “Инсоният адиби” номли китобчасида шахсий мулоҳазаларни илгари суриш, далиллаш, ишонтириш кучини ошириш борасида баъзи муваффақиятли қадамлар қўйилаётгани ҳам сезилар эди. Жумладан, муаллиф М.Горькийнинг XX аср ўзбек ёзувчилари ижодига таъсири масаласини ёритар экан, кўплаб далиллар билан бир қаторда қуйидаги қизиқ кузатишини ҳам ўртага ташлайди: “Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўшчинор” асари тематик жиҳатдан Горькийнинг “Она” асарига яқин туради. Гарчи бу асарларда икки давр, икки тузум ҳаёти акс этган бўлса-да, улар ўртасида маълум қариндошлик бор. Бу қариндошлик ҳар иккала асарнинг темасида кўзга ташланади. Чунки “Она”да ҳам, “Кўшчинор”да ҳам янги инсоннинг туғилиши, унинг тарбияси масаласи бош масаладир. Абдулла Қаҳҳор ҳаётдаги катта революцион воқеалар туфайли қаҳрамонлар психологиясида рўй берган ўзгаришни тасвирлашда Горький асарлари, хусусан, “Она” романидан, ундаги Ниловна образидан ижодий фойдаланган” (Иноғомов Р. Инсоният адиби. Т., ЎзКП МКининг бирлашган нашриёти, 1968, 33-34-бет).

Албатта, ҳозирги кунда янги инсон образи, “Она” ва “Кўшчинор” романларининг тематик жиҳатдан қариндошлиги ҳақида гапириш анча эриш кўринади. Бироқ ушбу икки асар орасида қандайдир муштараклик борлиги тўғрисидаги Р.Иноғомов қараши ҳақиқатга яқин туюлади, чунки “Кўшчинор”нинг бош қаҳрамони Сидиқжон психологиясидаги кескин ўзгариш қай даражададир Ниловна характеридаги бурилишни эслатар эди. Демак, икки роман орасидаги Р.Иноғомов илғаган яқинлик қаҳрамонлар характери ривожини тасвирлашда намоён бўлар эди.

Афсуски, бундай қарашлар, кузатишлар Р.Иноғомовнинг юқоридаги рисолаларида жуда кам учрар эди. Шунга кўра юқорида тилга олинган барча тақризу мақолалар ва китоблар Р.Иноғомов тадқиқотчилик фаолиятининг дастлабки, яъни изланишлар босқичини ташкил қилиши ҳақида хулоса чиқариш мантиқий бўлади. Унинг фаолиятидаги иккинчи босқич, яъни адабиётшунослик соҳасидаги чинакам ижод палласи эса 1972 йилда нашр этилган “Адабий қардошлик тароналари” номли китоби билан бошланади. Аслида бу босқични сал олдинроқдан, яъни 1969 йилдан бошлаш тўғрироқ бўлади, чунки худди ўша йили Р.Иноғомов “Ўзбек-туркман адабий алоқалари тарихидан” деган мавзуда номзодлик

диссертацияси ёқлаган бўлиб, юқоридаги китоб шу тадқиқот асосида дунёга келган эди. “Адабий қардошлик тароналари” китоби билан Р.Иноғомов фаолиятида янги босқич бошланишининг асосий сабаби шундаки, унинг илгариги барча рисолаларидан мазкур асари таҳлилнинг чуқурлашгани билан фарқланар эди. Китобдаги теранлик адабий алоқалар тарихини ёритишда ҳам, ўзаро таъсир муаммолари талқинида ҳам, алоҳида асарлар таҳлилида ҳам яққол сезилади. Теран таҳлил эса муаллифга ўзбек-туркман адабий алоқалари юзасидан янгича қарашлар, умумлашмалар ва хулосалар чиқариш имконини беради. Бунга иқрор бўлмоқ учун ўзбек-туркман адабий алоқалари тарихини даврлаштириш масаласи китобда қандай талқин этилганлигини эслаш мумкин. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Р.Иноғомовнинг худди шу китобида адабиётшунослигимизда биринчи марта ўзбек-туркман адабий алоқаларини даврлаштиришга уриниш кўзга ташланган эди. Даврлаштиришда муаллиф адабий алоқалар жараёнининг табиатини, ички тараққиёт қонуниятларини, ўзгаришлар моҳиятини имкон борича кўпроқ ҳисобга олишга интилган. Тўғри мезонларга суяниш натижасида у XV асргача бўлган давр ўзбек-туркман адабий алоқалари тарихининг биринчи босқичи эканлигини кўплаб далиллар воситасида исботлашга муваффақ бўлган. Р.Иноғомов кузатишларидан аён бўлишича, Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ ҳолда бу алоқаларнинг иккинчи босқичи юзага келади. Бу даврда Навоий ижодининг туркман шоирлари ижодига энг кучли таъсир кўрсатганлиги кундек равшан бўлса, Махтумқули ижоди билан боғлиқ ҳолда бошланган учинчи босқичда унинг асарлари ўзбек адабиёти равнақига хизмат қилган ҳаётбахш омил бўлганлиги яққолроқ сезилади. Шу тариқа Р.Иноғомов китобида ўзбек-туркман адабий алоқалари тарихидаги асосий босқичларнинг ўзаро фарқлари ва аҳамияти очила борилади. XX аср мазкур алоқаларнинг ҳар вақтдагидан кенгайган бир даври эканлигини ҳисобга олиб, Р.Иноғомов уни алоҳида босқич сифатида талқин этади. Мазкур қарашлар ўзига хос янгилик ҳисобланади, чунки илгари адабиётшунослигимизда ўзбек-туркман алоқаларини бундай даврлаштириш бўлмаган эди.

Р.Иноғомов китобида ўзбек-туркман адабий алоқалари муаммолари талқинидаги теранлик шунда кўринадикки, муаллиф мазкур муносабатларга тааллуқли деярли барча асосий масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Ундай муаммолар жумласига “Ҳамза ва туркман адабиёти”, “Қардош халқ ёзувчиларининг камол

топишида Тошкент адабий муҳитининг аҳамияти”, “Ўзбек адиблари ижодида Туркманистон мавзуи”, “Туркман ёзувчилари Ўзбекистон ҳақида” сингари муҳим масалалар киради. Уларни ёритишда муаллиф кўпроқ адабий дўстликка доир далилларнинг катта миқдорига ва ишонтириш кучига суянади. Адабий дўстликни улуғлаш, албатта, таҳсинга сазовор ҳодиса. Лекин шу билан бирга узоқ асрлар давом этган адабий алоқалар тарихидаги юз бериши муқаррар бўлган баъзи ноҳуш воқеаларнинг буткул четлаб ўтилишини ҳар ҳолда холисликка мувофиқ талқин деб ҳисоблаш қийин туюлади.

Алоҳида ёзувчиларнинг муайян адабиётга кўрсатган таъсирини рўёбга чиқаришда эса Р.Иноғомов айрим асарларнинг муфассал таҳлилига таянади. Бундай таҳлилнинг ёрқин намунаси сифатида китобдаги Абдулла Қодирий асарлари билан туркман ёзувчиси Хидир Деряевнинг “Қисмат” романи чуқур қиёсий талқин қилинганлигини эслаш мумкин. Ушбу асарнинг “Ўтган кунлар” романи билан қиёсий таҳлили адабиётшуносга мана бундай хулоса чиқариш имконини беради: “Халқ ҳаётининг кенг панорамаси берилиши, конфликтларнинг ўткирлиги ва драматизмга бойлиги, кўпгина қаҳрамонлар тақдирининг бир-бирига ўхшаб кетиши жиҳатдан “Қисмат” асари “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Қутлуг қон” романларига ҳамоҳангдир” (Иноғомов Р. Адабий қардошлик тароналари. Т., Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 76-бет).

Англашиладики, турли асарларнинг қиёсий таҳлили икки халқ адабиётлари ривожига муштарак тамойилларни аниқлашга йўл очган. Шундай аҳамиятига кўра Р.Иноғомовнинг “Адабий қардошлик тароналари” китоби ўзбек адабиётшунослигида қиёсий таҳлил усулининг самарадорлигини яққол исботлаган илмий асарлар қаторидан жой олди. Бу усулдан Р.Иноғомов кейинги асарлари, хусусан, “Халқлар дўстлиги – адабиётлар дўстлиги”, “Адабиётимизнинг қардошлик алоқалари”, “Адабиёт – дўстлик элчиси”, “Қардошлик саодати”, “Кўнгиллар аро кўприк” китобларида ҳам унумли фойдаланишга уринди. Фақат бу китобларда ҳаддан ташқари беқиёс мақсадлар кўзланганлиги сабабли уларда қиёсий таҳлилдан кўра далилларнинг чексиз даражада мўллиги устунлик қилиб кетди. Ушбу китобларда муаллиф ўз олдида ўзбек адабиётининг жуда кўп халқлар, хусусан, украин, белорус, грузин, арман, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, тожик миллатлари сўз санъати билан алоқаларини ёритиб чиқишдек улкан мақсадни қўйган эди. Мазкур алоқаларнинг ўзига хос мужассами сифатида у санаб ўтилган

халқлар адабиётининг ғоятда кўп намояндалари, хусусан, О.Гончар, Я.Колас, Эди Огнецвет, Ованес Туманьян, Мирза Фатали Охундов, Самад Вурғун, М.Ауэзов, Б.Кербобоев, Ч.Айтматов, Мирзо Турсунзода, Бердақ сингари ёзувчиларнинг ижодий портретларини яратиб чиқишга интилган эди. Аёнки, муфассал таҳлил воситасида шунча кўп халқ адабиёти ва ёзувчилар ижодини ёритиб чиқиш ҳамда уларнинг ўзбек адабиёти билан муносабатлари моҳиятини очиб беришнинг деярли иложи йўқ эди. Шунга кўра Р.Иноғомов ўз мақсадини қисман қиёсий таҳлил ва кўпроқ далил жамлаш, саралаш, шарҳлаш орқали рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди. Ўзбек адабиётининг шу қадар кўп қардош халқлар сўз санъати билан бўлган алоқаларини фақат далиллар воситасида ёритишнинг ўзи ҳам узоқ йиллар мобайнидаги заҳматга тўла меҳнатни талаб қилар эди. Демак, мазкур алоқаларни қай даражададир ёритганининг ўзи ҳам Р.Иноғомовнинг адабиётшунослигимизга қўшган ўзига хос ҳиссаси ва миннатдор халқимиз олдидаги катта хизмати ҳисобланади.

Англашиладики, сўзимизнинг бошида айтганимиз Р.Иноғомовга бахт-саодат келтирган халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги кураши, энг аввало, турли миллатлар орасидаги адабий алоқаларни тадқиқ этиш шаклида намоён бўлди. Иккинчидан, саодат келтирувчи бу кураш Р.Иноғомовнинг таржимонлик фаолияти сифатида юзага чиқди. Узоқ йиллар таржимонлик билан астойдил шуғулланиб, у ўзбек китобхонларини А.Калининнинг “Ортга қайтиш йўқ”, “Урушнинг акс садоси”, Стефан Зоряннинг “Бир умр қиссаси” сингари асарлари ва ёш украин ёзувчилари ҳикоялари, шунингдек, Сомерсет Моэмнинг “Нотаниш одам Парижда”, “Ой ва сариқ чақа” романлари билан таништирди. Бу таржималарнинг кўп жиҳатдан муваффақиятли чиқишида Р.Иноғомовнинг рус тилини яхши билиши қўл келди.

Ниҳоят, Р.Иноғомовнинг халқлар дўстлиги учун кураши сўнгги йилларда учинчи бир кўринишда намоён бўлди. Энди у адабий муносабатларни ўрганиш соҳасида орттирган катта тажрибасига таяниб, диний алоқалар тарихи саҳифаларини жонлантиришга киришди. Бунинг дастлабки натижаси сифатида 1995 йилда Р.Иноғомовнинг “Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари” деган китоби босилиб чиқди. Унда мисқоллаб йиғилган далиллар ёрдамида муаллиф пайғамбарнинг қарийб ўн тўрт аср давомида Туркистонда илдиз отган шажарасини гавдалантиришга ва шунинг воситасида мазкур ўлкада ислом динининг ёйилиш жараёнини маълум даражада кўрсатишга муваффақ бўлди.

Кўрамизки, Ўзбекистон Миллий университети доценти Раҳматилла Иноғомов адабиётшунослигимиз, таржима санъати ва дин тарихи соҳаларига камтарин улуш қўшди. Айниқса, адабиётшунослигимизда қиёсий таҳлил тамойилини унинг хизматларисиз тасаввур қилиш қийин. Камтарин хизмати халқлар дўстлиги йўлидаги курашнинг узвий қисми ҳисоблангани учун уни Раҳматилла Иноғомов ўз саодати деб билди.

Умрининг сўнгги йилларида Раҳматилла Иноғомов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ХХ аср ўзбек адабиёти кафедрасига ишга ўтган эди. Шу билан боғлиқ равишда унинг фаолиятида янги ўзбек адабиёти тараққиёти масалаларини ва йирик намояндалари ижодини тадқиқ этиш марказий ўринга чиқади. Хусусан, у ўз олдига шоир Эркин Воҳидов ижодининг ҳали танқидчилигимизда деярли ўрганилмаган қирраларини кўрсатиб бериш мақсадини қўяди. Шу мақсадга интилиш маҳсули сифатида Раҳматилла Иноғомовнинг “Шоирлик қисмати” номли китоби майдонга келади. Эркин Воҳидов ижодига бағишланган аввалги танқидий асарлардан фарқли ҳолда бу китобда шоир шеърларининг яратилиш тарихи, халқ орасида қозонган обрў-эътибори, кишилар маънавиятига таъсири ва санъаткор лабораториясининг бошқа кўплаб фазилатлари ниҳоятда оммабоп ҳамда қизиқарли хотиралар воситасида ёритиб берилган эди. Афсуски, бу китоб олимнинг сўнгги нидосидек жаранглаб қолди. Раҳматилла Иноғомов 2004 йил еттинчи декабрдан саккизинчисига ўтар кечаси сира касал бўлмагани ҳолда, кутилмаганда оламдан ўтди. Мамлакатимизнинг адабиёт аҳли ва бугун халқимиз қалбида у кўпқиррали истеъдод соҳиби, яъни моҳир педагог, тиним билмас адабиётшунос олим, фаол танқидчи, етук таржимон ҳамда матонатли шахматчи, энг муҳими, саховатли, олижаноб, бағри кенг инсон сифатида ўзидан яхши ном қолдириб кетди.

МУНДАРИЖА

Тома-тома кўл бўлур (2005 йил романлари)	1
Романми ёки лағмон?	30
Усти ялтироқ, ичи қалтироқ	41
Танқидчилигимизнинг машаққатли йўли	62
Йўқни йўндириш санъати	89
Фанлар сангами	100
Қардошлик саодати	110

Санжар СОДИҚ

РОМАН ВА ТАНҚИД

адабий-танқидий мақолалар

Муҳаррир Жаббор Эшонқулов

Бадиий муҳаррир Уйғун Солиҳов

Саҳифаловчи Муҳаррам Шобурхонова

Нашриёт рақами 3-149. Босишга рухсат этилди 16. 06. 2008.

Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. Шартли б.т. 7,75. Нашриёт ҳ. т. 6,5.

Адади 500 нусха. Буюртма № 140. Баҳоси келишилган нарҳда.

ЎзРФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

«YUNAKS-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди. Тошкент ш.
Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Санжар Соғиқ

**РОМАН
ВА
ТАНҚИД**



«ФАН»

ISBN 978-9943-09-612-7

